



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
2019 ЙИЛДАГИ
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
2019 ЙИЛДАГИ
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**

Тошкент 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ.....	6
I. 2019 ЙИЛДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ.....	9
1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши.....	9
1.1.1. Иқтисодиётда ички талабнинг шаклланиш омиллари.....	9
1.1.2. Иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолат.....	13
1.1.3. Меҳнат бозоридаги ҳолат ва тенденциялар.....	17
1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши.....	20
1.2.1. Ўзбекистон учун жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар билан боғлиқ хавф-хатарлар.....	23
1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар.....	28
1.4. Тўлов баланси ва ташқи қарз.....	36
II. 2019 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ.....	40
2.1. Банк тизими инфратузилмаси.....	40
2.1.1. Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари.....	40
2.1.2. Кредит ахбороти давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти.....	40
2.1.3. Гаров реестри фаолияти.....	45
2.1.4. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими.....	46
2.2 Банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари.....	47
2.3. Тижорат банклари кредит портфели концентрацияси ва сегментацияси таҳлили.....	55
2.4. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари.....	60
2.5. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари.....	63
III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ.....	71
3.1. Пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар.....	71
3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ва асосий тамойиллари.....	71
3.1.2. Банк тизими ликвидлиги таҳлили ва унга таъсир этган омиллар.....	74
3.1.3. Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш ва унинг трансмиссион механизми таҳлили.....	76
3.1.4. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари.....	84
3.2. Валюта сиёсати ва валюта бозоридаги операциялар таҳлили.....	90
3.2.1. Ташқи савдо бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили.....	90
3.2.2. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили.....	93
3.2.3. Валюта қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар.....	100

3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият	102
3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили	103
3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.....	109
3.4. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	113
3.4.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	113
3.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	117
3.4.3. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати	119
3.5. Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш	122
3.5.1. Банклараро электрон тўлов тизими ривожланиши	122
3.5.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими фаолияти кўрсаткичлари	125
3.5.3. Чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар.....	127
3.5.4. Масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг ривожланиши	131
3.6. Нақд пул муомаласини ташкил этиш.....	132
3.6.1. Нақд пул тушуми динамикаси ва унинг таркибий ўзгариши	133
3.6.2. Нақд пул чиқими динамикаси ва унинг таркибий ўзгариши	134
3.6.3. Банк карталарига келиб тушган маблағларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси ва унинг таркибий ўзгариши.....	135
3.6.4. Муомаладаги нақд пул ҳажмининг динамикаси ва унинг ўзгариши	136
3.6.5. Муомаладаги нақд пуллар қаторининг оптималлаштирилиши ва унинг натижалари	137
3.7. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш.....	140
3.8. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш	141
3.9. Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш.....	143
3.10. Банк қонунчилигини такомиллаштириш.....	145
3.11. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш	147
3.12. Банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....	150
3.13. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш	153
3.14. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш.....	155
3.15. Марказий банк коммуникация сиёсатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар	157

IV. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК	161
4.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик	161
4.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик	165
V. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ	167
5.1. Ташкилий тузилма	167
5.2. Ходимлар билан ишлаш тизими.....	167
5.3. Ички аудит фаолияти.....	171
VI. ИЛОВАЛАР.....	174

КИРИШ СЎЗИ

2019 йилда Марказий банк томонидан банк қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Президентининг банк тизими фаолиятига доир фармонлари ва қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, нархлар, банк ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш ҳамда Марказий банк фаолиятини ва банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Хусусан, ҳисобот йилида ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш давом эттирилиб, бу борада асосий эътибор банк тизимидаги ликвидликни самарали тартибга солиш, нархлар даражаси шаклланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири бўлган иқтисодий кредитлаш ҳажмининг ўсиш суръатини мувозанатлаштириш ҳамда кенг қамровли коммуникацион сиёсат олиб бориш орқали иқтисодий инфляция босим ва кутилмаларни пасайтиришга қаратилди.

Бунда 2019 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг қўламли дастурларнинг амалга оширилиши доирасида иқтисодий ажратилган кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши ҳамда иқтисодий нархлар эркинлаштирилиши шароитида амалга оширилди.

Бундай шароитда, Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш чораларининг кўрилиши, мавжуд инструментларнинг тизимли равишда қўлланиб борилиши ҳамда пруденциал назорат чораларининг кучайтирилиши монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини камайтиришга хизмат қилди.

Ҳисобот йилида инфляция таргетлаш режимига ўтиш бўйича ишлар давом эттирилиб, жумладан, бу борада 2019 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сонли Фармони қабул қилинганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Мазкур фармонда инфляция даражасини босқичма-босқич пасайтириб бориш ҳамда 2023 йилда унинг 5 фоизлик доимий мақсадли кўрсаткичига эришиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бошқача қилиб айтганда, ушбу фармон билан мамлакатимизда пул-кредит сиёсатини инфляция таргетлаш режимига ўтказишнинг муддатлари расман тасдиқланди.

Ҳисобот йилида валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, жумладан, аҳолига валюта операцияларини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 2019 йилнинг август ойдан бошлаб тижорат банклари валюта шахобчалари орқали жисмоний шахсларга нақд чет эл валютасини сотиш механизми жорий қилинди.

Шунингдек, тижорат банклари билан биргаликда валюта айрибошлаш шахобчалари сони, шу жумладан, аҳоли гавжум жойларда ташкил этилган “24/7” режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айрибошлаш шахобчалари сони сезиларли даражада кўпайтирилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, ликвидлилик ва кредит рискларини бошқариш, шунингдек, банк назорати амалиётини Базель кўмитасининг асосий тамойилларига тўлиқ мувофиқлаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, банк тизимидаги ликвидлилик хатарини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб **ликвидлиликни қоплаш** ҳамда **соф барқарор молиялаштириш меъёрларини** миллий ва хорижий валютада алоҳида ҳисоблаш амалиёти татбиқ этиш орқали банклар ликвидлигига белгиланган талаблар кучайтирилди.

Банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг умумий капиталининг 2019 йил давомида қарийб 1,9 баробарга кўпайиши ҳамда банклар капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичининг халқаро минимал талабдан 1,8 баробарга юқори бўлишига эришилди.

Шунингдек, 2019 йилда банклар фаолиятини, жумладан, улардаги бизнес жараёнларини трансформация қилиш борасидаги чора-тадбирлар доирасида Жаҳон банки экспертларини жалб қилган ҳолда **Банк-молия тизимини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси** ишлаб чиқилди.

Бу йўналишдаги амалий ишлар доирасида Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки қатор давлат банкларини ислоҳ қилиш жараёнида қатнашишга жалб қилинди. Бундан ташқари, давлат банкларида кредит ва рисклар концентрациясини камайтириш орқали уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва трансформация жараёнларини осонлаштириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёти жамғармаси (ЎТТЖ) маблағлари ҳисобидан давлат

корхоналарига берилган кредитлар банклар балансидан ЎТТЖ балансига ўтказилди.

Марказий банк фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланган миллий тўлов тизимини ривожлантириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар доирасида, энг аввало, “Нимо” чакана тўлов тизими 2019 йилнинг апрель ойидан бошлаб тўлиқ ишга туширилди ҳамда йил давомида унинг инфратузилмасини кенгайтириш чоралари кўрилди.

Хўжалик субъектларининг тўловларини туну-кун 24/7 режимида ўтказилишига шарт-шароит яратиш мақсадида Марказий банк ҳузурида Маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш ҳамда тўловларнинг 24/7 режимида ўтказилишини таъминловчи янги “Лаҳзали тўловлар тизими”ни жорий қилиш бўйича кенг қамровли тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Мазкур марказнинг 2020 йилнинг I ярим йиллигида ишга туширилиши режалаштирилаётган бўлиб, бунинг натижасида корхона ва ташкилотлар ҳам ҳудди аҳоли каби ўз тўловларини туну кун режимида, яъни тижорат банклари филиал ва шахобчаларига ташриф буюрмасдан иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Ҳисобот йилида амалга оширилган эътиборга молик ишлардан яна бири, шубҳасиз, банк қонунчилигининг илғор хорижий тажриба асосида чуқур ўрганилиб, тубдан қайта кўриб чиқилиши бўлди. Ҳисобот йилида Марказий банк фаолиятини ва банк тизимини ислоҳ қилишнинг қонуний асосларини яратиш ва такомиллаштириш мақсадида соҳага оид 4 та асосий қонунлар – янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банкнинг банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш йўналишларидаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳисоботда юқорида қайд этилган ва банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган бошқа чора-тадбирлар ҳамда Марказий банкка амалдаги қонунчиликка мувофиқ юклатилган вазифаларнинг ижроси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

I. 2019 йилда пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг макроиқтисодий шароитлари

1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

2019 йилда мамлакатдаги умумий макроиқтисодий ҳолат, шу жумладан, иқтисодиёт реал секторидаги тенденциялар ва инфляция жараёнлари 2018 йилга нисбатан иқтисодий ва инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада ошиши ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича таркибий ислохотларнинг фаоллаштирилиши шароитида шаклланиб борди.

1.1.1. Иқтисодиётда ички талабнинг шаклланиш омиллари

2018 йилда иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери бўлиб хизмат қилган **иқтисодиётдаги инвестицион ва истеъмол талаби ошиши** тенденциялари ҳисобот йилида ҳам давом этди.

Бунда 2019 йилда инвестиция мақсадларига хорижий кредитлар ва инвестициялар, бюджет маблағлари ҳамда банк кредитлари ҳисобидан янада кўпроқ маблағларнинг йўналтирилиши, фаол солиқ-бюджет сиёсати юритилиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг юқори суръатда ўсишда давом этиши натижасида ички талаб ҳажми 2018 йилдагига нисбатан янада жадалроқ ўсди.

Хусусан, 2019 йилда республикада иқтисодиётида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган **инвестициялар** ҳажми **189,9 трлн. сўмни** ташкил этган ҳолда, 2018 йилга нисбатан реал ҳисобда **33,9** фоизга (2018 йилдаги ўсиш 29,9 фоиз) кўпайди.


Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ЯИМга нисбати 2018 йилдаги **30,6** фоиздан **37,1** фоизгача ошди ҳамда мазкур кўрсаткич кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, МДҲ давлатларидаги кўрсаткичлардан анча юқори даражада шаклланди.

2019 йилда марказлашмаган манбалар ҳисобига амалга оширилган инвестицияларнинг **1,4** баробарга ошиши иқтисодиётдаги инвестицион фаоллик ўсишининг асосий драйвери (омили) бўлиб хизмат қилди ва уларнинг жами инвестициялардаги улуши **73,4** фоизга (2018 йилда 70,3 фоиз) етди. Марказлашган инвестициялар улуши эса **29,7** фоиздан **26,6** фоизгача камайди.

Бунда марказлашмаган инвестицияларнинг юқори ўсиши асосан 2019 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестицияларнинг **4,1** баробарга кўпайганлиги билан изоҳланади.


1.1.1.1-чизма

Асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМга нисбати динамикаси, *фоизда*



1.1.1.2-чизма

Давлатлар кесимида асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМга нисбати, *фоизда*
2018 йил



Хусусан, ҳисобот йилида жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ялпи ҳажми 3,6 баробарга ошиб, **5,1 млрд. АҚШ долларини**, шу жумладан, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 4,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

1.1.1.1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариш динамикаси, *фоизда*

Молиялаштириш манбалари	2018 йил	2019 йил
Жами инвестициялар	29,9	33,9
Марказлашган инвестициялар	71,5	20
Бюджет маблағлари	37,2	17,7
Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси маблағлари	4,9	-28,8
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар	2,9 м	42,4
Марказлашмаган инвестициялар	18,1	39,8
Корхоналарнинг ўз маблағлари	34,4	-9,5
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	-23,6	3,9 м
Аҳоли маблағлари	-11,3	3,0

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Шунингдек, ҳисобот йилида марказлашган инвестицияларнинг 2018 йилга нисбатан реал ҳисобда **20** фоизга ўсиши, хусусан, давлат бюджет

маблағлари ва Ҳукумат кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестицияларнинг мос равишда **17,7** ва **42,4** фоизга ошганлиги иқтисодиётдаги ички талаб ҳажми ўсишига сезиларли таъсир ўтказди.

2019 йилда иқтисодиётда инвестицион ва истеъмол талабининг жадал ошишини рағбатлантирган муҳим омиллардан яна бири – **тижорат банклари кредит қўйилмаларининг** юқори суръатда ўсиши бўлди.

Хусусан, тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобга олинмаган) **1,5** баробарга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига **208,6 трлн.** сўмни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбатан улуши эса **32,5** фоиздан **41,3** фоизгача ошди.

2019 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга **88,3 трлн.** сўм ёки 2018 йилга нисбатан **2,3** баробар кўп инвестицион кредитлар, шу жумладан, хорижий кредит линиялари ҳисобидан **2,1 млрд.** АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Шунингдек, аҳолига ажратилган ипотека кредитлари ҳажмининг **1,7** баробарга (4,6 трлн. сўмдан 8,0 трлн. сўмгача) ҳамда истеъмол кредитларининг **1,4** баробарга (8,1 трлн. сўмдан 11,1 трлн. сўмгача) кўпайганлиги аҳолининг истеъмол ва инвестицион харажатлари ошишини рағбатлантирди.

Ҳисобот йилида давлат сектори ва иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг иқтисодиётда шаклланган умумий даражага тўғриланиши доирасида иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда ошиши ҳамда трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг қарийб **1,2** баробарга ўсиши ҳисобига **аҳоли реал даромадларининг** кўпайганлиги ҳам ички талабни қўллаб-қувватловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

2019 йил якуни бўйича аҳоли умумий даромадлари **344,7 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан реал ҳисобда **6,5** фоизга ошди. Аҳоли умумий даромадларининг асосий қисмини (69,1 фоиз) ташкил қилувчи меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар номинал ҳисобда **18,7** фоизга, трансфертлар шаклидаги даромадлар **29,1** фоизга, шу жумладан, халқаро пул ўтказмалари шаклидаги трансфертлар **17,5** фоизга ёки **5,1 млрд.** АҚШ долларида **6 млрд.** АҚШ долларигача ошган.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил давомида иқтисодиётда истеъмол ва инвестицион талабнинг сезиларли даражада ошиши маҳсулот ва хизматлар импортининг юқори суръатларда ўсишига ҳамда мамлакат ташқи савдо баланси салбий сальдосининг янада ортишига сабаб бўлди.

2019 йил якунларига кўра, **маҳсулот ва хизматлар импорти** 2018 йилга нисбатан **24,9** фоизга ёки **4,8** млрд. АҚШ долларига ўсиб, **24,3** млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо баланси манфий сальдоси эса 2018 йилга нисбатан **923** млн. АҚШ долларига кўпайиб, **6,4** млрд. АҚШ долларига етди.

Хусусан, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг жадал ўсиши натижасида **ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва технологиялари импорти** 2018 йилга нисбатан **32** фоизга ёки **2,3** млрд. АҚШ долларига ошиб, **9,3** млрд. АҚШ долларини, жами импорт ҳажмидаги улуши эса **38,5** фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, инвестицион фаолликнинг юқори бўлиши натижасида қурилиш материаллари импорти **10,8** фоизга кўпайиб, **1,3** млрд. АҚШ долларини ташкил этди.


Бошқача қилиб айтганда, қурилиш материаллари импортини ҳисобга олганда, 2019 йилдаги жами импорт ҳажми ўсишининг деярли **50** фоизи айнан иқтисодиётда инвестицион харажатларнинг ошиши билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, фаол иқтисодий ислохотлар даврида инвестицион жараёнларнинг жадаллашуви ва аҳоли реал даромадларининг юқори суръатларда ўсиши таъсирида мамлакат жорий операциялар ҳисоби сальдосининг манфий шаклланиши табиий ҳолат ҳисобланади.


Жаҳон тажрибаси инвестицион товарлар импортининг сезиларли даражада ўсиши ташқи савдо балансидаги тафовутни ошишига олиб келсада, янги ишлаб чиқариш қувватларини ва тармоқларини ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётнинг ўрта ва узоқ муддатли истикболда барқарор ва янада юқори суръатларда ўсишига хизмат қилишидан далолат беради.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида иқтисодиётда ялпи талаб ҳажмининг жадал ошиши истеъмол маҳсулотлари импорти ўсишини ҳам рағбатлантириб, жумладан, маиший техникалар импорти 2018 йилга нисбатан **2,1** баробарга, енгил автомобиллар импорти **37,9** фоизга, парфюмерия ва шахсий гигиена воситалари импорти **33,5** фоизга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти **19,2** фоизга кўпайди.

1.1.1.3-чизма

2019 йилдаги импорт таркиби, *фоизда*

1.1.1.4-чизма

2019 йилда асосий истеъмол товарлари импорти динамикаси, *фоизда*

Бу эса, 2019 йилда фискал харажатлар, иқтисодийтни кредитлаш ҳажми ва ташқаридан капитал оқими кириб келиши кучайиши (хорижий инвестициялар ва кредитлар) ҳамда бошқа ички талабни рағбатлантирувчи омиллар таъсирида иқтисодийта ортиқча истеъмол талабининг юзага келганлиги билан изоҳланади.

1.1.2. Иқтисодийнинг реал секторидаги ҳолат

Ҳисобот йили якуни бўйича мамлакат Ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми **511,8 трлн. сўми** ташкил қилиб, ЯИМнинг реал ўсиш суръати 2018 йилдаги 5,4 фоиздан **5,6** фоизгача тезлашди. Ўз навбатида, ЯИМ дефлятори 27,5 фоиздан 19,2 фоизгача пасайди.

ЯИМнинг аҳоли жон бошига ҳисобланган миқдори эса 2018 йилга нисбатан реал ҳисобда 3,6 фоизга ўсиб, 15,2 млн. сўми ташкил этди.

Бунда иқтисодий тармоқлари томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат ЯИМ умумий ҳажмининг **90,9** фоизини (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 5 фоиз банд), товарларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши эса **9,1** фоизни (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 0,6 фоиз банд) ташкил этди.

1.1.2.1-жадвал


Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил
Ялпи ички маҳсулот (млрд. сўм)	406 648,5	511 838,1
ЯИМнинг реал ўсиши (фоизда)	5,4	5,6
ЯИМ дефлятори (фоизда)	27,5	19,2
Истеъмол секторидаги инфляция даражаси (олдинги йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизда)	14,3	15,2
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)	124 231,3	189 924,3
олдинги йилга нисбатан реал ўсиши (фоизда)	29,9	33,9
Экспорт (млн. АҚШ доллари)	13 990,7	17 901,7
олдинги йилга нисбатан реал ўсиши (фоизда)	11,4	28,0
Импорт (млн. АҚШ доллари)	19 439,2	24 276,1
олдинги йилга нисбатан реал ўсиши (фоизда)	38,7	24,9
Ташқи савдо салъдоси (млн. АҚШ доллари)	-5 448,5	-6 374,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

1.1.2.1-чизма

Иқтисодиёт тармоқлари ўсиш суръатлари, фоизда



Ишлаб чиқариш томонидан қаралганда, ҳисобот йилида кузатилган ЯИМ ўсиш суръати асосан қурилиш ишлари ҳажми ўсиш суръатининг 14,3 фоиздан 19 фоизгача ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатининг 0,3 фоиздан 2,5 фоизгача тезлашиши билан боғлиқ.


Шу билан бирга, 2019 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,6 фоизни (2018 йилда 10,8 фоиз) ҳамда хизматлар соҳасида ўсиш суръати 5,1 фоизни (2018 йилда 5,5 фоиз) ташкил қилди.

Бунда 2019 йилда қурилиш ишлари соҳасининг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси 2018 йилдаги 0,7 фоиз банддан 1 фоиз бандгача ва қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳиссаси 0,1 фоиз банддан 0,7 фоиз бандгача кўпайган бўлса, саноат тармоғи ҳиссаси 2,1 фоиз банддан 1,6 фоиз бандгача ҳамда хизматлар соҳаси ҳиссаси 1,8 фоиз банддан 1,7 фоиз бандгача камайган.

Саноат тармоғида ишлаб чиқариш ўсишининг секинлашиши асосан тоғ-кон саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 фоизга қисқарганлиги (2018 йилдаги ўсиш 26,5 фоиз) билан боғлиқ бўлиб, мазкур тармоқда кўмир ишлаб чиқариш ҳажми 3 фоизга, нефть ишлаб чиқариш 6,3 фоизга, табиий газ ва газ конденсати қазиб олиш ҳажми мос равишда 1,6 ва 2,2 фоизга камайган.

1.1.2.2-чизма

Саноатда ишлаб чиқаришнинг асосий соҳалар бўйича ўсиши, фоизда



2019 йилда қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш ўсиш суръати 7,9 фоиздан 9,4 фоизгача тезлашган бўлиб, жумладан, тайёр кийим-кечак (2019 йилдаги ўсиш 6,2 фоиз), қоғоз ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (7,8 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (7,9 фоиз), мебель (10,6 фоиз), фармацевтика маҳсулотлари (11,5 фоиз), автомобиллар (20,8 фоиз) ҳамда электр жиҳозлари (39,5 фоиз) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши жадаллашган.


Хусусан, **истеъмол маҳсулотлари** ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада (12,1 фоизга) ошиши, шу жумладан, озиқ-овқат

ва ноозик-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мос равишда 15,9 ва 10,3 фоизга кўпайганлиги ички бозорда нархларнинг барқарорлашишида сезиларли омил бўлди.

2019 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқариш ўсишининг жадаллашиши асосан деҳқончилик соҳасида ишлаб чиқаришнинг 3,7 фоизга (2018 йилда 4,2 фоизга камайган), шу жумладан, маҳсулот етиштириш ҳажмининг дон экинлари бўйича 10 фоизга, полиз маҳсулотлари бўйича 4,6 фоизга, сабзавотлар бўйича 1,9 фоизга ҳамда мевалар ва узум етиштириш бўйича мос равишда 1,2 ва 0,3 фоизга кўпайганлиги билан боғлиқ.

1.1.2.3-чизма

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмларининг 2018 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда



Ўз навбатида, қурилиш ишлари ҳажми ўсиш суръати тезлашишига, юқорида қайд этилганидек, ҳисобот йилида мамлакат иқтисодиётида инвестицион фаоллик даражасининг 2018 йилдагига нисбатан янада ошганлиги таъсир кўрсатди. Бунда қурилиш ишларининг асосий қисмини (72,5 фоизини) ташкил этувчи бино ва иншоотларни қуриш ишлари ҳажми ўсиши 2018 йилдаги 8,5 фоиздан 17,9 фоизгача жадаллашган.

2019 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида ўсиш суръати бирмунча пасайган бўлиб, бу ҳолат асосан савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида ўсиш кўрсаткичининг 2018 йилдаги 5,4 фоиздан 5 фоизгача ҳамда ташиш, сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари соҳасида 6,9 фоиздан 5,6 фоизгача секинлашганлиги ҳисобига юз берди.

1.1.3. Меҳнат бозоридаги ҳолат ва тенденциялар


Марказий банк пул-кредит сиёсатини самарали амалга оширишида мамлакат меҳнат бозоридаги ҳолат ва тенденцияларни доимий ўрганиб, таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, иқтисодиётда иш ҳақи даражасининг меҳнат унумдорлигидан юқорироқ суръатларда ошиб бориши, иқтисодиётдаги ялпи талаб ҳажмининг ишлаб чиқаришдан жадалроқ ўсаётганлигини ҳамда пул-кредит сиёсатини катъийлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши зарурлигини англатади.

2019 йилда иқтисодиёт реал секторидаги ўсиш тенденциялари таъсирида мамлакат меҳнат бозори ва бандлик кўрсаткичларининг бирмунча яхшиланиши кузатилди. Жумладан, 2019 йилда ишсизлик даражаси 2018 йилга нисбатан 0,3 фоиз бандга (9,3 фоиздан 9,0 фоизгача) пасайди.

1.1.3.1-чизма

Ишсизлик даражаси ва иқтисодиётдаги банд аҳоли сони




2020 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13,5 млн. кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоизга ёки 268 минг кишига кўпайди.

Бунда бандлик даражасининг нисбатан юқори ўсиши қурилиш (11 фоиз), савдо (3,3 фоиз), соғлиқни сақлаш (2,1 фоиз) ва таълим (1,8 фоиз) соҳаларида кузатилган бўлса, ташиш ва сақлаш хизматлари ҳамда саноат соҳасида бандлик даражаси ўсиши нисбатан паст бўлиб, мос равишда 0,8 фоиз ва 0,5 фоизни ташкил қилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган аҳоли сони 0,2 фоизга қисқарган.

1.1.3.2-чизма

Иқтисодиётда банд аҳоли сонининг тармоқлар бўйича ўсиши, фоизда
(2020 йил 1 январь ҳолатига)



Меҳнат бозорида иш ҳақининг ўсиши динамикаси таҳлили унинг хизматлар соҳасида ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан жадалроқ ошганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2019 йил давомида ўртача иш ҳақи миқдори 2018 йилга нисбатан яшаш ва умумий овқатланиш соҳасида 40,1 фоизга, банк ва молиявий хизматлар соҳасида 37,2 фоизга, таълим соҳасида 33,3 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасида 31,0 фоизга ҳамда савдо соҳасида 24,7 фоизга ошган ҳолда саноат тармоғида иш ҳақи ўсиши 21,3 фоизни ташкил этган.

Ўртача иш ҳақи миқдори ўсиши саноатда 2018 йилдаги 30,6 фоиздан 21,3 фоизгача, қурилиш соҳасида 28,9 фоиздан 20,5 фоизгача секинлашган бўлса, хизматлар соҳаси тармоқларининг асосий қисмида иш ҳақи ўсиши тезлашган.

Таъкидлаш жоизки, иш ҳақи миқдорининг хизматлар соҳасида нисбатан жадалроқ ўсиши фискал харажатлар, иқтисодиётни кредитлаш ҳажми ёки ташқаридан капитал оқими кириб келиши кучайиши (хорижий инвестициялар ва кредитлар) ҳисобига ялпи талаб ҳажми сезиларли даражада ошаётган ривожланаётган мамлакатларда кўп кузатиладиган ҳолат ҳисобланади.

Халқаро тажриба, иқтисодиётда ялпи талаб ҳажми сезиларли ошган шароитда, унинг катта қисмини хизматлар соҳасига йўналтирилиши натижасида мазкур соҳада малакали ходимларга талабнинг ошишига ва шу орқали хизматлар соҳасида меҳнат самарадорлиги нисбатан паст суръатда ўсишига қарамасдан, иш ҳақи даражасининг ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан жадалроқ ўсишига олиб келишини кўрсатган.

1.1.3.1-жадвал

Ўртача иш ҳақининг тармоқлар бўйича ўзгариши, фоизда

	2018 йил	2019 йил
Ўртача иш ҳақи ўсиши	15,6	38,0
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат соҳаси	30,6	21,3
Қурилиш ишлари соҳаси	28,9	20,5
Савдо соҳаси	18,2	24,7
Ташиш ва сақлаш хизматлари соҳаси	23,5	18,4
Яшаш ва овқатланиш соҳаси	20,6	40,1
Банк, молия ва суғурта соҳаси	29,8	37,2
Таълим соҳаси	19,1	33,3
Соғлиқни сақлаш соҳаси	19,6	31,0

2019 йил мобайнида мамлакат иқтисодиётида:


меҳнат унумдорлиги ўсиши кўрсаткичининг, яъни бир ишчига тўғри келадиган реал ҳисобдаги ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 2018 йилдаги 7,1 фоиздан 3,5 фоизгача секинлашганлиги;

меҳнат унумдорлиги ўсишининг 2018 йилнинг III чорагидан бошлаб, умуман олганда, пасайиши;

аҳоли реал даромадларининг меҳнат унумдорлиги ўзгаришига нисбатан юқорида суръатда ўсиши кузатилди.

1.1.3.3-чизма

Меҳнат унумдорлиги ва аҳоли умумий даромадларининг ўзгариши, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда



Таъкидлаш жоизки, ушбу номутаносибликнинг узоқ муддатда сақланиб қолиши, ўз навбатида, иқтисодиётда маълум даражада инфляцион босимни юзага келишига, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келиб, товар (иш, хизматлар) импортига талабнинг юқори даражада сақланиб қолиши орқали мамлакат тўлов баланси ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

2019 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти учун ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланишига, бир томондан, жаҳон иқтисодиёти ўсишининг секинлашиши, иккинчи томондан эса жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт товарлари нархлари ўзгаришининг турли тенденцияларида бўлиши сезиларли таъсир кўрсатди.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2020 йил январь ойида эълон қилинган жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари бўйича қайта кўриб чиқилган ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йил якуни бўйича жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2,9 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2018 йилдаги кўрсаткичга (3,8 фоиз) нисбатан 0,9 фоиз бандга секинлашган.

Бунда жаҳон иқтисодиёти ўсишининг секинлашишига асосан:

2019 йилнинг биринчи ярмида АҚШ ва Хитой савдо муносабатларидаги зиддиятнинг кучайиши, шу жумладан, икки томонлама кўшимча савдо санкцияларининг жорий этилиши ҳамда ушбу санкцияларни бекор қилиш масаласида ноаниқликнинг сақланиб қолиши;

Хитойда иқтисодий ўсиш суръатининг секинлашиши натижасида жаҳон бозорида асосий хомашё товарларига талабнинг сустлашиши ҳисобига айрим хомашё товарлари нархларининг пасайиши;


АҚШ федерал фонд ставкасининг оширилиши натижасида қатор ривожланаётган мамлакатлардан капитал чиқиб кетишининг кучайишига жавобан аксарият давлатларда пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши каби омиллар таъсир кўрсатди.

Иқтисодий ўсишнинг секинлашиши Ўзбекистоннинг асосий **савдо ҳамкорлари ҳисобланган аксарият давлатларда** ҳам кузатилган бўлиб, мазкур ҳолат мамлакатимиз экспортига ташқи талабнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатди.

Хусусан, **Хитойда** АҚШ билан “савдо уруши”нинг давом этиши ҳамда қатъий пул-кредит сиёсати юритилиши натижасида иқтисодий ўсиш 2018 йилдаги 6,6 фоиздан 6,1 фоизгача секинлашди.

1.2.1-чизма

Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси, фоизда



2019 йилнинг биринчи ярмида жаҳон бозорида нефть нархининг пасайиши, қўшилган қиймат солиғи ставкасининг оширилиши ҳамда иқтисодиётда инвестицион фаолликнинг пасайиши ҳисобига **Россияда** 2019 йил якуни бўйича иқтисодий ўсиш суръати 2018 йилдаги 2,3 фоиздан 1,3 фоизгача секинлашди.

Туркияда эса пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши ва мамлакат молия бозорида танглик ҳолатининг сақланиб қолиши таъсирида ЯИМ реал ўсиши 2,8 фоиздан 0,3 фоизгача пасайди.

Шу билан бирга, қўшни давлатлар иқтисодиётидаги ижобий тенденциялар республикамиз экспортига ташқи талабни рағбатлантириб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун асосий бозорлар ҳисобланган Россия, Хитой ва Туркиядаги иқтисодий ўсиш секинлашишининг Ўзбекистонга салбий таъсирини камайтирди.


Хусусан, **Қозоғистонда** инвестицион фаолликнинг ошиши ҳамда нефть қазиб чиқариш ҳажмининг кўпайиши натижасида иқтисодий ўсиш суръати 4,1 фоиздан 4,5 фоизгача тезлашди. Шунингдек, ЯИМ реал ўсиши Қирғизистонда 3,5 фоиздан 3,8 фоизгача ва Тожикистонда 7,3 фоиздан 7,7 фоизгача жадаллашди.

Ҳисобот йилида **асосий савдо ҳамкорлар ҳисобланган давлатлар миллий валюталари курслари динамикаси** республикамиз учун умуман олганда қулай шаклланди. Хусусан, миллий валютамиз – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан 13,9 фоизга қадрсизланган ҳолатда, Хитой юани

2019 йил давомида АҚШ долларига нисбатан 3,2 фоизга, Туркия лirasи 7,8 фоизга ҳамда Қозоғистон тенгеси 1,6 фоизга қадрсизланди. Россия рубли эса 2019 йил давомида АҚШ долларига нисбатан 6,5 фоизга мустаҳкамланди.

1.2.2-чизма

2019 йил давомида асосий савдо ҳамкор давлатлар миллий валюта курсларининг АҚШ долларига нисбатан ўзгариш динамикаси
(01.01.2019 й. ҳолатига нисбатан фоизда)



Ўзбекистонда инфляция даражаси асосий савдо ҳамкорлар ҳисобланган давлатлардагига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиши ҳисобига сўм реал эффектив алмашув курси 2019 йилда мустаҳкамланди.

Бунда асосий савдо ҳамкорлар ҳисобланган давлатлар миллий валюталари курслари девальвациясининг паст даражада бўлганлиги (Россия рублининг мустаҳкамланиши) миллий валюта – “сўм” реал эффектив алмашув курсининг ижобий томонга ўзгариши ҳамда шу орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини сақлаб туришга хизмат қилди.


Ҳисобот йили давомида жаҳон бозорларида мамлакатимизнинг асосий экспорт маҳсулотлари қаторига кирувчи **қимматбаҳо ва рангли металллар ҳамда бошқа хомашё маҳсулотлари нархлари** ўзгариши турли тенденцияларга эга бўлди.

Хусусан, 2019 йил мобайнида **олтиннинг** жаҳон бозорларидаги ўртача йиллик нархининг 9,5 фоизга ошиши кузатилган бўлиб, ушбу ҳолат асосан АҚШ ва Хитой ўртасида савдо муносабатларидаги тангликнинг сақланиб қолиши, геосиёсий зиддиятларнинг кучайиши ҳамда 2019 йилнинг II ярим

йиллигида қатор ривожланган давлатлар марказий банклари томонидан, шу жумладан, АҚШ Федерал захиралар тизими томонидан фоиз ставкаларининг пасайтирилиши натижасида олтинга ишончли инвестицион актив сифатидаги талабнинг ортиши билан изоҳланади.


1.2.3-чизма

2017-2019 йилларда жаҳон бозорида олтин ва кумуш нархларининг ўзгариши, (АҚШ доллари/троя унцияси)



1.2.4-чизма

2017-2019 йилларда мис ва пахта жаҳон нархларининг ўзгариши, (АҚШ доллари/тонна)



Кумушнинг жаҳон бозоридаги ўртача йиллик нархи 2018 йилга нисбатан 3,2 фоизга ошган бўлса, жаҳон иқтисодий ўсишининг секинлашиши таъсирида Хитойнинг рангли металллар импортига талабининг пасайиши натижасида жаҳон бозорида мис 8 фоизга, рух 12,7 фоизга ҳамда пахта толаси 15,4 фоизга арзонлашди.

Шунингдек, жаҳон бозорларида нефть ўртача йиллик нархининг 2018 йилга нисбатан 9,9 фоизга пасайиши Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотлари қаторига кирувчи табиий газ экспорт нархларининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатди.

1.2.1. Ўзбекистон учун жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар билан боғлиқ хавф-хатарлар

Халқаро молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти ўсиши 2019 йилдаги 2,9 фоизга нисбатан юқори бўлиши прогноз қилинаётган бўлсада, глобал иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қатор хатарли омиллар сақланиб қолмоқда.

Бундай асосий хатарлардан бири, энг аввало, **Хитойда коронавируснинг тарқалиши билан боғлиқ тангликнинг давом этаётганлиги ва глобал пандемия хавфининг сақланиб қолаётганлиги** бўлиб, хусусан, 2020 йилнинг февраль ойида Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директори К. Георгиева томонидан коронавирус тарқалиши билан боғлиқ тангликнинг нафақат Хитойда, балки жаҳон миқёсида иқтисодий фаолликнинг пасайишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланган.

ХВЖ базавий прогнозига кўра, 2020 йилнинг I чорагида коронавирус билан боғлиқ ҳолат ижобий ҳал қилинган тақдирда, мазкур тангликнинг Хитой иқтисодиётига таъсири паст бўлиши ҳамда II чоракдан бошлаб Хитойда иқтисодий ўсиш мақбул даражага қайтиши прогноз қилинмоқда. Бундай прогноз сценарийсида жаҳон иқтисодий ўсишининг аввал прогноз қилинган 3,3 фоиздан 3,2 фоизгача секинлашиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, коронавирус Хитойда ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган ҳолатда жаҳон иқтисодиёти ўсишининг пасайиши янада кучлироқ бўлиши тахмин қилинмоқда.

Халқаро молия институтлари томонидан жаҳоннинг йирик мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатларида тангликнинг давом этаётганлиги ҳамда геосиёсий қарама-қаршиликларнинг сақланиб қолаётганлиги ҳам жаҳон иқтисодиёти ўсиши секинлашиши хатарини кучайтираётган омиллар сифатида қайд этилмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти барқарорлигига жиддий хавф солаётган яна бир хатарли ҳолат бу **аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат ва корпоратив қарзларнинг ҳаддан ортиқ ошиб бораётганлиги** билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолатнинг навбатдаги глобал молиявий-иқтисодий инқирозга олиб келиши мумкинлиги қайд этилмоқда.

Бунда давлат ва корпоратив қарз ҳажми ҳаддан ортиқ ошиб кетган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши ушбу қарзларни қайтариш билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ва шу орқали жаҳон молия бозорларида навбатдаги инқирозли ҳолатни юзага келтириши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Таҳлиллар юқоридаги келтирилган глобал иқтисодиётдаги хатарли ҳолатларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Хитой мамлакатимизнинг энг йирик ташқи савдо ҳамкорларидан бири бўлганлиги сабабли мазкур мамлакатда кузатилаётган коронавирус тарқалиши билан боғлиқ иқтисодий муаммоларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири айниқса сезиларли бўлиши мумкин.

2019 йилда республикаимиз ташқи савдо айланмасининг 18,1 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу мамлакатга товар ва хизматлар экспорти 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Экспортнинг асосий қисми табиий газ (917,2 млн. АҚШ долл.), ип-калава (437,6 млн. АҚШ долл.) ва пахта толаси (141,4 млн. АҚШ долл.), кимёвий маҳсулотлар (132,8 млн. АҚШ долл.) ва хизматлар (694,6 млн. АҚШ долл.) ҳиссасига тўғри келган.

2019 йилда Хитойдан 5 млрд. АҚШ долларлик товарлар импорт қилинган бўлиб, жами импорт ҳажмининг 22,3 фоизини ташкил қилди. Бунда Хитойдан олиб келинган товарларнинг ярмидан кўпи (51 фоизи) машина ва ускуналар ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, Хитой корхоналари Ўзбекистондаги ишлаб чиқарувчиларга катта ҳажмдаги бутловчи қисмлар ва хомашёларни ҳам етказиб беради.

Ушбу шароитда Хитойдаги танглик ҳолати Ўзбекистон иқтисодиётига:

бутловчи қисмлар ва хомашё етказиб берилишидаги узилишлар ҳисобига реал сектор корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши;

Трикотаж матолар умумий импортнинг 92,5 фоизи, синтетик толали матоларнинг 62 фоизи, синтетик ипларнинг 56 фоизи, пойабзал хомашёси импортнинг 52,3 фоизи, мебел фурнитурасининг 38 фоизи ва полиэтилен хомашёси импортнинг 31,7 фоизи Хитойдан импорт қилинади.

технологик ускуналар импорт қилишда муаммолар юзага келиши мумкинлиги ҳисобига асосий капиталга инвестициялар ўсишининг пасайиши (ёки камайиши);

2019 йилда асбоб-ускуналар ва технологиялар импортнинг 36,3 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келган.

Хитойда иқтисодий фаолликнинг пасайиши натижасида айрим товарларни (табиий газ, рангли металллар, пахта толаси) Хитойга экспорт қилиш ҳажмининг қисқариши;

2019 йил мобайнида Ўзбекистон умумий экспортидаги Хитойнинг улуши табиий газда 40,6 фоизни (917,2 млн. АҚШ долл.), рангли металлларда 7,3 фоизни (70 млн. АҚШ долл.) ва пахта толаси экспортида 50,2 фоизни ташкил этди (141,4 млн. АҚШ долл.).

ички истеъмол бозорида айрим товарлар бўйича вақтинчалик тақчиллик юзага келиши ҳисобига инфляцион босимнинг қисқа муддатли ўсиши шаклида **бевосита** салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

2019 йилда ювиш ва гигиена воситалари импортининг 67,4 фоизи, тўқимачилик маҳсулотларининг 49,5 фоизи, пойабзал маҳсулотларининг 53,4 фоизи, чой хомашёсининг 59 фоизи, велосипед ва ўйинчоқларнинг 80,7 фоизи ва маиший техниканинг 31 фоизи Хитойдан олиб кирилган.

Шу ўринда, Хитойдан товарлар ва хизматларни импорт қилишда муаммолар юзага келган шароитда, бошқа мамлакатлардан ёки маҳаллий корхоналар ичидан муқобил етказиб берувчиларни излаб топишга муайян вақт талаб этилиши, баъзи ҳолларда эса бу имконсиз бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, ҳисоб-китобларга кўра, Хитойдаги коронавирус тарқалиши билан боғлиқ танглик ҳолатининг сақланиб туриши 2020 йилда Ўзбекистонда ЯИМ ўсиш суръатини 0,2-0,3 фоиз бандга пасайтириши мумкин.

Ўз навбатида, рўй бериши мумкин бўлган глобал молиявий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ хатарлар паст бўлиб, ушбу ҳолат мамлакатимиз валюта захираларининг юқори рейтингга эга чет эл банкларидаги депозитларга жойлаштирилганлиги ҳамда халқаро молиявий активларга қилинган давлат ва хусусий инвестицияларнинг деярли мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Хитойда коронавируснинг тарқалиши ҳамда рўй бериши мумкин бўлган глобал молиявий инқироз мамлакатимиз иқтисодиётига асосий савдо ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашиши орқали ҳам **билвосита** таъсир кўрсатиши мумкин.

Хусусан, жаҳон микёсида иқтисодий фаолликнинг пасайиши натижасида жаҳон бозорида нефть нархининг арзонлашиши:

Ўзбекистоннинг йирик савдо шериклари ҳисобланган Россия ва Қозоғистонда иқтисодий ўсишнинг секинлашиши ҳисобига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларга ташқи талабнинг пасайишига;

2020 йилнинг ўтган даври мобайнида (январь - февраль), энергия манбаларининг асосий импортчиси бўлган Хитойнинг нефтьга бўлган талаби 20 фоизга қисқариши сабабли, дунё бозорида нефть нархи 23,8 фоизга арзонлашди. Бунинг натижасида, Россиянинг Иқтисодий ривожланиш вазирлиги нефть нархининг пасайиши сабабли 2020 йилда иқтисодий ўсишнинг дастлабки прогнозига (2 фоиз) нисбатан 0,3 фоиз бандга пасайишини прогноз қилмоқда.

Россия ва Қозоғистон миллий валюталарининг қадрсизланиши туфайли мазкур мамлакатлардан Ўзбекистонга юборилаётган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг камайишига (2019 йилда пул ўтказмалари ҳажми 6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди);

ички валюта бозорида девальвацион босимнинг юзага келишига (кўшни давлатлардаги девальвациянинг ички валюта бозорига таъсири);

Ушбу ҳолат иқтисодиётда инфляцион босимнинг кучайишига, давлат ва хусусий секторнинг ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларининг ошиб кетишига, шунингдек, банклар кредит портфелида хорижий валютадаги кредитлар улуши юқорилиги (50 фоизга яқин) ҳисобига муаммоли кредитлар улушининг кўпайишига олиб келиши мумкин.

ташқи талабнинг сусайиши ва жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт товарлари нархининг пасайиши ҳисобига экспорт ҳажмининг қисқаришига ва бунинг натижасида бюджет даромадларининг камайишига;

жаҳон молия бозоридаги танглик шароитида хорижий инвесторлар томонидан ўта эҳтиёткорона инвестицион сиёсат юритилиши натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келиши ҳажмининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Юқоридаги глобал иқтисодий хатарларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш ва таъсирини камайтириш мақсадида:

жаҳон иқтисодиётидаги, жумладан, халқаро молия бозорларидаги ҳолат ва тенденцияларни доимий мониторинг қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатга керакли ўзгартиришларни киритиб бориш;

бюджет ва банк тизимининг молиявий барқарорлигини ҳамда ташқи қарзга хизмат кўрсатиш салоҳиятини баҳолаш юзасидан стресс-тестлар ўтказиш;

мамлакат ташқи қарзининг меъёрдан ошиб кетишининг олдини олиш юзасидан тизимли чоралар кўриш, белгиланган лимит ва кўрсаткичларга қатъий амал қилинишини таъминлаш;

глобал молиявий инқироз юзага келган ҳолатда пул-кредит сиёсатини янада қатъийлаштириш орқали банк тизимидан пул маблағларининг олиб чиқиб кетилишининг ҳамда хорижий валютага ортиқча талаб юзага келишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.3. Инфляция жараёнлар ва кутилмалар

2019 йил давомида Ўзбекистонда **инфляция даражаси** иқтисодиётда юқори истеъмол ва инвестицион талабнинг сақланиб туриши ҳамда давлат томонидан маъмурий тартибга солинадиган товар ва хизматлар нархларини эркинлаштириш шароитларида шаклланиб борди.

2019 йилда истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича ҳисобланган йиллик инфляция даражаси **15,2 фоизни** ташкил этди ҳамда Марказий банк прогноз коридорининг юқори чегарасига яқин даражада сақланиб қолди.

Ўз навбатида, иқтисодиётдаги инфляция даражасининг муқобил кўрсаткичлари – ЯИМ дефлятори ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси кўрсаткичлари 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди.

Хусусан, ЯИМ дефлятори 2019 йил якунига келиб 19,2 фоизгача пасайган бўлса (2018 йил декабрида 27,5 фоиз), ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси 28,2 фоизгача (2018 йил декабрида 39,6 фоиз) пасайди. Бу маҳаллий ишлаб чиқариш нархларига 2017 йилги миллий валюта қадрсизланиши ва иқтисодиёт эркинлаштирилиши натижасида юзага келган бир марталик инфляцион босимлар таъсири тугаб бораётгани билан изоҳланади.

2019 йилда ялпи талабнинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларидан юқори бўлди ва бу иқтисодиётда инфляцион босимни вужудга келтирди. Шу билан бирга, ички таклиф билан таъминланмаган талаб импорт ҳисобига қопланди. Бу эса ўз навбатида, йилнинг II ярмида хорижий валютага бўлган талабни кучайтириб, алмашув курсига босим кўрсатди. Юқори талаб сақланиб қолиши билан бирга алмашув курсининг ошиши ички бозорда инфляцион жараёнларни кучайтирди.

2019 йилда инфляция даражаси турли йўналишли тенденцияда ўзгариб борди. Хусусан, йилнинг биринчи ярмида инфляция кўрсаткичи пасайиб, йиллик 13-13,5 фоиз даражада барқарор сақланиб турган бўлса, август ойида энергия ресурслари нархлари оширилиши ҳамда миллий валюта девальвациясининг тезлашиши таъсирида инфляциянинг йил давомидаги энг юқори кўрсаткичи (16,5 фоиз) қайд этилди.


Бунда 2019 йилда (III чоракни ҳисобга олмаганда) чораклик инфляция 2018 йилнинг мос даврларига нисбатан пастроқ даражада шаклланди.

Ҳисобот йилининг биринчи ярмида истеъмол нархлари индексининг ўсиши асосан озиқ-овқат товарлари ва хизматлар нархлари ошиши таъсирида шакланган бўлса, иккинчи ярим йиллиги давомида энергия манбалари тарифлари ва хизматлар нархларининг барқарорлашиши, банклар ликвидлигига нисбатан пруденциал назорат чораларининг кучайтирилиши

ҳамда давлат харажатларини оптималлаштириш бўйича амалий чораларнинг кўрилиши натижасида инфляция динамикаси пасайиш тенденциясига қайтди.

1.3.1-чизма


Инфляция кўрсаткичлари динамикаси
(ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоби

1.3.2-чизма

Йиллик инфляция ва базавий инфляция динамикаси
(ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда)




Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоби

Шу билан бирга, айрим товарлар импортига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши ҳамда 2019 йил октябрь ойидан бошлаб дон, ун ва қолипли нон нархлари шаклланишининг тўлиқ бозор механизмларига ўтказилиши натижасида истеъмол нархлари даражасига қўшимча босим юзага келди.

1.3.3-чизма

ИНИ асосий таркибий қисмлари динамикаси (ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси

Бундай қўшимча инфляция босим шароитида қўшни мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларининг эркинлаштирилиши ҳисобига ушбу мамлакатлардан республикамизга ички бозорда талаб юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳажми кенгайиши айрим маҳсулотларнинг мавсумий танқислиги натижасида юзага келадиган нархлар ошишининг олдини олиш имконини берди.

2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи бўйича нархларнинг ошиши йиллик инфляцияни шакллантирувчи асосий омил бўлди. Мазкур гуруҳнинг умумий инфляциядаги ҳиссаси 2018 йилга нисбатан 1,6 фоиз бандга ошиб, **8,1 фоиз бандга** (15,2 фоизлик инфляциянинг 53,3 фоизи) тенг бўлди.

Шунингдек, ҳисобот йилида ички бозордаги нархлар ошишига ноозиқ-овқат инфляцияси таъсири пасайишда давом этиб, йил якуни бўйича умумий инфляциядаги ҳиссаси **3,8 фоиз банд**ни ташкил этди. Шу билан бирга, хизматлар инфляциясининг умумий инфляциядаги ҳиссаси **3,3 фоиз банд** даражасида сақланиб қолди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши

Ҳисобот йилида **озиқ-овқат маҳсулотлари инфляциясида**, 2018 йилдаги пасайиш тенденциясидан фаркли равишда яққол ўсувчи тренд кузатилди.

Хусусан, ҳисобот йилининг январь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши, йиллик инфляция даражасининг 6,1 фоиз бандини ташкил этган бўлса, август ойига келиб ушбу кўрсаткич 8,4 фоиз бандгача ошди. Бунда йил бошида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг йиллик ҳисобдаги ўсиши 14,1 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич йил якуни бўйича 18,6 фоизгача (2018 йилда 14,9 фоиз) кўтарилди.

Маҳсулотлар кесимида мева-сабзавотлар нархлари ўзгаришининг озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик инфляциясига таъсири бирмунча пасайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси (мева-сабзавотларни ҳисобга олмаганда) 19,6 фоизни ташкил этди ҳамда унинг бундай юқори шаклланиши асосан дон, ун ва унга боғлиқ маҳсулотлар нархларининг эркинлаштирилиши ҳамда ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг минтақадаги ўртача нархлар даражасига мослашиши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, жаҳон бозорида буғдой нархининг ошиши натижасида импорт қилинган ун ва буғдой нархларининг ўсиши қатор маҳсулотлар нархларининг ошишига таъсир кўрсатди.


Хусусан, 2019 йилнинг I ярим йиллигида гўшт нархининг йиллик ўсиши сезиларли даражада секинлашиб, июнь ойида 13,1 фоизни ташкил этган бўлса, III чоракдан бошлаб нархлар ўсиш суръати жадаллашди ва декабрь ойида 23,4 фоизгача етди.

Жойларда ўтказилган сўров ва ўрганишлар, чорва учун озука нархининг юқори суръатларда ўсиши, ишлаб чиқариш базасининг ривожланмаганлиги ва ҳудудларда чорвачиликни ривожлантириш дастурлари доирасида чорва молларига талабнинг ўсиши, умумий овқатланиш – “ресторан бизнеси” соҳасининг жадал ривожланиши гўшт ва чорва моллари нархларининг ошишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бўлганлигини кўрсатмоқда.

Бунда кўшни давлатлардан чорва моллари импортининг кўпайиши ички бозорда гўшт нархи кескин ўсиб кетишининг олдини олишга хизмат қилди.

1.3.4-чизма

Йиллик инфляция таркибида асосий гуруҳлар ҳиссалари ўзгариши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоби

Шу билан бирга, 2019 йилда ёрма ва дуккакли маҳсулотлар нархлари ошишининг охириги икки йилдаги энг паст кўрсаткичи (йиллик 10,7 фоиз) кузатилди. Хусусан, 2018 йилги гуруч тақчиллигининг таъсири камайиб, 2019 йилда янги ҳосилнинг бозорга чиқиши ҳисобига IV чоракда гуруч 6 фоизга арзонлашди.

Ноорик-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши

2019 йилда **ноорик-овқат маҳсулотлари** нархларининг йиллик ўсиш суръати 2018 йилдаги кўрсаткичга (12,5 фоиз) нисбатан пасайиб, 10,9 фоизни ташкил этди.

Хусусан, ноорик-овқат маҳсулотлари инфляцияси II чорак якунида ўзининг сўнгги уч йилдаги минимал кўрсаткичи – 9,5 фоизгача пасайган бўлса, III чоракда ёқилғи маҳсулотларининг қимматлашиши ҳамда миллий валюта алмашув курсининг қадрсизланиши таъсирида октябрь ойида йиллик максимал киймати – 12,2 фоизгача кўтарилди. Декабрь ойига келиб ноорик-овқат товарлари нархлари барқарорлашиб, 10,3 фоизгача пасайди.

Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва ташқи савдо шарт-шароитларининг соддалаштирилиши натижасида ички бозордаги рақобат муҳити яхшиланиши ҳисобига 2019 йилнинг биринчи ярмида кийим-кечак, пойабзал ва қурилиш материаллари нархлари ўзгаришининг

йиллик умумий инфляциядаги (15,2 фоиз) ҳиссаси 2018 йилнинг мос даври билан таққослаганда 2 баробардан ортиққа камайди.

2019 йилнинг III чорагида миллий валюта курсининг сезиларли қадрсизланиши натижасида кийим-кечак, пойабзал, маиший маҳсулотлар, электротехника ҳамда таркибида импорт қисми юқори бўлган бошқа товарлар нархларининг ошиши тезлашган бўлса, IV чорак давомида алмашув курсининг нисбатан барқарорлашуви ушбу товарлар нархларининг барқарорлашувига хизмат қилди.

Хусусан, уй-рўзғор буюмлари ва электр жиҳозлари, шахсий гигиена воситалари ва тамаки маҳсулотлари гуруҳида нархлар ўсишининг сезиларли даражада тезлашиши кузатилди ва бу асосан айрим маҳаллий маҳсулотларга белгиланган акциз солиғи ставкасининг оширилиши, сўм девальвацияси ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари импортини чекловчи нотариф чораларнинг жорий қилиниши билан боғлиқдир. Хусусан, 2019 йилда маиший техника ва электр жиҳозлари нархлари 13,4 фоизга (2018 йилда 5 фоиз), ювиш ва тозалаш воситалари нархлари 15 фоизга (2018 йилда 6,4 фоиз) ҳамда маданий буюмлар нархлари 12,7 фоизга (2018 йилда 1,2 фоиз) ошган.

Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларининг кўпайтирилиши натижасида 2019 йилда қурилиш материаллари нархлари ўсиш суръати 7,3 фоизгача (2018 йилда 18,6 фоиз) пасайди. Бундан ташқари, кийим-кечак нархларининг ўсиши 2018 йилга нисбатан 1,2 фоиз бандга пастроқ бўлди.

Хизматлар нарх ва тарифларининг ўзгариши


Ҳисобот йилида истеъмол нархлари индекси саватининг хизматлар гуруҳида инфляция 15,2 фоизни (2018 йилда 15,8 фоиз) ташкил этиб, ўзгарувчан динамикага эга бўлди.

Хусусан, биринчи ярим йилликда хизматлар инфляцияси сезиларли даражада пасайиб, май ойида йиллик 12,5 фоизга тенг бўлган бўлса, III чоракда энергия манбалари тарифлари оширилиши натижасида ўсувчи тренд ҳосил қилди. IV чоракда эса хизматлар инфляциясида пасайиш кузатилиб, декабрь ойида йиллик 15,2 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида давлат томонидан маъмурий тартибга солинадиган хизматлар нархларида сезиларли ўсиш кузатилди. Бу асосан тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши шароитида, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика ва монопол корхоналар маҳсулотлари нархларининг ошиши ҳамда бунинг таъсирида коммунал ва транспорт хизматлари тарифларининг қимматлашиши ҳисобига юз берди.

1.3.5-чизма

Тартибга солинадиган нархлар ва базавий инфляциянинг ИНИ таркибидаги ҳиссалари ўзгариши (ИНИдаги улуши, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисобкитоби

2019 йилда тарифлари бозор тамойиллари асосида шаклландиган хизматлар нархларининг аввалги даврлардаги маҳсулотлар гуруҳидаги инфляцияга ҳамда иқтисодиётдаги иш хақи миқдори ошишига мослашуви жараёни давом этди. Хусусан, нархлар ўсиши маиший хизматлар бўйича 18,8 фоизни, таълим хизматлари бўйича 22 фоизни, тиббий хизматлар бўйича 11,7 фоизни ҳамда дам олиш хизматлари бўйича 13,2 фоизни ташкил қилди.

Базавий инфляция даражаси¹

2019 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида базавий инфляция даражаси асосан ўсиш трендига эга бўлган бўлиб, октябрь ойида энг юқори даражасига – йиллик 15 фоизга етди, ноябрь-декабрь ойларида эса 13,9 фоизгача пасайди.


Умуман олганда, 2019 йил давомида кузатилган базавий инфляция даражасининг тренди қўшилган қиймат солиғи базасининг кенгайтирилиши, кредитлаш суръатларининг тезлашиши ҳамда энергия манбалари нархлари оширилишининг иккиламчи таъсирлари, шунингдек, ички бозордаги

¹ Базавий инфляция иқтисодиётдаги давомий инфляцион трендни яққолроқ ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, қисқа муддатли, мавсумий ёки доимий тарзда ўзгариб турувчи нархлар билан боғлиқ ўзгаришларни (шокларни) инобатга олмайди. Базавий инфляция истеъмол нархлари индекси саватчасидан тартибга солинадиган нархларни ва мева-сабзавот нархларини чиқариб ташлаш йўли билан ҳисобланади.

нархларнинг иқтисодиётдаги иш ҳақи ошиши ҳамда айрим маҳсулотлар импорти бўйича божхона имтиёзларининг бекор қилинишига мослашуви каби омиллар билан изоҳланади.

1.3.6-чизма

Базавий инфляция ўзгариш динамикаси ва унинг таркиби (базавий инфляциядаги улуши, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисобкитоби

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилдан базавий инфляция таркибида маҳсулотлар ва хизматлар нархлари ўзгариши ўртасидаги тафовут қисқарди ҳамда хизматлар инфляцияси маҳсулотлар инфляциясига ўхшаш тенденцияга эга бўлди. Мазкур ҳолат 2017 йилдаги алмашув курси девальвациясининг ҳамда 2018 йилдаги ташқи савдо шарт-шароитлари яхшиланишининг маҳсулотлар инфляциясига таъсири тугаганлиги билан изоҳланади.

Инфляцион кутилмалар


2019 йилда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар тенденцияси ўзгарувчан бўлди. Биринчи ярим йилликда ўтказилган сўровлар иштирокчиларининг нархлар ўзгариши бўйича кутилмалари пасаювчи тренд ҳосил этган бўлиб, бунга асосан маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмлари ошиши ва ички бозорнинг тўйиниши борасидаги оптимистик кайфият асос бўлди.

Иккинчи ярим йилликда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган инфляция август ойидаги сезиларли ошишдан сўнг юқориликча сақланиб қолди ва бу ўз навбатида, иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар даражаси ошишига ўз таъсирини кўрсатди.

Бунда 2020 йил учун ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмалари бирмунча юқори шаклланган бўлиб, 2019 йилнинг декабрь ойида ўтказилган сўровларга кўра, келгуси 12 ой учун аҳолининг инфляцион кутилмалари 17,9 фоизга, тадбиркорлик субъектлари кутилмалари эса 18,1 фоизга тенг бўлди.

1.3.7-чизма

Инфляцион кутилмалар динамикаси, йиллик ўзгариши фоизда



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоби

Таъкидлаш жоизки, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида ўрта муддатли (келгуси 12 ой) истиқболда нархлар барқарорлиги бўйича эҳтиёткорона ёндашув сақланиб қолмоқда. Кутилмаларнинг юқори даражада сақланиб қолиши асосан нархлар шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг келгусидаги таъсири бўйича ноаниқликлар билан изоҳланади. Бунинг натижасида аҳолининг келгусидаги нархлар даражаси бўйича кутилмалари жорий сезилаётган инфляция, яъни бир марталик нархлар оширилиши келгусида яна давом этиши мумкин деган фаразлар таъсирида шаклланмоқда.

1.4. Тўлов баланси ва ташқи қарз

2019 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунига мувофиқ, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг **тўлов балансини, халқаро инвестицион позициясини, ташқи қарзини ва захира активларини ўз ичига олган ташқи сектор статистикаси** шакллантирилди ҳамда чораклик статистик маълумотлар Марказий банк веб-сайтида ўзбек, рус ва инглиз тилларида


ҳамда ХВЖнинг маълумотларни тарқатиш тизимларида мунтазам равишда жойлаштириб борилди.

2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси кўрсаткичлари хомашё товарларининг жаҳон нархлари динамикаси (энергия манбалари ва қимматбаҳо металллар), ташқи қарздорликларнинг ортиши, ҳудудларни ривожлантириш ва капитал қурилиш билан боғлиқ дастурларнинг кенг миқёсда амалга оширилиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсиши ва улар бўйича “йиғилиб қолган” мажбуриятларнинг сўндирилиши ҳамда трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмларининг ўсиши каби омиллар таъсирида шаклланиб борди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2019 йил якуни бўйича тўлов баланси **жорий операциялар ҳисобининг манфий сальдоси** 2018 йилга нисбатан **10** фоизга қисқариб, **3,2** млрд. АҚШ долларини ёки ЯИМга нисбатан **5** фоиз доирасида шаклланди.

1.4.1-чизма

Жорий операциялар ҳисоби динамикаси, млн. АҚШ доллариди



Бунда жорий операциялар ҳисоби манфий сальдосининг аввалги йилдагига нисбатан сезиларли қисқариши (7 фоиздан 5 фоизгача) жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари қаторига кирувчи айрим хомашё товарлари нархларининг ўсиши, номонетар олтин сотуви ҳажмининг ошиши ҳамда республикамизга юборилган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг ўсиши билан изоҳланади.

2019 йил якуни бўйича ташқи савдо балансининг манфий сальдоси халқаро хизматларни инобатга олган ҳолда, **9,6** млрд. АҚШ долларини, бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси эса **6,3** млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳисобот йилида **товар ва хизматлар импорти жами 13** фоизга ўсиб, **26,6 млрд. АҚШ** доллари миқдорида, **товар ва хизматлар экспорти эса 20** фоизга ўсиб, **17 млрд. АҚШ** доллари миқдорида шаклланди. Бунда товарлар импорти **16** фоизга ўсиб, **21,2 млрд. АҚШ** долларини, товарлар экспорти эса **22** фоизга ўсиб, **13,9 млрд. АҚШ** долларига етди.²

2019 йилда халқаро хизматлар савдосининг манфий сальдоси **2,3 млрд. АҚШ** доллари доирасида шаклланиб, **хизматлар экспорти 13** фоизга ўсиб, **3,1 млрд. АҚШ** долларини, **хизматлар импорти ҳажми эса 3** фоизга ўсиб, **5,4 млрд. АҚШ** долларини ташкил қилди.

Бирламчи даромадларнинг ижобий сальдоси **873 млн. АҚШ** долларини, жумладан, резидентларнинг бирламчи даромадлари келиб тушиши 2018 йилга нисбатан **6** фоизга камайиб, **3 млрд. АҚШ** доллари миқдорида, норезидентларнинг бирламчи даромадлари бўйича тўловлар эса **24** фоизга ошиб, **2,1 млрд. АҚШ** доллари миқдорида шаклланди.

Ўз навбатида, **иккиламчи даромадлар** ижобий сальдоси **5,4 млрд. АҚШ** долларига етди. Иккиламчи даромадларнинг келиб тушиши 2018 йилга нисбатан **25** фоизга ошиб, **6 млрд. АҚШ** долларини, улар бўйича тўловлар эса **5** фоизга камайиб, **585,7 млн. АҚШ** долларини ташкил этди.

Ҳисобот йилида жорий операциялар ҳисоби манфий сальдоси асосан ташқи қарзлар ва хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштирилди. Хусусан, ҳисобот йили якуни бўйича “Тўлов баланси қўлланмаси”га (ТБҚ 6) мувофиқ ҳисобланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг соф ўсиши **2,3 млрд. АҚШ** доллари миқдорида бўлди.

2019 йилда **портфель инвестициялар бўйича мажбуриятлар** ҳажмида сезиларли ўзгаришлар кузатилган бўлиб, йил давомида Ўзбекистон Республикасининг **1 млрд. АҚШ** долларилик илк евробондлари ҳамда Ўзсаноатқурилишбанкнинг **300 млн. АҚШ** долларилик евробондлари халқаро капитал бозорларида жойлаштирилди. Натижада ҳисобот йилида портфель инвестицияларнинг бозор нархларини инобатга олган ҳолда, соф ўсиши **1,3 млрд. АҚШ** долларини ташкил этди.


2019 йилда **ташқи қарз бўйича мажбуриятлар соф ўсиши 7,1 млрд. АҚШ** долларини ташкил қилди. Ҳисобот йилида давлат сектори томонидан **5,7 млрд. АҚШ** доллари ва тижорат банклари томонидан **1,9 млрд. АҚШ** доллари миқдорида қарз маблағлари жалб қилинган, бошқа секторлар ташқи қарз мажбуриятлари **497,6 млн. АҚШ** долларига камайди.

² Шу жумладан, мокилик импорти, яъни резидент - жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистонга сотиш мақсадида чет элдан олиб кирилган маҳсулотлар қиймати ҳисобга олинган (ХВЖнинг ТБҚ 6 методологиясига асосан)

Ўзбекистон Республикасининг ялпи ташқи қарзи³ 2019 йилда **40,9** фоизга ўсиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига **24,4** млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ялпи ташқи қарзнинг **65** фоизи (15,8 млрд. АҚШ долл.) давлат сектори, 12 фоизи (2,8 млрд. АҚШ долл.) банк сектори ҳамда 23 фоизи (5,7 млрд. АҚШ долл.) бошқа секторлар ҳиссасига тўғри келади.

1.4.2-чизма

Ўзбекистон Республикасининг ялпи ташқи қарзи таркиби, *фоизда*



2019 йил давомида ялпи ташқи қарз таркибида давлат ташқи қарзи бўйича мажбуриятлар қолдиғи **56,5** фоизга ва банк сектори бўйича қарийб **3** баробарга кўпайган бўлса, бошқа секторлар бўйича эса аксинча **8** фоизга камайди.

2019 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг ялпи ташқи қарзи ЯИМга нисбатан **42** фоизни, жумладан, давлат ташқи қарзи ЯИМга нисбатан **27,3** фоизни ташкил қилиб, бунда давлат сектори ва бошқа секторлар соф кредитор, банк сектори эса соф қарздор ҳисобланади. Бунда ялпи ташқи қарз даражаси 2019 йил давомида ЯИМга нисбатан **7,6** фоиз бандга, давлат ташқи қарзи эса **7,5** фоиз бандга ўсган.

Ўз навбатида, келгуси йилларда ҳам муайян ички ва ташқи омиллар, шу жумладан, иқтисодиётни кредитлаш, ташқи қарзларнинг жалб қилиниши, трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг ва жаҳон бозорида биржа товарлари конъюнктурасидаги ўзгаришлар ҳамда асосий савдо ҳамкор давлатлар иқтисодий ўсиш динамикаси таъсирида Ўзбекистоннинг тўлов баланси манфий сальдосининг ЯИМга нисбатан 5-7 фоиз атрофида сақланиб қолиши кутилмоқда.

³ Давлат ва давлат томонидан кафолатланган ва хусусий қарзни ўз ичига олади

II. 2019 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Банк тизими инфратузилмаси

2.1.1 Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари

Ҳисобот йили давомида республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 1 тага кўпайиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 30 тани ташкил этди. Шундан **13** таси капиталида давлатнинг салмоқли улушига эга банклар (*кейинги ўринларда давлат банклари*), **13** таси капиталида хусусий капиталнинг салмоқли улушига эга банклар (*кейинги ўринларда хусусий банклар*) ҳамда **4** таси капиталида хорижий банк капиталининг салмоқли улушига эга банклар (*кейинги ўринларда хорижий банклар*) ҳисобланади.

Хусусан, банк тизимида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида Қозоғистон Республикасининг йирик банки Халиқ банкининг Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Тенге” акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятини бошлади.

Ҳисобот йили якуни бўйича тижорат банклари филиаллари сони **850** тани, мини-банклар сони **593** тани ҳамда туну кун (24/7) ишлайдиган шохобчалар сони **902** тани ташкил этган бўлиб, улар орқали мижозларга тегишли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, чакана банк хизматлари бозорини ривожлантириш ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувини жорий қилиш ҳамда банкларнинг операцион харажатларини камайтириш мақсадида 2019 йил давомида республикамизнинг барча ҳудудларида **450** тадан ортиқ янги банк хизматлари офислари ташкил этилди.

Шунингдек, микромолиявий хизматлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида 2019 йилда **20** та микрокредит ташкилотига ва **6** та ломбардга лицензия берилди. Натижада 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари сони **117** тага (*56 та микрокредит ташкилоти ва 61 та ломбард*) етди.

2.1.2. Кредит ахбороти давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари асосида республикамизда кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада ривожлантириш, ундан фойдаланишда, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда хорижий давлатларнинг илғор

тажрибасига мувофиқ ушбу тизимни такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикада **кредит ахбороти алмашинуви тизими** Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестрини ва “Кредит-ахборот тахлилий маркази “Кредит бюроси” МЧЖни ўз ичига олади.

Хусусан, Марказий банкнинг **Кредит ахборотининг давлат реестри**да республикада банк тизимида тузилаётган барча кредит битимлари ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилаётган операциялар тўғрисидаги маълумотлар юритилмоқда.

Ҳисобот йилида республикада иқтисодиётига йўналтирилган кредитлар ҳажмининг ошиши натижасида Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан 39,1 фоизга ёки 1 млн. 819 мингтага ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 6 млн. 472 мингтани ташкил этди.

Ўз навбатида, маълумотлар базасига киритилган кредитдан фойдаланувчилар сони 2019 йил давомида 37 фоизга ёки 987 мингтага ўсиб, 3 млн. 656 мингтага етди. Шундан 3 млн. 100 мингдан ортиғини (84,8 фоизини) жисмоний шахслар, 345 мингтасини (9,4 фоизини) юридик шахслар ҳамда 210 мингтасини (5,8 фоизини) яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади.


2019 йилда кредитдан фойдаланувчилар умумий сони асосан жисмоний шахслар ҳисобига кўпайган бўлиб, кредит олган аҳоли сони 944,5 мингтага ёки 43,8 фоизга ўсган. Мазкур ҳолат асосан 2019 йил давомида аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ҳамда тижорат банклари томонидан чакана банк хизматлари кўламининг кенгайтирилиши доирасида аҳолига кредит ажратиш ҳажмининг сезиларли даражада ошиши билан изоҳланади.

2019 йил бошида амалдаги (қарздорлик мавжуд бўлган) кредит битимлар сони 1 млн. 742,2 мингтани, қарздорлар сони эса 1 млн. 540,8 мингтани ташкил қилган бўлса, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига амалдаги кредит битимлари сони 2 млн. 760,6 мингтага (йил бошига нисбатан ўсиш – 58,5 фоиз), қарздорлар сони эса 2 млн. 129,1 мингтага (йил бошига нисбатан ўсиш – 38,2 фоиз) етган.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига амалдаги кредит битимларининг 82,2 фоизи давлат банклари ҳамда 18,8 фоизи хусусий ва хорижий банклар ҳиссасига тўғри келади.

2.1.2.1-чизма


Кредит битимлари сони, мингда



2020 йилнинг 1 январь ҳолатига Кредит ахборотининг давлат реестридаги амалдаги қарздорларнинг 1 694,2 мингтаси (79,6 фоизи) давлат банклари, 434,9 мингтаси (20,4 фоизи) эса хусусий ва хорижий банклар мижозлари ҳиссасига тўғри келади.

2.1.2.2-чизма

Кредитдан фойдаланувчилар сони, мингда



Ҳисобот йилида Кредит ахборотининг давлат реестри электрон базасидаги маълумотлар сифатини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилди. Шу мақсадда реестр электрон базасидаги маълумотларнинг баланс кўрсаткичлари билан мувофиқлигини ҳамда кредитларга оид ахборотларнинг (тури, мақсади, молиялаштириш манбаси, фоиз ставкаси, таъминоти, тўлов графиги ва бошқалар) ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида реестр базаси маълумотлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди.

Реестр дастурий мажмуасига онлайн кредитлар бўйича узлуксиз ахборот алмашинувини таъминловчи тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бир қаторда, ахборот алмашинувининг тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида Кредит ахборотининг давлат реестрининг янги дастурий мажмуасини яратиш бўйича ишлар бошланди.

Реестр маълумотлар базаси асосида Марказий банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бош бошқармалари учун даврий ҳисоботлар шакллантирилиб, ушбу маълумотлардан банк назоратини амалга оширишда, хусусан, тижорат банкларининг кредит портфелидаги муаммоли кредитларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, кредит операцияларига доир камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ишларда кенг фойдаланилмоқда.

Ҳисобот йилида кредит ахбороти алмашинуви тизимининг кейинги институционал субъекти – **“Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси** МЧЖ фаолияти кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ўсган.

Хусусан, 2019 йил давомида Кредит бюроси маълумотлар базасидаги кредит ахбороти субъектлари сони 8 фоизга ўсиб, 10 млн. 607 мингтага етди, шундан 93 фоизи (9 млн. 880 мингтаси) жисмоний шахслар ва 7 фоизи (727 мингтаси) юридик шахслар ҳисобига тўғри келади.

2.1.2.1-жадвал


Кредит бюроси маълумотлар базасидаги кредит ахбороти субъектлари сони, мингда

Сана	Юридик шахслар	Жисмоний шахслар	Жами
01-янв-17	590	7 642	8 232
01-янв-18	621	8 190	8 811
01-янв-19	686	9 135	9 821
01-янв-20	727	9 880	10 607

Шунингдек, ҳисобот йилида Кредит бюросига кредит ташкилотларидан келиб тушган сўровлар сони 2018 йилга нисбатан 35 фоизга ошиб, 2 млн. 596 мингтани ташкил этган.

2.1.2.3-чизма

Кредит бюросига келиб тушган сўровлар сони, мингда



Ҳисобот йилида Кредит бюроси фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, кредит ахбороти маълумотларидан фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарорида белгиланган талаблардан келиб чиқиб, кредит ҳисоботларини Кредит бюродан олиш муддатини янада қисқартириш мақсадида банклар ва нобанк кредит ташкилотлари учун тегишли ҳисоботларни онлайн режимда олиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сонли Фармонида мувофиқ, Кредит бюроси томонидан **жисмоний шахсларга** микроқарзлар ажратишда қарз олувчининг **кредитга лаёқатлилиқ даражасини** баҳолаш бўйича **янги скоринг модели** ишлаб чиқилиб, 2019 йилнинг 1 ноябидан амалиётга жорий қилинди.

2019 йилда аҳолига Кредит бюро хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида уларга интернет орқали мобил дастур ёрдамида ўзларининг кредит тарихларини онлайн режимда олиш

имкониятини яратиш борасида ҳам тегишли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур мобил илованинг техник талаби ишлаб чиқилган бўлиб, 2020 йилнинг I чорагида амалиётга татбиқ этилиши кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда самарали кредит ахбороти тизимини ташкил этиш ва уни замонавий андозалар асосида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, сўнгги 7 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида “Кредит ахбороти индекси” бўйича мамлакатимиз банк тизими мавжуд 8 баллдан 7 баллга лойиқ, деб баҳоланмоқда.

2.1.3. Гаров реестри фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Гаров реестри” давлат унитар корхонаси банк тизимида кредиторларнинг гаровдаги мол-мулкига нисбатан ҳуқуқлари тўғрисида ҳолис ахборотлар базасини юритиш орқали кредиторлар манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ҳисобот йилида унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фойдаланувчиларга, улар билан тузиладиган шартнома асосида, ёзув киритиш учун гаров реестрига кириш, шунингдек, ундан реал вақт режимида интернет тармоғи орқали фойдаланиш ҳамда гаров реестридаги ахборотни қарздор – солиқ тўловчининг идентификация рақами ва ёзувни ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш имкониятлари яратилди.

Шунингдек, Гаров реестри фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши сифатида юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилмоқда.

Ҳисобот йилида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар юзасидан талаблар тўғрисидаги ёзувларнинг гаров реестрига ўз вақтида киритилишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграллашган ахборот ресурс базаси гаров реестри ахборот тизимига интеграция қилинди ва онлайн тарзда ёзув киритиш имконияти яратилди.

Марказий банк ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2019 йил октябрь ойида имзоланган қўшма қарорга мувофиқ суриштирув, дастлабки тергов ва судда хатланган ҳамда гаров тарзидаги эҳтиёт чораси сифатида қабул қилиб олинган мол-мулклар тўғрисидаги ёзувларни гаров реестрига

онлайн тарзда киритиш, ўзгартириш ва реестрдан чиқариш ҳамда кўчирмалар олишни йўлга қўйиш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг гаров реестри маълумотлар базасига идоралараро ахборот узатиш тармоғида ҳимояланган алоқа каналлари орқали уланиш ишлари якунига етказилди.

Натижада гаров реестридан фойдаланувчи ташкилотлар сони 2019 йилда 68 тага кўпайиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига жами 284 тага етди. Бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Миллий гвардияси, Давлат солиқ ва божхона хизмати органлари гаров реестрида шахсий кабинетига эга.

Гаров реестри тизимини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда фойдаланувчиларга яратилган қулайликлар натижасида гаров реестри хизматларидан фойдаланиш кўлами сезиларли даражада ошиб бормоқда. Жумладан, ҳисобот йилида фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган янги ёзувлар сони 2018 йилга нисбатан 22 фоизга кўпайиб, 233,2 мингтани ташкил этди.

2020 йил 1 январь ҳолатига гаров реестрига киритилган жами ёзувлар сони 577 мингдан ошган бўлиб, мавжуд ёзувларга 334 мингга яқин ўзгартиришлар киритилган ҳамда 67 мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилган. Гаров реестрига киритилган ёзувларнинг 93,7 фоизи тижорат банклари томонидан, 6,1 фоизи микрокредит ташкилотлари томонидан ҳамда қолган қисми жисмоний ва юридик шахслар томонидан киритилган.

Шу билан бирга, 2019 йилда фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича гаров реестридан 5,7 мингдан ортиқ кўчирмалар тақдим этилган.

2.1.4. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими

2002 йилдан буён ўз фаолиятини амалга ошириб келаётган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси банк тизими инфратузилмасининг муҳим ташкил этувчиларидан бири бўлиб, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ва шу орқали аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажми ўсишига хизмат қилмоқда.

Мазкур жамғарма “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан фаолият юритади ҳамда республикада аҳолининг тижорат банкларидаги омонатларини кафолатлаш тизимининг институционал асосини ташкил этади.

2020 йил 1 январь ҳолатига Жамғарма реестри ҳисобида турувчи банклар сони 29 тани ташкил этган бўлиб (*Халқ банкидан ташиқари*), 2019 йилда 2 та янги аъзо банклар – “Пойтахт банк” ва “Тенге банк” акциядорлик тижорат банклари Жамғарма реестрига киритилди.

Ҳисобот йили давомида Жамғармага аъзо тижорат банклари томонидан 130,3 млрд. сўм миқдорида календарь бадаллар ўтказилган бўлиб, жами ўтказилган календарь бадаллар ҳажми 2020 йил 1 январь ҳолатига 643,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Бунда “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан банклар томонидан Жамғармага ўтказиладиган календарь бадаллар банкдаги омонатлар қолдиғининг 5 фоизига етганда бадал ўтказиш тўхтатилиши белгиланган бўлиб, 2019 йил якунига кўра, 5 та банк (Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк, Ипотека-банк, Микрокредитбанк ва Содерот банки) ушбу ўрнатилган меъёр даражасига етди.

Ҳисобот даврида Жамғарманинг инвестицион фаолияти 2019 йилга мўлжалланган асосий прогноз кўрсаткичларига ҳамда Кузатув кенгаши томонидан 2018 йил 10 апрелда тасдиқланган “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини активларга жойлаштириш” мезонига мувофиқ олиб борилди.

Бу борада Жамғармада мавжуд маблағларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилиши ва олинган даромадларнинг қайта инвестиция қилиниши натижасида Жамғарманинг жами маблағлари ҳажми 2019 йил давомида 244,9 млрд. сўмга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 006,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Инвестиция қилинган маблағларнинг 93 фоизи (937,3 млрд. сўм) давлат банкларининг муддатли депозитларига ва депозит сертификатларига ҳамда 7 фоизи (69,5 млрд. сўм) давлат қимматли қоғозларига йўналтирилган.

Инвестицион фаолият натижасида ҳисобот йилида Жамғарма томонидан жойлаштирилган қўйилмалар ҳисобидан 114,5 млрд. сўм даромад олинган бўлиб, мазкур кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 1,6 баробарга ёки 42,5 млрд. сўмга ошган.

2.2 Банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, ликвидлилик ва кредит рискларини бошқариш, шунингдек, банк назорати амалиётини Базель кўмитасининг асосий тамойилларига мувофиқлаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тижорат банклари фаолиятини пропорционал назорат қилиш мақсадида ҳисобот йилида банклар фаолиятини молиявий барқарорлик кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш йўлга қўйилди. 2020 йилда ва келгуси даврларда ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш кенгайтириб борилади.

Маълумот учун: Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари Халқаро валюта жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур кўрсаткичлардан муайян банк ва банк тизимининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, олдиндан чора кўриш орқали тизимда юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтириш, мониторинг ва макропруденциал таҳлилни амалга оширишда фойдаланилади.


Ҳисобот йилида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида банк тизими жами капитали 1,9 баробарга, шу жумладан, устав капитали ҳажми 2,1 баробарга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига мос равишда 51 трлн. сўм ва 42 трлн. сўмга етди.

Бунда давлат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат банклари капиталига **1,9 млрд. АҚШ** доллари миқдоридида маблағлар йўналтирилганлиги алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, мазкур қарорлар билан **4,3 млрд. АҚШ** доллари миқдоридаги кредитлар банклар балансидан ЎТТЖ балансига ўтказилди.

Натижада **капитал монандлилик кўрсаткичи** 2018 йилга нисбатан 7,9 фоиз бандга ошиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига **23,5** фоизни (*минимал талаб 13%*) ташкил этди.

2.2.1-чизма

Банкларнинг капитал монандлиги кўрсаткичлари



Маълумот учун: Банк тизимида капитал монандлиги кўрсаткичи аксарият ривожланаётган мамлакатлардагига нисбатан юқори шакланган бўлиб, мазкур кўрсаткич Грузияда 19,2 фоизни, Туркияда 17,7 фоизни, Малайзияда 17,4 фоизни, Арманистонда 17,3 фоизни ва Россияда 12,2 фоизни ташкил қилади.

2.2.1-жадвал

Айрим давлатлар банк тизимидаги капитал етарлилик даражаси, фоизда


№	Мамлакатлар	2018 йил	2019 йил
1	Ўзбекистон	15,6	23,5
2	Россия	12,5	12,2
3	Грузия	18,4	19,2
4	Япония	17,1	17,2
5	Малайзия	17,3	17,4
6	Сингапур	16,5	16,7
7	Буюк Британия	20,2	21,4
8	Туркия	18,1	17,7
9	Арманистон	17,7	17,3
10	Қозоғистон	21,4	23,2

Манба: data.imf.org

Ҳукумат томонидан давлат улуши мавжуд банкларнинг қўллаб-қувватланиши бошқа молиявий барқарорлик кўрсаткичлари динамикасига ҳам ижобий таъсирини кўрсатди.

2.2.2-чизма

Банк тизимида I даражали капитал монандлиги кўрсаткичлари динамикаси



Хусусан, **I даражали капитал монандилиги кўрсаткичи** банкларнинг жорий фаолиятида юзага келадиган зарарларни қоплашда асосий манба бўлиб, ушбу кўрсаткич банк тизимида 2019 йил бошига нисбатан 6 фоиз бандга ошди ва 2020 йил 1 январь ҳолатига **20** фоизга етди.

2020 йил 1 январь ҳолатига банк тизими бўйича жами **муаммоли кредитлар**⁴ **3,2 трлн.** сўмни ташкил этган бўлиб, унинг 43 фоизини қониқарсиз, 19 фоизини шубҳали ва 38 фоизини умидсиз кредитлар ташкил этади.


Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши кредит портфели сифатини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг ошиши келгусида жиддий йўқотишларга ва ликвидлик муаммоларини келтириб чиқаришда асосий омил бўлади. Мазкур кўрсаткич 2019 йил якуни бўйича ўтган йилга нисбатан банк тизими бўйича 0,1 фоиз бандга камайиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига **1,5 фоизни** ташкил этган.

Маълумот учун: Муаммоли кредитлар улуши аксарият ривожланаётган мамлакатлардагига нисбатан паст шакланган бўлиб, хусусан, мазкур кўрсаткич Россияда 10,1 фоизни, Қозоғистонда 8,6 фоизни, Арманистонда 5,5 фоизни, Туркияда 4,1 фоизни ва Грузияда 2,7 фоизни ташкил қилади.

Банкларда активлар сифатининг ёмонлашуви натижасида банк капиталининг эҳтимолӣ емирилиш даражасини англаувчи **соф муаммоли кредитларнинг жами капиталга нисбати** кўрсаткичи ҳисобот йилида банк тизими бўйича 1,6 фоизга камайиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 2,7 фоизни ташкил этди.

2.2.3-чизма

Банк тизимида соф муаммоли кредитларнинг (резервлар чегирилган) жами капиталга нисбати кўрсаткичи динамикаси



⁴ Муаммоли кредитлар – тўлов муддатлари 90 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган, яъни сифати қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз деб таснифланган кредитларни ўз ичига олади.

2019 йил давомида кузатилган юқори суръатларда кредитлаш амалиёти банк тизимида ликвидлилик рискининг ортишига олиб келди. Натижада банклар юқори ликвидли активларининг жами активлардаги улуши 2018 йил бошига нисбатан 2019 йилнинг I ярим йиллигида **қарийб 3 баробарга** камайди.

Банкларнинг ликвидлигини мустаҳкамлаш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларига 2019 йилнинг июлидан бошлаб 2020 йилнинг 1 июлига қадар ҳар чоракда **юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улушини** камида 1 фоиз бандга ошириб бориш орқали 10 фоизга етказилишини таъминлаш юзасидан тегишли мақсадли параметрлар белгилаб берилди.


Маълумот учун: Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати мажбуриятлар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган талабларни банклар томонидан ликвидлилик танқислиги муаммосига дуч келмасдан қисқа муддатда қаноатлантириши имкониятини кўрсатади.

Марказий банк томонидан юзага келиши мумкин бўлган ликвидлилик рискинни бошқаришдан кўзланган асосий мақсад банк тизимида стресс ҳолатида бир ой ичида фаолиятини давом эттириш имконини берувчи ликвидлилик захирасини, банкларнинг ишончли даражадаги ликвидлигини яратишдир.

Ликвидлилик талабларига бўлган меъёрларнинг кучайтирилиши натижасида 2019 йилнинг IV чорагида юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши 2 фоиз бандга ошиб, 11 фоизга етди.


2.2.4-чизма

Банкларнинг кредит портфели ва юқори ликвидли активларининг умумий активлардаги улуши динамикаси



2.2.5-чизма


Банк тизими юқори ликвидли активларининг жами активлардаги улуши динамикаси



Ҳисобот даврида банк тизими бўйича ликвидлиликни қоплаш меъёри ва соф барқарор молиялаштириш меъёрлари коэффициенти барча валюталарда 2019 йил бошига нисбатан 37 фоиз бандга ошиб, 208 фоизни, хусусан, ушбу меъёр миллий валютада 58 фоиз бандга ўсиб, 147 фоизни, хорижий валютада эса 91 фоиз бандга пасайиб, 268 фоизни ташкил этди.

2.2.6-чизма

Банк тизимида ликвидлиликни қоплаш меъёри динамикаси




Шунингдек, **соф барқарор молиялаштириш** меъёри коэффициенти барча валюталарда 112,8 фоизни, жумладан, хорижий валютада 107,2 фоизни ва миллий валютада 118,4 фоизни ташкил этган.

Марказий банк томонидан банк бошқаруви самарадорлигини баҳолашда даромад билан харажатлар нисбатларини баҳолашдан ташқари турли хил сифат кўрсаткичлари динамикаси ҳам доимий равишда кузатиб борилмоқда.

Хусусан, банклар томонидан активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи **активлар рентабеллиги** кўрсаткичи ҳисобот даврида банк тизими бўйича **0,2** фоиз бандга ошиб, **2,2** фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич давлат банкларида 1,8 фоизга, хусусий ва хорижий банкларда эса 4,8 фоизга тенг бўлди.

2.2.7-чизма


Банклар активлари рентабеллиги динамикаси



Бунда давлат банклари бўйича активлар рентабеллиги кўрсаткичининг хусусий ва хорижий банклар ўртача кўрсаткичидан анча пастлиги давлат банклари ва бошқа банклар молиявий бошқариш стратегиялари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Капитал рентабеллиги банкларнинг ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткич бўлиб, ҳисобот йили давомида республика банк тизимида ушбу кўрсаткич 2018 йилдаги 15,8 фоиздан **16,7** фоизгача ошди. Капитал рентабеллиги кўрсаткичи давлат банкларида **13,7** фоизга, хусусий ва хорижий банкларда **31,4** фоизга тенг бўлди.


2.2.8-чизма

Банклар капиталининг рентабеллиги динамикаси

Давлат банклари активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичларининг нисбатан пастлиги мазкур банклар кредит портфелида давлат ижтимоий дастурлари доирасида ажратилган кичик маржали кредитлар салмоғининг юқорилиги ҳамда уларнинг фаолиятида даромадлилиги юқори бўлган тижорат кредитларининг ва чакана банк хизматлари улушининг нисбатан паст даражада сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Операцион самарадорлик кўрсаткичи 2020 йил 1 январь ҳолатига республика банк тизимида **41** фоизни ташкил этиб, бу ўз навбатида, банк тизимида операцион самарадорликнинг нисбатан ижобий даражада сақланаётганлигини кўрсатмоқда.

2.2.9-чизма

Банк тизими операцион самарадорлик кўрсаткичи динамикаси

Маълумот учун: операцион самарадорлик кўрсаткичи банк ходимларининг иш унумдорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткич бўлиб, халқаро амалиётда унинг мақбул даражаси 50 фоиз атрофида қабул қилинган.

Бироқ, бугунги кунда тижорат банкларининг операцион харажатлари анъанавий тарзда асосан (65 фоизи) ходимларга тўланган иш хақи ҳисобига шаклланганлиги, улар томонидан инфорацион технологиялардан фойдаланган ҳолда банк фаолиятини, хусусан, риск менежментни ривожлантириш, маркетинг, янги хизмат турларини яратиш учун турли инновацион дастурларга харажатлар қилинмаганлиги оқибатида тижорат банкларининг операцион самарадорлиги паст даражада сақланиб қолмоқда.


2.3. Тижорат банклари кредит портфели концентрацияси ва сегментацияси таҳлили

Тижорат банклари кредит портфели концентрацияси таҳлили

Ҳисобот йили давомида **узок муддатли** кредитларнинг тижорат банклари жами кредит портфелидаги улуши 95 фоиздан **92** фоизгача пасайиши кузатилган бўлсада, мазкур кўрсаткич халқаро меъёрлардан (70 фоиз) анча юқори даражада сақланиб қолмоқда.

2.3.1-чизма


Узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши



Бундан ташқари, **долларизация даражаси** банкларнинг жами кредитларида 56 фоиздан **48** фоизгача ва мажбуриятларида 63 фоиздан **58** фоизгача пасайган бўлсада, ҳамон юқори улушларга эга.

2.3.2 - чизма

Банкларнинг миллий ҳамда хорижий валютадаги кредитлар қолдиғи ўзгариши



Бугунги кунда банк тизимида 10 та энг йирик қарздорларга ажратилган кредитлар билан боғлиқ **концентрация rischi** юқори даражада сақланиб қолаётган бўлиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига бундай кредитлар жами банк тизими кредит портфелининг 35 фоизини, шу жумладан, корпоратив кредит портфелида уларнинг хорижий валютадаги кредитлари улуши 30 фоизни ташкил этди.

Тижорат банклари кредит портфели сегментацияси

Ҳисобот йили давомида тижорат банкларининг иқтисодиётга ажратилган жами кредит қўйилмалари⁵ 1,6 баробарга ёки **73,8** трлн. сўмга кўпайиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига **208,6** трлн. сўмни ташкил қилди.


Кредит субъектлари бўйича қаралганда, 2019 йил якуни бўйича тижорат банклари жами кредит портфели таркибида хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2018 йилдаги 79,8 фоиздан **79,6** фоизгача ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2,1 фоиздан **1,3** фоизгача қисқарган бўлса, аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи 18,1 фоиздан **19,1** фоизгача ошган.

Хусусан, 2019 йилда **хўжалик юритувчи субъектларга** ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми **1,5** баробарга ёки 58,4 трлн. сўмга ошиб, 166,0 трлн. сўмга етди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳамда банклараро кредитлар ҳисобга олинмаган.

2.3.3-чизма


Кредит қўйилмаларининг қарз олувчилар бўйича таркиби, фоизда



Тармоқлар кесимида қаралганда, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдигининг 75,6 трлн. сўми (44,8 фоизи) саноат, 23,5 трлн. сўми (13,9 фоизи) транспорт ва коммуникация, 17,2 трлн. сўми (10,2 фоизи) қишлоқ хўжалиги, 14,5 трлн. сўми (8,6 фоизи) савдо ва умумий овқатланиш, 5,9 трлн. сўми (3,5 фоизи) қурилиш ҳамда 31,9 трлн. сўми (18,9 фоизи) бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келади.

2.3.4-расм

Хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит қўйилмаларининг тармоқлар ва кредит йўналишлари бўйича тақсимланиши, фоизда



Ўз навбатида, **кредит йўналишлари кесимида**, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғининг 93,7 трлн. сўми (55,6 фоизи) асосий воситалар сотиб олишга, 31,4 трлн. сўми (18,6 фоизи) айланма маблағларни тўлдириш учун, 23,1 трлн. сўми (13,7 фоизи) янги қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштиришга ҳамда 20,5 трлн. сўми (12,1 фоизи) бошқа мақсадлар учун ажратилган.

Валюта турлари бўйича қаралганда, хўжалик юритувчи субъектларга **хорижий валютада** ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2019 йил давомида 42,8 фоизга ёки 6,9 млрд. АҚШ долларидан 9,9 млрд. АҚШ долларигача ошди ва кредит қўйилмалари жами ўсишидаги (58,4 трлн. сўм) улуши 62,3 фоизни ташкил этди.

2019 йилда хорижий валютадаги кредитларга бўлган талабнинг нисбатан ортганлиги мамлакатда инвестицион муҳитнинг яхшиланиши ҳамда иқтисодиётда узок йиллар давомида шаклланган инвестицион чанқоқлик шароитларида инвестицион фаолликнинг юқори даражада шаклланаётганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, хорижий валютада кредитлаш кўламининг кенгайиши банкларнинг ресурс базасини шакллантиришда хорижий кредит линияларига кенг таянилаётганлиги билан ҳам боғлиқ. Жумладан, 2019 йилда тижорат банклари томонидан хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёки 2018 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп кредитлар ажратилган.

Ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларга **миллий валютада** ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2019 йил давомида 44,1 фоизга ёки 22,1 трлн. сўмга ўсиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 72 трлн. сўмни ташкил қилди. Мазкур турдаги кредитлар ўсиши 2018 йилдаги 72,7 фоизга нисбатан сезиларли даражада секинлашди.

Бунда кредитларнинг агрессив ўсишини жиловлашга қаратилган макропруденциал чораларнинг қўлланилиши натижасида миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик ўртача тортилган фоиз ставкасининг 2018 йилдаги 22,6 фоиздан 24,8 фоизгача ошиши миллий валютадаги кредитларга талабни пасайтирувчи омиллардан бўлди.

Ҳисобот йили давомида **жисмоний шахсларга** ажратилган кредитлар қолдиғи 1,6 баробарга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 40 трлн. сўмни ташкил этди. Аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғининг юқори суръатларда ўсиши асосан давлат ижтимоий дастурлари доирасида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш кўламининг сезиларли даражада кенгайтирилиши ва аҳолининг


тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажмининг кўпайиши билан изоҳланади.

Хусусан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида жами 7,6 трлн. сўм миқдорида, шу жумладан, бевосита жисмоний шахсларга 4,9 трлн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи таркибида ипотека кредитлари 50,9 фоизни, истеъмол кредитлари 17,4 фоизни, автокредитлар 13,9 фоизни, микроқарзлар 8,0 фоизни ва бошқа кредитлар 9,8 фоизни ташкил этди.

2.3.5-чизма

Аҳолига ажратилган кредит қўйилмалари таркиби, фоизда



Таъкидлаш жоизки, аҳолининг банк кредитлари бўйича мажбуриятларининг юқори суръатларда ўсиб бориши, ўз навбатида, аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юкини⁶ 2019 йил давомида қарийб 5 фоиз бандга ошириб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 34 фоизга⁷ етишига сабаб бўлди.

Шундан келиб чиқиб, аҳолининг кредит ташкилотлари олдидаги қарз мажбуриятларининг ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг 20 мартдан бошлаб аҳоли кредит юкининг юқори чегаравий миқдори жорий қилинмоқда.

⁶ Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи (ойлик кредит тўлови суммасининг қарз олувчининг ойлик даромадига нисбати) бўйича ҳисобланган.

⁷ Халқаро амалиётда Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи бўйича қарз юкини 50 фоиздан оширмаслик тавсия қилинади.

Кредит бозори сегментациясининг яна бир муҳим кўрсаткичи – **имтиёзли кредитларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши** бўлиб, мазкур кўрсаткич ҳисобот йилида 2018 йилдаги 49,1 фоиздан **43,2** фоизгача пасайди.

Бунда 2020 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан барча турдаги миллий валютадаги кредитларнинг, шу жумаладан, давлат ижтимоий дастурлари доирасида бериладиган кредитларнинг бозор тамойиллари асосида ажратилишининг жорий қилиниши келгуси даврларда кредит бозори сегментациясининг янада мақбуллашишига хизмат қилади.

2.4. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари

Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим вазифа – республикада банк фаолияти ва бизнес жараёнларини трансформация қилиш бўлиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар банк тизимида рақобат муҳитини яхшилаш, давлат банкларини трансформация қилиш, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва давр талаблари асосида қайта ташкил қилиш ҳамда банк тизимида хусусий капитал иштирокини кенгайтиришга қаратилган.

Бу йўналишда кўрилаётган чораларнинг пировард мақсади банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда тижорат банкларини иқтисодий ривожланиш жараёнининг фаол молиявий воситачиси, аҳоли ва тадбиркорларга сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатувчи ҳамда уларнинг том маънодаги ҳамкорига айланишига эришиш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, республика банк тизимида асосий улушга эга бўлган давлат банклари фаолияти самарадорлигини ошириш, фаолиятини тижоратлаштириш ва мижозга йўналтирилганлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу банкларда корпоратив бошқарувни янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб борилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Давлат корхоналари ва устав капиталида давлат иштирок этаётган тижорат банкларини реструктуризация ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4325-сонли қарори билан давлат банкларини реструктуризация ва ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш тадбирларига халқаро молия институтларининг фаол ва тизимли жалб этилиши таъминланди. Жумладан, ҳисобот йилида Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк ва Алоқабанкни трансформация қилиш жараёнида қатнашишга киришди.

Хусусан, Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Ипотека-банк фаолиятини трансформация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида мазкур банкда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда банк фаолиятини тижоратлаштиришни назарда тутувчи замонавий бизнес-моделни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ҳисобот йилида давлат банкларида кредит ва рисклар концентрациясини камайтириш орқали уларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва трансформация жараёнларини осонлаштиришга қаратилган ислохотлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ЎТТЖ) маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар банклар балансидан ЎТТЖ балансига ўтказилди ҳамда қопланиш муддати узоқ бўлган ва катта бошланғич капитал қўйилмаларни талаб этадиган иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларининг ЎТТЖ томонидан тўғридан-тўғри кредитлаш механизми жорий қилинди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари томонидан ўз ресурс базаларини диверсификация қилиш мақсадида халқаро молия бозорларидан арзон ва узоқ муддатли ресурслар жалб қилиш бўйича илк қадамлар қўйилди. Хусусан, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан Лондон фонд биржаси орқали **300 млн.** АҚШ долларилек евробондлар сотилди. Ушбу амалиётнинг 2020 йилда Миллий банк ва Ипотека-банк томонидан давом эттирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан миллий валютада маблағ жалб қилиш мақсадида ўз облигацияларини чиқариш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

2019 йилда банк тизимини ислох қилиш борасида амалга оширилган энг муҳим ишлардан яна бири шубҳасиз **банк-молия тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясининг** илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ва Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилиши бўлди.

Мазкур ҳужжатда банк кенгашлари таркибига малакали мутахассислар ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, давлат улушига эга банкларни халқаро молия институтларини жалб қилиш орқали хусусийлаштириш, банк фаолиятини автоматлаштириш ва самарали банк инфратузилмасини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридаги стратегияни ишлаб чиқиш билан бир қаторда, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банк тизимидаги давлат улушини

босқичма-босқич камайтириш, молия бозори инфратузилмасини ривожлантириш, кредит ташкилотларининг тўлиғича бозор тамойилларига мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш борасидаги ишларни яқин истиқболда жадаллаштириш бўйича муайян тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Бу борада **Банк соҳасида ислохотларни жадаллаштириш бўйича 2020 йилда амалга ошириладиган ишлар “Йўл харита”си** ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ҳужжатда:

Банклар фаолиятини ислоҳ қилиш ва хизматлар оммабоплигини ошириш борасида:

банкларнинг корпоратив бошқарув тизимига қўйиладиган минимал талабларни Базель кўмитасининг тамойиллари асосида такомиллаштириш;

банкларнинг хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида банк хизматлари сифатига миқдорлар томонидан баҳо бериш тизимини жорий этиш;

Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Молиявий оммабоплик миллий стратегияси”ни ишлаб чиқиш;

аҳолининг молиявий саводхонлиги ҳамда молиявий хизматларнинг оммабоплик даражасини тадқиқот ва сўровлар ўтказиш асосида баҳолаш ҳамда мазкур йўналиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турлари ва шартларининг шаффофлигини (истеъмомчиларга ошкор қилинишини) таъминлаш;

банк хизматларини аҳолининг кенг қатламларига етказиш мақсадида ихчам ва барча базавий банк хизматларини кўрсатувчи банк хизматлари офислари тармоғини кенгайтириш;

“Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини Жаҳон банкининг таклифлари асосида микромолиялашнинг янги турлари ва иштирокчиларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

Самарали банк назоратини жорий этиш бўйича:

Базель III тавсиялари асосида банкнинг молиявий барқарорлик меъёрларини такомиллаштириш;

Осиё тараққиёт банки билан биргаликда ишлаб чиқилган янги “Риска асосланган назорат қўлланмаси”ни амалиётга жорий қилиш;

банкларнинг рискларни бошқаришга бўлган талабларини такомиллаштирган ҳолда, улар томонидан амалга ошириладиган операцияларни тартибга солиш нормаларини қисқартириш;

банклар фаолиятининг шаффофлиги ва улар томонидан доимий равишда чоп этиладиган ахборот ва маълумотларга нисбатан минимал талабларни белгилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

2.5. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари

Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, шунингдек, микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар республикамизда микромолиявий хизматлар кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишига шарт-шароит яратмоқда.


Хусусан, 2019 йил давомида республика бўйича жами 26 та янги нобанк кредит ташкилотлари, жумладан, 19 та микрокредит ташкилоти ва 7 та ломбард ташкилотлари ташкил этилди.

Мазкур янги нобанк кредит ташкилотларининг 9 таси Тошкент шаҳрида ва 7 таси Фарғона вилоятида ташкил этилган бўлса, Наманган ва Бухоро вилоятларида 2 тадан ҳамда Хоразм, Навоий, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 1 тадан янги микромолиялаш ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади.

Натижада 2019 йил якуни бўйича нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони **117 тага**, шу жумладан, микрокредит ташкилотлари сони **56 тага** ва ломбардлар сони **61 тага** етди.

2.5.1-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари сони



Шунингдек, ҳисобот даврида 4 та микрокредит ташкилотларининг 6 та филиаллари ва 12 та микромолиявий хизматлар марказлари Марказий банкда ҳисобга қўйилди.

Ҳудудлар бўйича фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотларининг асосий қисми Тошкент шаҳри (52 та), Фарғона (16 та), Тошкент (12 та) ва Бухоро (10 та) вилоятларида жойлашган.


2.5.1-жадвал

Ҳудудлар кесимида нобанк кредит ташкилотлари сони

Ҳудудлар	Жами	Микрокредит ташкилотлари		Ломбардлар	
		сони	шундан, 2019 йилда ташкил этилган	сони	шундан, 2019 йилда ташкил этилган
Жами	117	56	19	61	7
Тошкент шаҳри	52	17	8	35	1
Фарғона вилояти	16	15	6	1	1
Тошкент вилояти	12	4	1	8	-
Бухоро вилояти	10	5	1	5	1
Андижон вилояти	6	2	-	4	1
Наманган вилояти	5	4	2	1	-
Самарқанд вилояти	3	1	-	2	1
Сурхондарё вилояти	3	1	-	2	1
Хоразм вилояти	3	3	1	-	-
Сирдарё вилояти	2	1	-	1	-
Жиззах вилояти	2	1	-	1	-
Навоий вилояти	2	1	-	1	1
Қашқадарё вилояти	1	1	-	-	-


2019 йилда **нобанк кредит ташкилотлари умумий капитали 65** фоизга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига **559** млрд. сўмни ташкил этди. Бунда микрокредит ташкилотлари умумий капитали 84 фоизга ёки 201 млрд. сўмга ошиб, 439 млрд. сўмни, ломбардлар жами капитали эса 21 фоизга ёки 20 млрд. сўмга ошиб, 120 млрд. сўмга етди.

2.5.2-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари жами капитали, млрд.сўм

Нобанк кредит ташкилотлари активлари динамикаси. Ҳисобот даврида нобанк кредит ташкилотларининг жами активлари 82 фоизга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 840 млрд. сўмга етди. Бунда жами ўсишнинг 95 фоизи (357 млрд. сўм) микрокредит ташкилотлари ва 5 фоизи (20 млрд. сўм) ломбардлар ҳиссасига тўғри келади.

2.5.3-чизма


Нобанк кредит ташкилотлари жами активлари, млрд. сўм

Ҳисобот йили давомида нобанк кредит ташкилотлари жами мажбуриятлари 2,3 баробарга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 282 млрд. сўмга етди. Мазкур ўсиш асосан микрокредит ташкилотлари

томонидан жалб этилган қарз маблағларининг 144 фоизга ёки 149 млрд. сўмга кўпайиши билан изоҳланади.

2.5.4-чизма


Нобанк кредит ташкилотлари жами мажбуриятлари, млрд. сўм



Хусусан, микрокредит ташкилотларининг жами мажбуриятлари ҳажми **2,4** баробарга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига **272 млрд. сўмга** етди. Шундан 93 фоизи ёки 252 млрд. сўми микрокредит ташкилотлари томонидан жалб этилган маблағлар ҳиссасига тўғри келади. Ломбардларнинг жами мажбуриятлари эса 6,4 фоизга ўсиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 10 млрд. сўмни ташкил этди.

2.5.5-чизма


2019 йил давомида нобанк кредит ташкилотлари томонидан жалб этилган қарз маблағлари, млрд.сўмда



Ҳисобот даврида нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микроолиявий хизматлар ҳажми **3,3 баробарга** ўсиб, **947 млрд. сўмни** ташкил этди. Бунда микроқарз, микрокредит ва микролизинг хизматлари бўйича миқдорларнинг қарз мажбуриятлари қолдиғи 84,5 фоизга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 756 млрд. сўмга етди.

2.5.6-чизма


Нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микроолиявий хизматлар ҳажми, млрд. сўмда



2020 йилнинг 1 январь ҳолатига нобанк кредит ташкилотлари жами кредит портфелининг 98,4 фоизи (**932 млрд. сўм**) **микроқарзлар**, 1,4 фоизи (**13,3 млрд. сўм**) **микрокредитлар** ва 0,2 фоизи (**1,5 млрд. сўм**) **микролизинг** хизматлари ҳиссасига тўғри келади.

2.5.7-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари кредит портфели қолдиғи, млрд. сўм




Хусусан, микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микроқарз, микрокредит ва микролизинг хизматлари ҳажми 2018 йилга нисбатан **6,4 баробарга** ошиб, **838 млрд. сўмни** ва ушбу хизматлар бўйича миқозларнинг мажбуриятлари қолдиғи **2 баробарга** ошиб, **651 млрд. сўмни** ташкил этди.

Ҳисобот даврида ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар ҳажми **24** фоизга ўсиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига **109 млрд. сўмни**, ушбу кредитлар бўйича миқозларнинг мажбуриятлари қолдиғи **21,7** фоизга ошиб, **105 млрд. сўмни** ташкил этди.

Нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматларнинг асосий фойдаланувчилари жисмоний шахслар бўлиб, ушбу хизматлар оммабоплигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда нобанк ташкилотлари тармоғининг янада кенгайиши натижасида 2019 йилда кўрсатилган хизматлар жами ҳажмида жисмоний шахслар улуши 2018 йилдаги 96,1 фоиздан 98,8 фоизгача ошди. Ўз навбатида, хўжалик субъектларига кўрсатилган микромолиялаш хизматлари улуши 1,7 фоиздан 0,8 фоизгача камайган.

2.5.8-чизма

Микромолиявий хизматлардан фойдаланувчилар улушининг тақсимланиши




2019 йил IV чорагида нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўлами ва сифатини ошириш мақсадида онлайн-кредитлаш хизмати жорий этилган бўлиб, мазкур чорак давомида 280 млн. сўмлик кредитлар масофадан туриб (нобанк кредит ташкилотига ташриф буюрмасдан) ажратилди.

Муаммоли кредитлар. Нобанк кредит ташкилотларининг кредит портфели тахлили натижалари ҳисобот йили давомида **муддати ўтган кредитларнинг** улуши ўрта ҳисобда **10** фоизни ташкил этганлигини кўрсатди.

Хусусан, муддати ўтган кредитларнинг энг юқори улуши февраль-апрель ойларида кузатилган бўлиб, жами кредит портфелининг 13 фоизини ташкил этган бўлса, декабрь ойида энг паст кўрсаткич (10 фоиз) қайд этилган.

2.5.9-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари кредит портфелида муддати ўтган кредитлар улуши, фоизда




Рентабеллик кўрсаткичлари. Ҳисобот даврида нобанк кредит ташкилотлари томонидан 400 млрд. сўм миқдорида даромад олиниб, 253 млрд. сўм миқдорида (49 млрд. сўм – дивидендлар, 3,3 млрд. сўм миқдорида тузатишлар) харажатлар амалга оширилган ҳамда жами соф фойда 200 млрд. сўмни ташкил этган. Натижада **активлар рентабеллиги 23,8** фоизни, **капитал рентабеллиги эса 35,8** фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида микрокредит ташкилотлари активларининг рентабеллик даражаси 2 фоиз бандга кўпайиб, 19 фоизга, капиталнинг рентабеллик даражаси 6 фоиз бандга кўпайиб, 31 фоизга етган. Бунда микрокредит ташкилотлари жами соф фойдаси 2019 йил давомида 78 млрд. сўмга ошди ва 137 млрд. сўмни ташкил этди.


2.5.10-чизма

Микрокредит ташкилотлари активлари ва капитали рентабеллиги



2.5.11-чизма

Ломбардлар бўйича активлар ва капитал рентабеллиги



Ўз навбатида, ломбардларнинг жами соф фойдаси 2018 йилга нисбатан 10 млрд. сўмга ошиб, 63 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада 2019 йил якуни бўйича ломбардлар жами активларининг рентабеллик даражаси 49 фоизни, капитал рентабеллик даражаси эса 53 фоизни ташкил этди.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ

3.1. Пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар

3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ва асосий тамойиллари

2019 йил давомида пул-кредит сиёсатини юритишда асосий эътибор иқтисодиётдаги инфляцион жараёнлар ва кутилмаларни жиловлашга, реал фоиз ставкалари ижобийлигини таъминлашга ҳамда инфляция даражасига монетар омилларнинг таъсирини камайтиришга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсати юритилишига қарамасдан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг кўламли дастурларнинг амалга оширилиши жараёнида кредит маблағларидан кенг фойдаланилиши иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажмининг сезиларли ўсишига олиб келди.

Хусусан, 2019 йилнинг I-III чоракларида миллий валютадаги кредитларнинг юқори суръатларда ўсиши кузатилган бўлиб, фақат йил охирига келиб уларнинг ўсиши секинлашди ва макроиқтисодий мувозанатга мос келадиган фундаментал трендга қайтиши кузатилди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида хорижий валютадаги кредитлар ҳажми иқтисодиётда инвестицион жараёнларнинг янада фаоллашиши шароитида корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва технологиялари импортига бўлган талабларига мос равишда ўсиб борди.

Бундай шароитда, Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш чораларининг кўрилиши ва улардан тизимли равишда фойдаланилиши ҳамда пруденциал назорат чораларининг кучайтирилиши монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини камайтиришга хизмат қилди.

Хусусан, 2019 йил давомида инфляциянинг жорий динамикаси, кутилаётган даражаси ҳамда инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичлардан келиб чиқиб, банк тизимида реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини таъминлаш мақсадида йил давомида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақлаб турилди.

Қайта молиялаш ставкаси миқдори бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида инфляция ва инфляцион кутилмалар динамикасига вақтинчалик шоклар (омиллар) таъсирининг сақланиб қолиши, хорижий валютадаги кредитлар ўсиши ҳамда кредит бозорида сегментациянинг кучайиши борасидаги айрим хавотирлар мавжудлиги ҳамда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари инобатга олинди.

Ўз навбатида, Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментлари таъсирида банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари қайта молиялаш ставкасига яқин даражада шаклланиб борди.

Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ижобий шаклланиши, ўз навбатида, тижорат банкларидаги узок муддатли ресурслар нархининг, яъни жалб қилинадиган депозитлар ва ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари даражасига таъсир кўрсатди.

Хусусан, банк кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари, август-сентябрь ойларидаги қисқа муддатли тебранувчанликни инобатга олмаганда, 2018 йилга нисбатан барқарор динамикани намоён этди. Ушбу ҳолат амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатининг трансмиссион каналлар орқали иқтисодиёт субъектларининг ишлаб чиқариш, жамғариш ва истеъмол бўйича қарорларига таъсир этаётганлигини кўрсатди.

Умуман олганда, Марказий банк 2019 йилда ўз пул-кредит сиёсатини иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларини ижобий шакллантириш мақсадларидан келиб чиқиб юритди ва бунда қуйидаги тамойилларга асосланди.

Пул-кредит сиёсатининг аниқ мақсадли йўналишларини белгилаб олиш

Инфляцион таргетлаш режимига ўтишга тайёргарлик кўриш доирасида Марказий банк ўз пул-кредит сиёсатини инфляция даражасини пасайтириш ва уни барқарор паст даражада ушлаб туриш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун замин яратишга қаратди. Бунда пул бозоридаги фоиз ставкаларини асосий ставкага яқин даражада шаклланишини таъминлаш пул-кредит сиёсатининг операцион мақсади сифатида белгилаб олинди.

Марказий банк муайян пул-кредит сиёсатини юритиш орқали иқтисодиётдаги инвестицион ва истеъмол талаб ҳажмига таъсир кўрсатиш ва шу орқали иқтисодиётда инфляцион босимни нисбатан пасайтириш чораларини кўриб борди. Шунингдек, Марказий банк томонидан фаол коммуникацион сиёсат юритилиб, бу борада асосий эътибор, қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида жамоатчиликка доимий равишда тушунтиришлар бериб бориш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларини жиловлашга қаратилди.

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш салоҳиятининг оширилиши

Ҳисобот йилида Марказий банкда хорижий мутахассислар кўмагида макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш базасини такомиллаштириш,

замонавий моделлаштириш инструментларини амалиётга жорий этиш йўналишидаги ишлар давом эттирилди.

Бунда Марказий банк пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилишда жорий пул-кредит шароитлари билан бир қаторда инфляциянинг прогноз даражасига, ички ва ташқи бозорларда шаклланаётган конъюнктураларга, мавжуд ноаниқликларга ва келгуси даврда кутилаётган ўзгаришлар ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозларига асосланди.

Пул-кредит сиёсати инструментларининг такомиллаштирилиши

Марказий банк инфляцион таргетлаш режимига ўтиш доирасида банк тизимидаги ликвидликни самарали тартибга солиш мақсадида мавжуд пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш ва янги инструментларни жорий қилиш орқали операцион механизмни ривожлантириб борди.

Хусусан, Марказий банкда банк тизими ликвидлигини доимий таҳлил қилиб бориш, шу жумладан, пул бозоридаги ликвидлик ҳажмини кунлик баҳолаб бориш, келгусида юзага келиши мумкин бўлган маблағлар тақчиллиги ёки ортиқчалигини прогноз қилиш ҳамда ликвидликни таъминлаш ва йиғиб олиш бўйича операциялар ҳажмини олдиндан режалаштириш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, пул-кредит сиёсати операцион механизмни такомиллаштириш юзасидан ишлар доирасида 2020 йил 1 январдан Марказий банк асосий ставкаси ва фоиз коридори, Марказий банк облигациялари ҳамда 2 ҳафталик ва 1 кунлик (овернайт) депозит, РЕПО ва своп операциялари амалиётга жорий этилди.

Марказий банкнинг шаффоф коммуникация сиёсати

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларига самарали таъсир кўрсатиш орқали ички бозорда нархларнинг асосиз ошишининг олдини олиш мақсадида 2019 йилда Марказий банкнинг коммуникация сиёсати такомиллаштириб борилди. Бунда асосий эътибор аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш, пул-кредит сиёсати асосий йўналишлари ҳамда бу борада қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка, шу жумладан, тижорат банклари ва давлат ташкилотларига ўз вақтида, оддий ва тушунарли тилда етказишга қаратилмоқда.

Марказий банк расмий веб-саҳифасида ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам эълон қилиб борилган янгилик, пресс-релизлар, чораклик инфляцион кутилмалар бўйича ҳисоботлар ва пул-кредит сиёсати шарҳлари,

пул-кредит статистикаси маълумотлари, ташкил этилаётган пресс-конференциялар ва Марказий банк ходимларининг интервьюлари иқтисодиёт субъектларининг пул-кредит сиёсатидаги ва умуман банк тизимидаги ўзгаришлардан хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Марказий банк фаолияти шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, жамоатчиликни ўз вақтида сифатли маълумотлар билан таништириб бориш ва бу орқали уларда асосли “жиловланган” инфляцион кутилмаларни шакллантириш инфляцион таргетлаш режимига ўтишда муҳим аҳамият касб этади.

Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатларининг мувофиқлиги

Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатларининг ўзаро мувофиқликда юритилиши инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг асосий шартларидан бўлиб, 2019 йил давомида Марказий банк ва Молия вазирлигининг биргаликдаги ҳаракатлари инфляция даражасига монетар омиллар таъсирини камайтиришга хизмат қилди.

Хусусан, ўтган йилда Марказий банк ва Молия вазирлиги ўртасида бюджет ва пул-кредит операциялари бўйича тезкор маълумотлар алмашуви йўлга қўйилди, макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқишда ҳамкорлик ўрнатилди ҳамда пул-кредит ва солиқ-бюджет соҳаларига оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда ўзаро келишув амалиёти такомиллаштирилди.

Бунда солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатлари бўйича қарор қабул қилишдаги мувофиқликни таъминлашнинг, хусусан, банк тизими ликвидлиги ҳолатидан келиб чиқиб, давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш муддатлари ва ҳажмларининг ўзаро келишилган ҳолда белгиланишининг йўлга қўйилганлиги бу йўлда энг муҳим қадамлардан ҳисобланади.

3.1.2. Банк тизими ликвидлиги таҳлили ва унга таъсир этган омиллар

Банк тизимидаги ликвидлик ҳолати ва унинг ўзгариши депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари ҳамда пул-кредит шароитларининг шаклланишида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.


Ҳисобот йили давомида ҳам худди 2018 йилда кузатилганидек, банк тизими ликвидлиги динамикаси асосан мавсумий омиллар ҳамда мажбурий захира меъёрлари ва тартибига киритилган ўзгаришлар таъсирида шаклланиб борди.

Хусусан, 2019 йил I чорагида банк тизимидаги ликвидлик ҳажми Марказий банк томонидан депозит аукционларининг ҳамда ички валюта

бозорида интервенцияларнинг амалга оширилиши ҳисобига кескин пасайган бўлса, II чорак давомида ҳукумат харажатларининг ортиши ва ЎТТЖ (Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси) маблағларидан фойдаланилиши натижасида аксинча кўпайди.

3.1.2.1-чизма

2019 йилда банк тизими ликвидлиги динамикаси, млрд. сўм



III чоракда эса ички валюта бозорида талабнинг таклифдан ортиқ шаклланиши шароитида Марказий банк томонидан ички валюта бозорида қўшимча валюта сотиш бўйича интервенция операциялари амалга оширилиши банк тизими ликвидлигининг мақбул даражагача пасайишини таъминлади.

2019 йилнинг IV чорагида ички валюта бозорида талаб мувозанатлашди, шу жумладан, декабрь ойида унинг кескин қисқариши кузатилди. Шунингдек, шу даврда муомаладаги нақд пул ҳажмининг камайиши, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли нақд пул маблағларининг тижорат банкларида депозитларга мужассамланиши банк тизими ликвидлигининг ортишига олиб келди.

2019 йил мобайнида монетар олтиннинг сотиб олиниши натижасида юзага келган **37,5 трлн. сўм**лик ортиқча ликвидлик Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенция операциялари орқали стерилизация қилинди. Бунда жами интервенциялар ҳажми **43,2 трлн. сўм**ни ташкил этган бўлиб, Марказий банк мижозлари ва Ҳукуматнинг валюта олди-сотди операциялари инобатга олинмаганда, Марказий банкнинг соф интервенцияси **3,8 млрд. АҚШ долларини ёки 33,6 трлн. сўм**ни ташкил қилди.

Шунингдек, мазкур даврда Ҳукумат томонидан даромадларига нисбатан **3,9 трлн. сўм** миқдорида кўпроқ харажатларнинг амалга оширилиши банк тизими ликвидлигининг кўпайиш омилларида бўлди.

Ўз навбатида, ҳисобот йилида банк тизимидаги ликвидликни тартибга солишда давлат облигациялари билан операцияларнинг амалга оширилиши ҳамда тижорат банкларининг жалб қилинган депозитларига нисбатан мажбурий захира меъёрларининг қатъийлаштирилиши муҳим роль ўйнади. Хусусан, мажбурий захира инструментининг янада самарали қўлланилиши иқтисодиётда потенциал кредит яратувчи 1,3 трлн. сўм миқдоридаги банк тизимидаги ортиқча ликвидликни камайтириш имконини берди.

3.1.3. Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш ва унинг трансмиссион механизми таҳлили

Пул-кредит сиёсати инструментлари

Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида нарх ва тарифлар муттасил ошиб келиши таъсирида аҳоли ва тадбиркорлар орасида нисбатан юқори шаклланган инфляцион кутилмаларни пасайтириш ҳамда давлат органлари томонидан нархлар ўсишига бевосита таъсир кўрсатадиган чора-тадбирларни ўзаро келишилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Бу эса ўз навбатида, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг аниқ стратегияси ва батафсил режаси бўлишини ҳамда кўзланган мақсадларга эришиш учун тизимли ёндашувни тақозо этади. Жаҳон тажрибаси бугунги кунда кўплаб давлатларда қўлланилаётган пул-кредит сиёсатининг инфляцион таргетлаш усули айнан шундай талабларга мувофиқ келишини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан ҳисобот йилида ҳам пул-кредит соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналиши – инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш бўйича тайёргарлик ишлари давом эттирилди.

2019 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сонли Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармонда инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоизлик доимий мақсадли кўрсаткичга эришиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бошқача қилиб айтганда, мазкур Фармон қабул қилиниши

билан мамлакатимизда инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг фаол босқичи бошланди.

Марказий банк томонидан инфляцион таргетлаш режимини фаол жорий қилиш юзасидан барча ишлар мазкур режимнинг бош устунлари ҳисобланган икки асосий йўналиш – **самарали операцион механизмни жорий қилиш** ва **шаффоф коммуникация сиёсатини юритиш** йўналишлари бўйича амалга оширилмоқда.

Операцион механизмни такомиллаштириш ва инфляцион таргетлаш режимига мувофиқлаштириш мақсадида 2019 йилнинг декабрь ойида Марказий банкнинг **асосий ставкаси** ва пул-кредит операциялари бўйича **фоиз коридори** жорий этилди.

Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳамда пул-кредит операциялари бўйича фоиз коридори ёрдамида банклараро пул бозори фоиз ставкаларини самарали бошқариш ҳамда уларни белгиланган фоиз коридори доирасида бўлишини таъминлаш асосий операцион мақсад ҳисобланади.

Ишлатилиш доираси нисбатан тор бўлган ва асосан тижорат банкларига “қайта молиялаш кредитлари”ни ажратишда қўлланиладиган қайта молиялаш ставкасидан фарқли равишда, асосий фоиз ставкаси тижорат банклари билан турлари ва муддатларидан келиб чиқиб, турлича фоиз ставкаларини қўллашни тақозо қилувчи барча турдаги ликвидлик бериш ва ортиқча ликвидликни жалб қилиш операцияларини амалга ошириш имконини беради.

Бунда ликвидлик бериш ва жалб қилиш операциялари бўйича барча фоиз ставкалари асосий фоиз ставкасига боғланган ҳолда – фоиз ставкаси коридори доирасида ўрнатилади ҳамда асосий фоиз ставканинг ўзгаришига мос равишда ўзгариб боради.

2020 йил 1 январдан бошлаб асосий фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг жорий кўрсаткичи – 16 фоиз даражасида амалиётга жорий этилди. Мазкур ставка Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси амалиётда ўз кучини сақлаб қолади ҳамда қонунчиликда кўрсатиб ўтилган, шунингдек, бошқа ҳолатларда унинг миқдори асосий ставкага тенг даражада қабул қилинади.

Шунингдек, пул-кредит сиёсатининг узоқ йиллар давомида фаол қўлланилмаган инструменти – мажбурий захира талабларини


такомиллаштириш бўйича 2018 йилда бошланган ишлар ҳисобот йилида ҳам давом эттирилди.

Хусусан, 2019 йил 1 июлдан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкда резерв шакллантириладиган мажбуриятлари – миллий валютадаги депозитлар учун 4 фоиз ҳамда чет эл валютасидаги депозитлари учун 14 фоиз миқдориди белгиланди. Бундан ташқари, 0,25 ўртачалаш коэффициенти ўрнатилди ҳамда мажбурий резервларни сақлаш муддатлари 14 кунлик (икки ҳафталик) даврдан 28-35 кунлик (1 ойлик) даврга ўтказилди.

Ўз навбатида, банк тизими ликвидлигини бошқаришда янги иштирокчи ва молиявий маҳсулотлардан бўлган Молия вазирлиги давлат қимматли қоғозларининг (2019 йилда 1,6 трлн. сўмлик) муомалага чиқарилиши ва аукционлар орқали тижорат банкларига жойлаштирилиши пул-кредит инструментларидан фойдаланиш кўламини оширди.

3.1.3.1-чизма

Давлат қимматли қоғозлари бирламчи (чапда) ва иккиламчи (ўнгда) савдоси (млрд. сўм)



2019 йилнинг III чорагида давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари фаоллашди. Хусусан, август ойида иккиламчи бозорда жами 413 млрд. сўмлик ва сентябрда жами 231 млрд. сўмлик давлат қимматли қоғозлари олди-сотдиси амалга оширилди. Бунда тижорат банклари, Марказий банк ва Омонатларни кафолатлаш жамғармаси давлат облигациялари иккиламчи бозорининг фаол иштирокчилари бўлди.

Ўз навбатида, банклараро пул бозори фоиз ставкаларининг шаклланишида бозор механизмларини кенг жорий этиш, банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш ҳамда тўловларнинг узлуксизлигини

таъминлаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб Марказий банк томонидан қуйидаги пул-кредит инструментларидан фойдаланилади:

доимий тусдаги 1 кунлик (“овернайт”) валютавий своп ва РЕПО операциялари – ўзгармас фоиз ставка бўйича амалга оширилади ҳамда фоиз коридорининг юқори чегарасини (асосий ставка +1%) белгилаб беради;

доимий тусдаги 1 кунлик (“овернайт”) депозит операциялари – ўзгармас фоиз бўйича амалга оширилади ва фоиз коридорининг қуйи чегарасини (асосий ставка -1%) белгилаб беради;

2 ҳафтагача муддатга эга бўлган валютавий своп, РЕПО ва депозит аукционлари – улар бўйича фоиз ставка Марказий банкнинг асосий ставкасига яқин даражада шаклланади.

Шунингдек, банк тизими ликвидлигида мавжуд таркибий профицитни жалб қилиш ҳамда тижорат банкларига ликвидлик бериш операциялари бўйича гаров таъминоти базасини шакллантириш мақсадида қисқа муддатли (уч ва олти ойлик) Марказий банк облигацияларини муомалага чиқариш ҳамда аукцион савдолари орқали тижорат банкларига жойлаштириш амалиёти жорий этилмоқда.

Пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизмлари

2019 йилда ҳам Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати борасида қабул қилинган қарорларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари ҳамда истеъмол ва жамғариш бўйича қарор қабул қилиш жараёнига таъсирини ошириш масаласи устувор вазифалардан бири бўлиб қолди.

Пул массаси ва жамғармалар канали

2019 йилда умумий пул массаси **13,8** фоизга ошиб, **91,3** трлн. сўмни ташкил этди. Бунда миллий валютадаги пул массаси **14,4** фоизга кўпайди (2020 йил 1 январь ҳолатига миллий валютадаги пул массаси 62,8 трлн. сўм).

Муомаладаги нақд пуллар миқдорининг ўсиш суръати умумий пул массаси ўсишига нисбатан паст бўлиб, **9,4** фоизни ташкил этди. Натижада умумий пул массасидаги нақд пуллар улуши 2019 йил бошидаги **27,6** фоиздан **26,6** фоизгача пасайди.


Ўз навбатида, миллий валютадаги депозитлар бўйича реал фоиз ставкасининг ижобийлиги депозитлар жозибадорлигини ошириб, 2019 йилда миллий валютадаги муддатли депозитлар ҳажмининг **43** фоизга, шу жумладан, аҳолининг банклардаги депозитларининг **54** фоизга кўпайишига хизмат қилди. Бунда жами депозитларда аҳоли омонатларининг улуши **25** фоиздан **31** фоизгача ўсди.

Бу кўрсаткичлар банк тизимига бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганлигидан, шунингдек, пул-кредит сиёсати каналининг иқтисодиётдаги жамғариш фаоллигига ижобий таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради. Ушбу трансмиссион каналнинг самарали ишлаши пул-кредит сиёсати асосларини яратиш учун зарурий шарт ҳисобланади.

Бунда миллий валюта курсининг барқарорлиги (август ойидан ташқари), банклар ўртасида узоқ муддатли депозитларни жалб этиш бўйича рақобатнинг кучайганлиги, шунингдек, Марказий банк томонидан инфляциян кутилмалар ва банк тизимида бўлаётган ўзгаришлар бўйича очик коммуникация сиёсатининг юритилиши иқтисодиётда жамғариш фаоллигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

3.1.3.2-чизма

Пул массаси ва унинг таркиби динамикаси, трлн. сўм ва фоизда




Ҳисобот йилида банк тизимидаги депозитларнинг долларлашув даражасининг пасайиши ва сўмдаги депозитлар ўсишининг тезлашиши кузатилиб, миллий валютадаги депозитларнинг умумий пул массасидаги улуши **38,6** фоиздан **42,2** фоизгача кўпайди. Хорижий валютадаги депозитларнинг улуши эса дастлабки икки ойда 34,8 фоизгача ошган бўлса, йил якунига келиб **31,2** фоизгача пасайди.

Шу билан бирга, 2019 йилнинг август ойида миллий валюта курсининг сезиларли даражада қадрсизланиши (8,2 фоиз) аҳолининг жамғариш кайфиятига таъсир ўтказди ва натижада миллий валютадаги депозитларнинг йиллик ўсиши 4,3 фоиз бандгача (62,5 фоиздан 58,2 фоизгача) секинлашди.

Август ойида хорижий валютадаги муддатли депозитлар ўсиш суръати 5,1 фоиз бандга тезлашди (31,8 фоиздан 36,9 фоизгача). Сентябрь-декабрь давомида миллий валюта курсининг барқарор бўлиши хорижий валютадаги муддатли депозитлар ўсиш суръатининг икки баробарга (36,9 фоиздан 18,4 фоизгача) пасайишига хизмат қилди.

3.1.3.3-чизма

2019 йилда аҳолининг муддатли депозитлари ўсиши динамикаси, ўтган йилга нисбатан, фоизда




Фоиз канали

2019 йилда кредит бозорида номинал фоиз ставкалари билан биргаликда реал фоиз ставкалари ҳам ўсишда давом этди. Ушбу даврда қисқа муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган номинал фоиз ставкаси (имтиёзли кредитларни ҳисобга олмаган ҳолда) январь ойидаги 22,5 фоиздан декабрь ойида 24,7 фоизгача кўтарилган бўлса, узоқ муддатли кредитлар учун 22,6 фоиздан 25,1 фоизгача ошди.

Шунингдек, 2019 йилда муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларида ўсиш кузатилди. Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси январь ойида 17,4 фоизни ташкил қилган бўлса, декабрь ойига келиб 19,7 фоизга кўтарилди.

3.1.3.4-чизма


Миллий валютадаги узок (чапда) ва қисқа (ўнгда) муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари*



* Имтиёзли кредитлар ва микроқарзлар бўйича фоиз ставкаларини ҳисобга олмаган ҳолда

3.1.3.5-чизма

Муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари



Мазкур даврда юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси январь ойидаги кўрсаткичга нисбатан 1,9 фоиз бандга ошиб, 16,5 фоизни ташкил этди.

Ўз навбатида, депозитлар бўйича фоиз ставкаларнинг ўсиши, бир томондан, инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада эканлигини, бошқа томондан, пул бозорида рақобатнинг кучайганлигини ўзида акс эттирди.

Кредит канали

2019 йил якуни бўйича иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми 73,8 трлн. сўмга ёки 54,8 фоизга ўсди.


Кредит қўйилмаларининг асосий манбалари давлат ресурслари, банклар томонидан хорижий кредит линияларининг фаол ўзлаштирилиши, шунингдек, давлат ва корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар бўлди.

2019 йил давомида миллий валютадаги кредит қўйилмалари ўсиш суръати деярли 2 баробарга секинлашди (2018 йил IV чорагидаги 75,1 фоиздан 2019 йилнинг IV чорагида 39,7 фоизгача).

2019 йил якуни бўйича жисмоний шахслар ва хўжалик субъектларига миллий валютада ажратилган кредитларнинг йиллик ўсиш суръати мос равишда 63,5 ва 28,6 фоизгача пасайди. Шу билан бирга, хорижий валютадаги кредитларнинг ўсиш суръати барқарор сақланиб қолди (2018 йилда 45,7 фоиз, 2019 йилда 42,6 фоиз).

3.1.3.6-чизма

Кредит қўйилмаларининг йиллик ўсиш суръатлари динамикаси, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, фоизда



Хусусан, иқтисодиёт субъектларига 2019 йилда 6,2 млрд. АҚШ доллари миқдорига хорижий валютадаги кредитлар ажратилган бўлиб, хусусий секторнинг инвестицион лойиҳаларни хорижий валютадаги кредитлар орқали молиялаштиришга мойиллиги миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг нисбатан юқорилиги билан ҳам изоҳланади.

2019 йилнинг сўнги чорагида миллий валютадаги кредит қўйилмалари ўсиш суръатининг мувозанатланиши пруденциал назорат чораларининг кучайтирилиши, бюджет харажатларининг оптималлаштирилиши, шунингдек, қайта молиялаш ставкасининг йиллик 16 фоиз даражада саклаб турилиши билан изоҳланади.

Ташқи пул-кредит шароитлари нисбатан юмшоқ шаклланганлиги, яъни жаҳон молия бозорларида кредитларнинг нисбатан арзонлиги ҳисобига тижорат банклари томонидан ташқи қарз манбалари ҳисобидан кредитлашнинг кенгайтирилиши самарали пул-кредит сиёсатини амалга оширишни бирмунча мураккаблаштиради. Мазкур ҳолат пул-кредит ва макропруденциал сиёсат соҳасидаги сабъ-ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасидаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу муносабат билан, Марказий банк пул-кредит сиёсати соҳасида қабул қилинаётган қарорларни макропруденциал қўллаб-қувватлаш бўйича ёндашувни фаол қўллашга интиломда ва бу ўз навбатида, пул-кредит сиёсати йўналишида белгиланган мақсадларга эришишга зарур шарт-шароитларни яратади.


3.1.4. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари

2019 йил давомида Марказий банк томонидан банк тизимидаги ликвидликни бошқариш мақсадида ликвидликни жалб қилиш (депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш) ва тижорат банкларида ликвидлик ажратиш (қимматли қоғозлар ва хорижий валюта гарови асосида кредитлар бериш) операциялари мунтазам амалга ошириб борилди.

Ҳисобот йилида депозит аукционлари ва қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали тижорат банкларидан жалб қилинган маблағларнинг умумий миқдори 3,1 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, ликвидлик ажратиш операциялари ҳажми 1,9 трлн. сўмга тенг бўлди.

3.1.4.1-чизма

Марказий банк операциялари таркиби, млн.сўмда




Депозит аукционлари

2018 йил декабрь ва 2019 йил январь ойларида Марказий банк томонидан тижорат банкларининг бўш пул маблағларини аукцион орқали қисқа муддатли (икки ҳафта ва бир ойлик) депозитларга жалб қилиш операциялари амалга оширилди. Ушбу операциялар орқали жами 919 млрд. сўм миқдорида маблағлар жалб қилиниб, улар бўйича минимал ставка йиллик 9,5 фоизни ва максимал ставка 17 фоизни ташкил этди.

3.1.4.2-чизма

Депозит аукционларида жалб қилинган маблағлар ҳажми ва фоиз ставкалари динамикаси



Очиқ бозордаги операциялар

2019 йил давомида Марказий банк Ҳукуматнинг фискал агенти сифатида Молия вазирлиги томонидан чиқарилган қисқа ва узоқ муддатли давлат қимматли қоғозларини (ДҚҚ) тижорат банклари ва юридик шахслар ўртасида аукцион савдолари орқали жойлаштириш бўйича операцияларни амалга ошириб борди.


Бунда ДҚҚ кредит таъминоти учун ликвидли гаров бўлиши билан бир қаторда, тижорат банклари учун РЕПО операцияларида олди-сотди объекти ва инвесторлар учун риск даражаси паст бўлган даромад манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур қимматли қоғозларга талабнинг юқори даражада шаклланиши кузатилмоқда.

2019 йил давомида Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган 2,2 трлн. сўм миқдоридagi муомала муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган ДҚҚлар бирламчи бозорда аукцион савдолари орқали жойлаштирилди.

Аукцион натижаларига кўра, жойлаштиришнинг ўртача йиллик ставкаси – **12,5** фоизни, максимал ва минимал даромадлилик даражаси эса мос равишда **14,9** ва **7,7** фоизни ташкил этди.


3.1.4.3-чизма

2018-2019 йиллар давомида жойлаштирилган ДҚҚлар ҳажми ва ўртача тортилган даромадлилик даражаси



3.1.4.4-чизма


2018-2019 йиллар давомида ДҚҚлар бўйича ўртача тортилган даромадлилик ва банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқлар миқдори



Шу билан бирга, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозоридаги ДҚҚлар билан олди-сотди операцияларининг умумий ҳажми **1,1 трлн. сўм**ни ташкил этди. Шу жумладан, Марказий банк иштирокидаги операциялар **825,9 млрд. сўм**ни ёки иккиламчи бозор умумий ҳажмининг **74,1** фоизини ташкил этди.

3.1.4.5-чизма

Қимматли қоғозлар иккиламчи бозоридаги ДҚҚ савдоларининг умумий ҳажми




Банклараро пул бозоридаги операциялар

2019 йил давомида банклараро пул бозорида ягона савдо тизими оркали тижорат банклари ўртасида бўш пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича 12,7 трлн. сўмлик операциялар амалга оширилди. Банклараро пул бозорида амалга оширилган операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2019 йилнинг январь ойида **14,7** фоизни ташкил этган бўлса, декабр ойига келиб **17,5** фоизгача кўтарилди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг мос даврида **10,6** ва **14,8** фоизга тенг бўлган.

Жойлаштирилган маблағларнинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) муддати 30 кунгача бўлган депозитлар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, жами депозитлар ҳажмида муддати 8 кундан 30 кунгача бўлган депозитлар юқори улушларга эга бўлди ҳамда жами операцияларнинг **35,7** фоизини ташкил этди.

3.1.4.6-чизма

Банклараро пул бозорида стандарт муддатлар кесимидаги савдолар




Ўз навбатида, жами депозитлар таркибида нисбатан узокроқ муддатли (муддати 31 кундан 90 кунгача бўлган) депозитлар улуши **25,4** фоизни ташкил этди.

Банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари динамикаси

Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланиб борилиши банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларига ўз таъсирини кўрсатди. 2019 йил давомида қайта молиялаш ставкасининг ўзгаришсиз сақланиб туриши натижасида 2018 йилнинг сўнгги чорагида шаклланган банклараро пул бозори фоиз ставкалари коридори (14-16 фоиз) ҳисобот йилининг дастлабки 10 ойида ҳам сақланиб турди.

3.1.4.7-чизма

Банк тизими ликвидлиги ва банклараро пул бозоридаги депозитлар фоиз ставкалари ҳамда ҳажмлари, млрд. сўм ва фоизда



Шу билан бирга, 2019 йил сўнгги чорагида банклараро пул бозорида депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг бирмунча ошиши кузатилди. Хусусан, инфляциян кутилмаларда ва инфляциянинг прогноз динамикасида барқарор ўсиш суръатларининг кузатилмаётганлигига қарамай, банклараро пул бозоридаги ўртача фоиз ставкаси **17,5** фоизгача, шу жумладан, муддати 1 ойдан 3 ойгача бўлган депозит операциялари бўйича **18-20** фоизгача ўсди.

Мазкур ҳолат банк тизимида миллий валютадаги узоқ муддатли ликвид ресурсларнинг етишмаслиги, иқтисодиёт субъектларининг солиқ тўловлари бўйича мажбуриятларининг бажарилиши ҳамда ҳисобот йилининг сўнгги чорагида тижорат банклари томонидан ликвидлик бўйича белгиланган меъёрларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар билан изоҳланади.

Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан облигацияларнинг муомалага чиқарилиши ва ички молия бозорининг тўйинтириб борилиши ҳамда банклар томонидан ликвидлик ҳолатини яхшилаш бўйича кўрилатган чоралар келгусида ликвидликни бошқаришда банкларга қулайлик туғдиради ва инфляциянинг прогноз траекториясига мос келадиган **даромадлар эгри чизиғининг** шаклланишига олиб келади.

2020 йилдан бошлаб кредитлар ажратишда бозор механизмларига босқичма-босқич ўтилиши кредит бозорида сегментацияни камайтириш ҳамда кредитлаш фоиз ставкалари ўртасидаги тафовутни қисқартиришга хизмат қилади.

3.2. Валюта сиёсати ва валюта бозоридаги операциялар таҳлили

Ҳисобот йилида валюта сиёсатини бозор тамойилларига янада мослаштириш ва жорий операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг эркин равишда амалга оширилишини таъминлаш бўйича тегишли ишлар олиб борилиб, ички валюта бозоридаги мувозанатни турли хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида капитал операцияларига нисбатан консерватив ёндашув давом эттирилди.

Валюта сиёсатини амалга оширишда ички валюта бозорида Марказий банк фаоллигини пасайтириб бориш ва тижорат банкларининг алмашув курсини аниқлашдаги ролини оширишга, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга валюта операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ўз навбатида, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида Марказий банк ва тижорат банклари ҳамда биржадан ташқари тижорат банклари билан хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар ўртасида амалга оширилган валюта операциялари ҳажмлари ва иштирокчилар сони ошишида намоён бўлди.

Марказий банкнинг валюта бозоридаги иштироки монетар олтинни сотиб олиш натижасида юзага келган ортиқча ликвидликни стерилизация қилишга қаратилган валюта интервенциясини амалга оширишда “интервенция нейтраллиги” тамойилини сақлаб қолган ҳолда, унинг валюта айирбошлаш курсининг фундаментал трендига таъсирини минималлаштириш билан чекланишига йўналтирилди. Натижада ҳисобот йилида валюта бозоридаги конъюнктура ички ва ташқи иқтисодий шароитлар таъсирида вужудга келган талаб ва таклиф асосида шаклланишига замин яратилди. Ушбу ҳолат валюта айирбошлаш курсида ҳам ўз аксини топди.

Шу билан бирга, 2019 йилда валюта бозорида кузатилган жараён ва тенденциялар Марказий банк ўз ихтиёрида валюта бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш ва зарур бўлганда ташқи шоклар таъсирини камайтириш учун инструментлар тўпламига эга бўлиши зарурлигини кўрсатиб берди.

3.2.1. Ташқи савдо бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили


2019 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг жами экспорт тушумлари⁸ 2018 йилга нисбатан **3** фоизга ўсиб, **9,5** млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Импорт тўловлари эса 2018 йилга нисбатан **34** фоизга ўсиб, **20,8** млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва ташқи савдо операциялари

⁸ Номонетар олтин ҳамда кумуш экспортдан ташқари.

бўйича валюта маблағлари ҳаракатининг манфий сальдоси **11,3 млрд. АҚШ долларига** (2018 йилда 6,3 млрд. АҚШ доллари) тенг бўлди.

3.2.1.1-чизма


2019 йил давомида корхоналарнинг экспорт тушумлари ҳамда импорт тўловлари миқдори, млн. АҚШ долларида



Мазкур ҳолатнинг алоҳида аҳамиятга молик жиҳати шундаки, импорт тўловларининг фақатгина **46** фоизи экспорт тушумлари ҳисобидан қопланган бўлиб, қолган қисми ички валюта бозорида харид қилинган маблағлар ёки хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган.

3.2.1.2-чизма


2018-2019 йиллар давомида корхоналарнинг экспорт тушумлари ҳамда импорт тўловлари динамикаси, млн. АҚШ долларида



2019 йилда тармоқлар бўйича экспорт тушумлари тузилмасида экспортдан келиб тушган жами валюта тушумининг **43** фоизи **ёқилги-энергетика соҳаси** ҳиссасига тўғри келди (2018 йилда 50 фоиз). Шу билан бирга, енгил саноат ва тоғ-кон саноати соҳаларининг улушлари мос равишда 23 ва 24 фоизни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан пастроқ суръатларда ўсиш кузатилган бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича тушумларда эса сезиларли ўзгариш кузатилмади.

3.2.1.3-чизма

2018-2019 йилларда тармоқ корхоналарининг экспорт тушумларининг тузилмаси, фоизда



Экспорт тушумлари ҳамкор мамлакатлар кесимида ўрганилганда, уларнинг **64** фоизи 5 та хорижий давлатларга тўғри келган. Хусусан, тушумларнинг 26 фоизи (2,4 млрд. АҚШ долл.) Хитой, 14 фоизи (1,3 млрд. АҚШ долл.) Россия Федерацияси, 12 фоизи (1,2 млрд. АҚШ долл.) Швейцария, 7 фоизи (657 млн. АҚШ долл.) Қозоғистон ва 5 фоизи (455 млн. АҚШ долл.) Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўз навбатида, 2019 йилда импорт тўловларининг манбалар жиҳатдан таркибида хорижий валютадаги кредитлар ҳисобига амалга оширилган тўловлар ҳажмининг кескин ўсиши кузатилди. Хусусан, мазкур манба ҳисобига амалга оширилган тўловлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 74 фоизга ёки 2,2 млрд. АҚШ долларига ошиб, **5,2 млрд. АҚШ долларини** ташкил этди.

Ички валюта бозоридан харид қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган тўловлар эса 2018 йилга нисбатан **2,2 млрд. АҚШ долларига** кўпайиб, қарийб **11 млрд. АҚШ долларини** ташкил қилди.

Корхоналарнинг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар ҳажмида катта ўзгариш кузатилмади. Жумладан, 2018 йилга нисбатан ушбу тўловлар **779 млн. АҚШ долларига** (20 фоизга) ошиб, **4,7 млрд. АҚШ долларини** ташкил қилди.

Жами импорт тўловларининг қарийб **53** фоизи 4 та ҳамкор мамлакатларга ўтказилган бўлиб, шундан **17** фоизи (3,5 млрд. АҚШ долл.) Хитой, **14,6** фоизи (3 млрд. АҚШ долл.) Корея Республикаси, **14,4** фоизи (2,9 млрд. АҚШ долл.) Россия Федерацияси, **7** фоизи (1,4 млрд. АҚШ долл.) Қозоғистон давлатларига тўғри келди.


Хулоса қилиб айтганда, 2019 йилда импорт тўловларининг ошиши асосан тижорат банклари томонидан чет элдан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан хорижий валютада кредитлаш ҳажмининг сезиларли ошиши билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда ташқи қарз ўсишини мўътадиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади.

3.2.2. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили

Ҳисобот йилида иқтисодиётдаги инвестицион ва истеъмол талабининг жадал ошиши таъсирида ички валюта бозоридаги операциялар ҳажмининг 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги кузатилди. Хусусан, 2019 йилда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган жами валюта ҳажми аввалги йилга нисбатан **1,3** баробарга ёки **10,4 млрд. АҚШ долларидан 13,7 млрд. АҚШ долларигача**, сотилган валюта миқдори эса **1,3** баробарга ёки **6,5 млрд. АҚШ долларидан 8,3 млрд. АҚШ долларигача** кўпайган.

3.2.2.1-чизма


2019 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички валюта бозоридаги валюта операциялари ҳажми (млн. АҚШ долларидан)



2019 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички валюта бозорида харид қилинган 13,7 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi валюта маблағларининг **72** фоизи **ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва хомашё импортига, 15** фоизи халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импортига, **9** фоизи хорижий кредитларни сўндиришга, **2** фоизи хорижий инвесторлар даромадлари репатриацияси ва қолган **2** фоизи бошқа мақсадлар учун ишлатилган.

3.2.2.2-чизма

2018-2019 йиллар давомида чет эл валютасини сотиб олиш мақсадлари таркиби



Ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биржадан ташқари валюта бозорида сотиб олинган валюталар ҳажми аввалги йилга нисбатан **3,8** баробарга ошиб, **3,2 млрд. АҚШ доллари**га етди (*2018 йил 844 млн. АҚШ доллари*). Айти пайтда валюта биржаси орқали амалга оширилган валюта операциялари ҳажми ҳам **10** фоизга ўсиб, **10,2 млрд. АҚШ долларини** ташкил этди.

2019 йил давомида ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган талабнинг асосий қисми йирик давлат корхоналари ҳисобига шаклланди. Хусусан, асосий валюта сотиб олувчи 3 та йирик ташкилотнинг (*“Ўзавтосаноат” АЖ - 2,5 млрд. АҚШ доллари, “Ўзбекнефтгаз” АЖ - 1,2 млрд. АҚШ доллари ва Молия вазирлиги - 338 млн. АҚШ доллари*) жами талабдаги улуши 29,4 фоизни (2018 йилда 30,7 фоиз) ташкил этди.


Валюта бозорининг янада эркинлаштирилиши ва хўжалик юритувчи субъектларга валюта олди-сотди операцияларини амалга оширишда қулай шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида ички валюта бозори иштирокчилари сони 2019 йилда ҳам ўсишда давом этди. Бунда валюта бозорида хорижий валютани харид қилган корхона ва ташкилотлар ўртача сони ҳисобот йили мобайнида **4 800** тадан **7 600** тагача ёки **1,6** баробарга, сўнгги икки йил давомида эса **3,5** баробарга кўпайди.

2019 йил мобайнида ички валюта бозорида хорижий валюта таклифи асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг экспортдан тушган валюта маблағлари, жалб қилинган хорижий кредит маблағлари ҳамда халқаро пул ўтказмалари ҳисобига шаклланди.

Хусусан, 2019 йилда тижорат банкларига экспортчилар томонидан сотилган валюта ҳажми **1,5** баробарга кўпайиб, **6,0** млрд. АҚШ долларини (2018 йилда – 4,1 млрд. АҚШ доллари) ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ички валюта бозорида хорижий валюта таклифининг **44** фоизини шакллантирди.

3.2.2.3-чизма

2018-2019 йилларда ички валюта бозорида хорижий валюта таклифи манбалари (млн. АҚШ долларида)




Ҳисобот йилида Марказий банкнинг валюта интервенциялари олтин-валюта захираларининг нейтраллиги принципига асосланган ҳолда амалга ошириб борилди. Бунда Марказий банк томонидан сотилган чет эл валютасининг соф ҳажми йил давомида сотиб олинган монетар олтин ҳажми доирасида бўлиши таъминланди.

Бунда Марказий банк томонидан монетар олтин сотиб олиш ҳисобига юзага келган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида амалга оширилган интервенция операциялари ҳажми миллий валюта эквивалентида **33,6 трлн. сўмни** (3,8 млрд. АҚШ долларини) ташкил этди.

2019 йил давомида пул ва кредит бозорлари сегментлари асосий кўрсаткичларининг хорижий валютага бўлган талаб динамикаси билан ўзаро боғлиқлиги кузатилди. Хусусан, банк тизимидаги ликвидлик ҳажмининг ўзгариши ва кредитлаш ҳажмининг ўсиши чет эл валютасига бўлган талаб ва интервенциялар ҳажмининг ўзгаришида муайян тарзда акс этиб турди.

3.2.2.4-чизма

Ички валюта бозоридаги талаб ва интервенциялар билан ликвидлик ва кредитлар ҳажми ўзгаришининг ўзаро боғлиқлиги



2019 йил давомида **миллий валюта алмашув курси динамикаси** валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб ҳамда хорижий валютага бўлган талаб ва таклифга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиб борди.


Бунда валюта бозорида талаб ва таклифнинг бир маромда ошиши шароитида 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида валюта биржасидаги савдо сессияларида миллий валюта – сўм АҚШ долларига нисбатан 2,8 фоизга қадрсизланди.

Июль ва август ойларида эса айрим ҳамкор давлатлар валюталари девальвацияси ва бунинг оқибатида юзага келган девальвацион кутилмаларнинг кучайиши, шунингдек, ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талабнинг ўсиши миллий валюта алмашув курси девальвациясини **10,2** фоизга тезлаштирди.

Ҳисобот даврининг сўнгги ойларида сўмнинг алмашув курси нисбатан барқарор бўлиб, сентябрь-ноябрь ойлари давомида 1,3 фоизга қадрсизланган бўлса, декабрь ойида 0,1 фоизга мустаҳкамланди.

3.2.2.5-чизма

2019 йил мобайнида валюта биржаси савдоларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматининг ўзгариши (сўм/АҚШ долл.)



Умуман олганда, 2019 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси йил бошига нисбатан 13,9 фоизга (8 341 сўмдан 9 501 сўмгача) қадрсизланди.

Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари


2019 йил давомида тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жами **3,8 млрд.** АҚШ доллари миқдорида ёки 2018 йилга нисбатан 41 фоиз (1,1 млрд. АҚШ доллари) кўп хорижий валюта сотиб олинди. Ўсишнинг юқори суръатлари асосан 2019 йилнинг август-декабрь ойларида кузатилиб, ушбу даврда жисмоний шахслар валюта операцияларининг ўртача ойлик айланмаси январь-июль даврига нисбатан қарийб **2** баробарга ошди.

Ҳисобот йили давомида жисмоний шахсларга жами **1,8 млрд.** АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари сотилган бўлиб, 2018 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 86 фоизга ошди. Мазкур ўсиш асосан 2019 йилнинг август ойида аҳолига нақд хорижий валюта сотуви жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операциялари кўламининг ошиши натижасида норасмий сектордаги валюта айланмаларининг банк тизимига кириб келиши ички валюта бозорида хорижий валюта таклифи ошишини таъминлади.

3.2.2.6-чизма


2019 йил давомида жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми, млн. АҚШ доллариди



2019 йил давомида халқаро пул ўтказмалари орқали республикага жами **6 млрд.** АҚШ доллари миқдориди ёки 2018 йилга нисбатан 17,5 фоизга кўп хорижий валюта келиб тушди. Республикага юборилаётган халқаро пул ўтказмаларининг 77 фоизи (4,64 млрд. АҚШ доллари) Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келиб, ўтказмаларнинг ҳажми 2018 йилга нисбатан 674 млн. АҚШ долларига ошган. Мазкур ҳолат Россия рублининг 2019 йил давомида АҚШ долларига нисбатан қадри 8,5 фоизга ошиши билан ҳам изоҳланади.

3.2.2.7-чизма


2018-2019 йиллар давомида халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган ва хорижга жўнатилган маблағлар динамикаси, млн. АҚШ доллариди



Шунингдек, 2019 йил якунида, яъни декабрь ойида жисмоний шахслар томонидан тижорат банкларига сотилган хорижий валюта ҳажми халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта ҳажмидан ортиқ бўлди. Ушбу тенденция аҳоли томонидан миллий валютага бўлган ишонч ошаётганидан далолат беради.

3.2.2.8-чизма

2019 йил давомида халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган маблағлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси сотуви, млн. АҚШ доллариди



2019 йил давомида республиканинг барча ҳудудларида аҳоли учун валюта айирбошлаш инфратузилмасини (валюта айирбошлаш шахобчалари ва банкоматлар тармоғини) ривожлантиришга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Аҳолига валюта олди-сотди операцияларини амалга оширишда янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда, шу жумладан, туристик зоналар, аэропортлар, вокзаллар, савдо мажмуалари ва бозорларда тижорат банклари томонидан ташкил этилган “24/7” режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шахобчалари сони 633 тадан 722 тагача кўпайтирилди.

Натижада 2019 йил якуни бўйича валюта айирбошлаш шахобчаларининг умумий сони (автоматлаштирилган шахобчалар билан бирга) 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **387** тага ошиб, **1 724** тага етди.

3.2.3. Валюта қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар

Ҳисобот йилида валютани тартибга солиш соҳасидаги илғор халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг **“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда** қабул қилинди. Мазкур Қонунда валютани тартибга солиш ҳамда валютани назорат қилиш тизимининг ягоналиги, ушбу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлиги, резидентлар ва норезидентларнинг валюта операцияларига давлат органларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги каби асосий тамойиллар белгиланди.

Миллий валюта “сўм”нинг мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда унга бўлган ишончни кучайтириш мақсадида давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар миллий валютада ундирилиши, товар ва хизматлар учун нархлар ҳамда жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада ўрнатилиши қонун даражасида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Қонунга мувофиқ:

валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ қатор рухсат бериш тартиботлари бекор қилинди. Хусусан, резидент жисмоний шахсларга нақд чет эл валютасини мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетиш учун, шунингдек, юридик шахсларга хорижий банкларда ҳисобварақлар очиш учун Марказий банк томонидан рухсатномалар бериш амалиёти бекор қилинди;

резидент жисмоний шахсларга хорижда ҳисобварақлар очиш ҳамда норезидентларга жорий халқаро операциялар учун чет эл валютасини чекловларсиз сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқи берилди;

норезидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиш учун ҳисобварақлар очиш ва юритишга рухсат берилди;

ташқи савдо операциялари бўйича активларни Ўзбекистон Республикасига репатриация қилиш тушунчаси ва унга бўлган талаблар белгиланди (*экспорт операциялари бўйича валюта маблағлари ҳамда импорт операциялари бўйича товарларни Ўзбекистон Республикасига келишини таъминлаш*);

жисмоний шахслар учун носавдо валюта операциялари бўйича мақбул сумма миқдори 100 млн. сўм эквивалентида белгиланди;

валюта назоратига оид алоҳида боб киритилиб, унда валюта назорати органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир қаторда, мазкур органлар томонидан текширувларни ўтказиш чоғида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди.

Қонуннинг янги таҳририда валюта операцияларининг амалиётдаги мавжуд барча турлари камраб олиниб, ҳавола қилувчи нормалар максимал даражада қисқартирилди ва у тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланди.

Шунингдек, 2019 йилда тижорат банкларига хорижий валютадаги активлари ва мажбуриятларини самарали бошқариш ҳамда эҳтимолий йўқотишларни тўғри баҳолашларига шароит яратиш мақсадида очиқ валюта позицияси лимитлари қайта кўриб чиқилди. Бунда очиқ валюта позицияси лимитлари миқдорлари ҳар бир алоҳида валюта тури бўйича 5 фоиздан 10 фоизгача, жами очиқ валюта позицияси лимитлари эса 10 фоиздан 15 фоизгача оширилди.

Ҳисобот йилида аҳолига валюта операцияларини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга нақд чет эл валютасини сотиш амалиёти жорий қилинди.

Ҳисобот йилида валютани тартибга солиш соҳасида, валюта операцияларини асосланганлигини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 сентябрдаги ПФ-5811-сонли Фармонида мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо шартномалари бўйича 2017 йил 5 сентябрга қадар ҳосил бўлган ва асоссиз равишда сақланиб турган кредитор қарздорликларни ҳисобдан чиқариш ва корхона даромадига олиш, бунда уларга тегишли даромад солиқларини ҳисобламасликка рухсат берилди. Бунинг натижасида мамлакат ташқи сектор статистикаси маълумотларининг сифати оширилишига замин яратилди.

Бундан ташқари, экспортдан валюта маблағларини амалда хориждан келиб тушишини таъминлаш ҳамда амалиётда учраган шубҳали ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида экспорт қилинаётган товар (хизмат)лар учун банк кассаларига нақд хорижий валюталарни қабул қилишда уларнинг келиб чиқиш манбасини тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни йўловчи божхона декларацияси талаб қилиниши механизми амалиётга жорий этилди.

Жисмоний шахслар томонидан хорижий давлатлардан олиб кирилган нақд чет эл валютаси бўйича расмийлаштирилган йўловчи божхона декларациясини онлайн тартибда текшириш амалиёти жорий қилинди.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Марказий банкка Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш, ҳисобга олиш ва сақлаш ҳамда захира активларини ўз ичига олган ташқи сектор статистикасини шакллантириш ва эълон қилиш вазифалари юкланган.

Халқаро стандартларга асосан халқаро захиралар монетар олтин, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, Халқаро валюта жамғармасининг маблағ жалб қилишга доир махсус ҳуқуқлар ва захира позицияси, ҳосила молиявий инструментлар ҳамда бошқа активларни ўз ичига олади.

Халқаро захиралар таркибига киритилиши учун юқорида келтирилган активлар бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Хусусан, активлар норезидентларга бўлган талабни ўзида акс эттирувчи ташқи активлар кўринишида бўлиши, ликвидлиги ва сифати юқори бўлиши, халқаро тўловларда эркин фойдаланиладиган хорижий валютада бўлиши, пул-кредит органларининг эркин тасарруфида ва назоратида бўлиши талаб этилади. Юқоридаги талабларга жавоб бермаган активлар халқаро захиралар таркибида ҳисобга олинмайди.

Мамлакатнинг иқтисодий - молиявий ривожланганлик даражаси, халқаро молия тизимига интеграциялашуви ҳолати, жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, табиий бойликларга эгаллиги, валюта курси режими ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир мамлакатда халқаро захираларни сақлаш ва бошқаришдан кўзланадиган мақсадлар турлича бўлиши мумкин.

Жумладан, халқаро амалиётда захираларни сақлаш ва бошқаришда зарур ҳолларда тўлов балансини молиялаштириш, ташқи қарздорликка хизмат кўрсатиш, пул-кредит сиёсатини қўллаб-қувватлаш, валюта бозорида интервенцияларни ўтказиш, йирик капитал оқимлари, ташқи шоклар ва инқирозлар даврида молия бозори барқарорлигини таъминлаш, миллий валюта, молия тизими ва иқтисодиётга бўлган ишончни мустаҳкамлаш, пул базасини валюта билан таъминлаш, турли фавқулодда ҳолатларда (табиий офат ва ҳ.к.) фойдаланиш ва инвестицион даромад олиш каби мақсадлар устувор бўлиб ҳисобланади.

Мамлакат халқаро захиралари ҳамда уларни зарурий даражада сақлаш ва самарали бошқариш мамлакат миллий валютаси, молия тизими ва иқтисодиётидаги барқарорликни таъминлашда ва натижада узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишга эришишда асос бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, Марказий банк томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонунда мамлакат халқаро захиралари Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли бўлган даражада сақлаб туриш бўйича белгиланган вазифа ижросини таъминлаш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, халқаро захиралар ҳажми ва уларни бошқариш бўйича шаффофликнинг таъминланиши мамлакатнинг халқаро миқёсдаги рейтингини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни кенгроқ жалб қилиш, хориждан жалб қилинаётган ресурслар қийматини пасайтириш ҳамда захираларни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини яратади.

Бу борада Марказий банк томонидан муайян ишлар ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари бўйича статистик маълумотлар 2018 йилдан бошлаб Марказий банк расмий веб-сайтида ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”даги Ўзбекистоннинг миллий маълумотлар саҳифасида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили


Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари ҳажми 2019 йил давомида 2,1 млрд. АҚШ долларига ёки 7,7 фоизга ўсиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига **29,2 млрд. АҚШ долларига** етди.

Захиралар ҳажмининг ўзгаришига асосан жаҳон бозорида олтин нархининг ошиши, ички валюта бозорида интервенцияларнинг амалга оширилиши ҳамда Марказий банкдаги тижорат банклари, мижозлар ва ҳукумат маблағлари қолдиғидаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатади.

2010 йилдан 2016 йилга қадар бўлган даврда халқаро захиралар ҳажмининг ошиши асосан унинг таркибидаги монетар олтин миқдорининг 45 тоннадан 336 тоннагача ошганлиги билан изоҳланади.


3.3.1.1 – чизма

Халқаро захиралар динамикаси



3.3.1.2 – чизма

Халқаро захиралар таркиби ўзгариши, млрд. АҚШ доллари



2016 йилдан кейинги даврда монетар олтин миқдори сезиларли даражада ошмаган бўлсада, жаҳон бозоридаги олтин нархида давомий ўсиш тенденцияси кузатилганлиги сабабли халқаро захиралар ҳажми барқарор равишда ошиб борди. Ушбу даврда олтин нархи 43 фоизга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 трой унцияси учун 1 523 АҚШ долларини ташкил қилди.

Чет эл валютасидаги активлар ҳажми эса 2010 йилдан бошлаб 10 - 14 млрд. АҚШ доллари доирасида тебраниб, 2019 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда 24 фоизга ўсган.

Халқаро амалиётда давлатларнинг халқаро захираларидаги олтиннинг улуши олтин захираси 1 000 тоннагача бўлган давлатларда ўрта ҳисобда 23 фоизни, олтин захираси 1 000 тоннадан юқори бўлган давлатларда – ўрта ҳисобда 60 фоизни, захирасида олтин улуши бўлган барча давлатлар бўйича эса – ўрта ҳисобда 48 фоизни ташкил қилади.

2012-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари таркибида монетар олтин миқдорининг ошиши мазкур даврда олтин нархида салбий тенденция кузатилганлиги, яъни олтин нархининг 33 фоизга ёки 2012 йил бошидаги 1 трой унцияси учун 1 574,5 АҚШ долларида 2015 йил охирига келиб 1 062,3 АҚШ долларида арзонлашганлиги сабабли ишлаб чиқарувчилардан ҳар йили сотиб олинган монетар олтин шаклидаги захиралар валюта активларига айлантирилмаганлиги билан изоҳланади.

2017 йил сентябрь ойидан бошлаб валюта сиёсатининг эркинлаштирилиши ва пул-кредит сиёсатининг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида халқаро захираларнинг “нейтраллик” принципи жорий қилинди. Унга кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналардан қимматбаҳо металлларни сотиб олиш натижасида муомалага чиқарилган қўшимча пул маблағларини стерилизация қилиш учун сотиб олинган олтин эквивалентидаги валюта маблағлари Марказий банк томонидан ички валюта бозорига йўналтирилади.

Мазкур жараёнда, асосий мақсад, муомалага чиқарилган ортиқча пул маблағларини муомаладан қайтариб олиш ҳисобланиб, маълум бир валюта курсини ушлаб туришга ёки валюта курси трендига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилинмайди. Бунда валюта курсларининг қисқа муддатли кескин тебранишларининг олди олиниб, курсдаги барқарорлик таъминланади.

Шу муносабат билан, 2017 йилдан кейинги даврда ишлаб чиқарувчи корхоналардан сотиб олинган олтин миқдорларида валюта маблағларининг ички валюта бозорига йўналтирилиши натижасида монетар олтин ҳажми деярли ўзгаришсиз қолмоқда.


Бу даврда олтин нархи 31 фоизга ошиб, ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинаётган олтинни валюта активларига айлантириш учун қулай муҳитни яратди.

Халқаро захираларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан кўрсаткичининг ҳисобланиши⁹, захираларнинг мамлакат иқтисодиёти ҳажмини ҳисобга олган ҳолда бошқа давлатлардаги кўрсаткичлар билан солиштириш ҳамда унинг динамикасини таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Хусусан, ташқи савдо бўйича асосий ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиштирганда Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМга нисбати кўрсаткичи нисбатан юқори даражада шаклланган. Жумладан, Ўзбекистонда халқаро захираларнинг ЯИМга нисбати бугунги кунда 50 фоизни ташкил қилади¹⁰. Мазкур кўрсаткич сўнгги йиллар мобайнида Ўзбекистон ва ҳамкор мамлакатларда деярли ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда.

3.3.1.3 – чизма

Халқаро захираларнинг ЯИМдаги улуши



Манба: ХВЖ ва хорижий мамлакатлар марказий банклари маълумотлари


2010-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси халқаро захираларининг таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берган бўлиб, 2010 йилнинг бошида чет эл валютасининг улуши 87 фоизни ва монетар олтиннинг улуши 13 фоизни ташкил қилган бўлса, халқаро захираларнинг активлар бўйича таркибида монетар олтин улуши 2020 йил 1 январь ҳолатига 56 фоизга етди.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг номинал ЯИМ ҳажмининг АҚШ долларидagi эквиваленти АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматининг йиллик ўртача курси асосида ҳисобланган.

¹⁰ Халқаро ҳисоб-китоблар банки (BIS) маълумотида кўра, ривожланаётган давлатларда 2018 йилда халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан кўрсаткичи ўрта ҳисобда 30 фоизни ташкил қилган.

3.3.1.4— чизма

Халқаро захиралар таркибининг динамикаси



Халқаро захиралар таркибида олтиннинг бўлиши турли инқирозли даврларда захиралар қийматини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, олтин нархининг тебранувчанлиги юқори бўлиб, захираларда олтин улушининг катта бўлиши захиралар қийматида кескин ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Жаҳон амалиётида халқаро захиралар таркибида олтин улушини мақбуллаштириш ҳамда юқори рейтинг ва ликвидликка эга давлатлар, халқаро молия ташкилотлари томонидан чиқарилган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инструментлар ҳисобига захиралар таркибининг қисман диверсификацияланиши, ликвидлик, риск ва даромадлилик даражаларига янада ижобий таъсир қилишини кузатиш мумкин.

Халқаро захираларни бошқаришда жойлаштириладиган активлар тури ва сифати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси захира активлари тўлиғича юқори суверен кредит рейтингига эга мамлакатлардаги халқаро миқёсда юқори нуфузга эга ҳамкор банкларга жойлаштирилган.


Хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро захиралари таркибидаги чет эл валютасидаги маблағлар улуши 2020 йил 1 январь ҳолатига 44 фоизни ташкил қилиб, ушбу маблағларнинг 50 фоизи “АА” рейтингли ва 44 фоизи “А” рейтингли хорижий ҳамкор банклардаги активларга жойлаштирилган.

Мамлакатлар кесимида эса жойлаштирилган валюта маблағларининг 30 фоизи “ААА”, 32 фоизи “АА” ва 38 фоизи “А” суверен кредит рейтингига

эга мамлакатлардаги ҳамкор банклар ҳиссасига тўғри келади. Бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мазкур давлатлардаги банкларнинг улушлари ўзгариб туриши мумкин.


3.3.1.5-чизма

Активларнинг кредит рейтинги бўйича улуши ва динамикаси



3.3.1.6-чизма

Чет эл валютасидаги активларнинг кредит рейтинги бўйича улуши ва динамикаси



Рискларни бошқариш мақсадида захира активларининг лозим даражадаги диверсификациясини амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Захира активлари асосан мамлакатлар, хорижий ҳамкорлар, чет эл валюталари ҳамда активлар ва молиявий инструментлар турлари бўйича диверсификация қилинмоқда.

Марказий банк томонидан халқаро захираларнинг диверсификация даражасини янада ошириш ҳамда хорижий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.


Хусусан, 2010 йил 1 январь ҳолатига Марказий банк томонидан дунёнинг 10 та мамлакати ҳамда 20 та хорижий банклар билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони мос равишда 13 та ва 32 тага етди.

Активларнинг валюта тури бўйича таркиби мамлакат ташқи савдоси хусусиятлари, валюта ва пул бозоридаги ҳолатлар ҳамда бошқа омиллар таҳлили асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади. Бугунги кунда халқаро захиралар таркибига АҚШ доллари, Евро, Англия фунт стерлинги, Япония иенаси, Хитой юани, Канада доллари ва Швейцария франки киритилган. Экспорт операцияларининг 96 фоизини, импорт

операцияларининг 81 фоизини ва хусусий сектор ташқи қарзининг 82,4 фоизини АҚШ доллари ташкил қилаётганлиги сабабли захира активларининг 90 фоизи АҚШ долларида шакллантирилмоқда.

3.3.1.7 – чизма

Валюта активларининг валюта тури бўйича таркибининг ўзгариши



Валюта турларининг ташқи фаолият, қийматини сақлаш, даромадлилик хусусиятларидан ва потенциал талабларга биноан шакллантириш чоралари кўриб борилмоқда.

2019 йил импорт тўловлари учун сарфланган валюталар таҳлили жами импорт тўловларининг 81 фоизи АҚШ долларида, 14 фоизи еврода, 4 фоизи Россия рублида ҳамда 1 фоизи Япония иенаси ва Хитой юанида амалга оширилганлигини кўрсатди.

Келгусида ҳам Марказий банк томонидан валюта турлари бўйича халқаро захиралар таркибини шакллантиришда ташқи савдо хусусияти, халқаро молия бозорларидаги ҳолат ва хорижий валюталар бўйича ўзгаришлар доимий равишда ўрганиб борилади ва тегишли чоралар кўрилади.

3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили

Халқаро амалиётда халқаро захираларнинг етарлилигини баҳолаш учун турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан, амалиётда кенг қўлланиладиган ва фойдаланувчилар томонидан осон тушуниладиган кўрсаткичларга **Захираларнинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш**

даражаси, Импортни қоплаш даражаси, Кенг маънодаги пул массасига нисбати ҳамда ривожланаётган мамлакатлар учун **Захиралар етарлилиги** (ARA EM – Reserves Adequacy for Emerging Markets) кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Қисқа муддатли қарзларни қоплаш кўрсаткичи ташқи молиялаштириш имконияти чекланганда мамлакатнинг қарзларни қайтара олиш имконияти ёки бошқача қилиб айтганда, кредит рискинни ўлчовчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Импортни қоплаш кўрсаткичи орқали мамлакатда экспортдан тушумлар ва ташқи молиялаштириш манбалари бутунлай тўхтаб қолганда мамлакатнинг мавжуд халқаро захираси неча ойлик импортни қоплай олишини кўрсатади. **Захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати** эса, асосан пул массасида ҳисобга олинандиган чет эл валютасидаги депозит ва бошқа молиявий ресурсларнинг хорижга чиқиб кетишига бардош бериш имкониятини ўрганиш мақсадида ҳисобланади.

Мазкур кўрсаткичлар алоҳида омиллардан кутилиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш имконини беради. Юзага келиши мумкин бўлган рискларга нисбатан умумий баҳо бериш мақсадида ўзида бир нечта омилларнинг таъсирини бирлаштирувчи ХВЖ томонидан ишлаб чиқилган ARA EM кўрсаткичидан фойдаланилади. Бунда муайян мамлакатнинг ривожланиш даражаси, унда амал қилаётган валюта курси режими ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, кенг маънодаги пул массаси, экспорт, қисқа муддатли қарзлар ва бошқа мажбуриятлар турли хил улушларда қамраб олган ягона кўрсаткич ҳисобланади.


Бу кўрсаткичлар бўйича халқаро захираларга қўйиладиган минимал талаблар захираларнинг қисқа муддатли қарзларни тўлиқ (100 фоизга) қоплай олиши, камида уч ойлик импортни қоплаши, кенг маънодаги пул массасига нисбатан камида 20 фоизни ташкил қилиши ҳамда ARA EM кўрсаткичи захираларнинг 100-150 фоизи миқдорларида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари мазкур минимал талабларга тўлиқ жавоб беради ҳамда мамлакатимиз бу борада МДХ ва бошқа кўпгина Осиё давлатлари орасида нисбатан юқори кўрсаткичларга эга.

Жумладан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2020 йил 1 январь ҳолатига **284** фоизни ташкил қилган бўлиб, 20 фоизлик минимал талабдан 14 баробар кўпдир. Бошқа Ҳамдўстлик ва Осиё давлатлари билан солиштирганда ҳам ушбу кўрсаткичнинг сезиларли даражада юқорилигини кўриш мумкин.

3.3.2.1 – чизма

Халқаро захираларнинг пул массасига нисбати, 01.01.2020 й. ҳолатига




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг 2019 йил якуни бўйича шаклланган халқаро захиралари **13 ойлик импортни** қоплашга етади. Бу эса минимал талаб этиладиган кўрсаткичдан 4,4 баробарга кўпроқдир.

3.3.2.2 – чизма

Халқаро захираларнинг импорт ҳажмини қоплаши, ойларда




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Бундан ташқари, мавжуд халқаро захиралар Ўзбекистоннинг қисқа муддатли қарзларини тўлиқ қоплайди ҳамда бугунги кунда минимал талабга нисбатан 12 баробар юқори шаклланган. ХВЖнинг АРА ЕМ кўрсаткичи ҳам захиралар етарлилигига қўйиладиган минимал талабдан 5 баробарга кўпроқдир.

3.3.2.3 – чизма

Халқаро захираларнинг қисқа муддатли қарзни қоплаши ва АРА ЕМ кўрсаткичи



Мазкур кўрсаткичлар бошқа муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар сингари халқаро захиралар етарлилиги кўрсаткичлари инвесторлар ва бошқа фойдаланувчилар учун ижобий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Марказий банк томонидан халқаро захираларни етарли даражада бўлишини таъминлаш ҳамда уларни диверсификациялаш борасида янги услубларни амалиётга жорий қилиш ишлари 2020 йилда ҳам давом эттирилади.

3.4. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадларидан бири – банк тизими барқарорлигини таъминлаш йўналиши доирасида Марказий банкка юклатилган назорат вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш ҳамда кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро миқёсда қабул қилинган меъёр ва ёндашувлар асосида такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

3.4.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2019 йилда кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг меъерий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган энг муҳим ўзгариш – шубҳасиз бу Жаҳон банки экспертлари кўмагида илғор хорижий тажриба, умумэътироф этилган нормалар ва стандартларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бўлди.

Мазкур Қонунда банк соҳасидаги асосий тушунчаларнинг халқаро умумэътироф этилган нормаларга мослаштириш, кенг жамоатчилик, шунингдек, хорижий инвесторлар учун тушунарли бўлиши ва уларнинг амалиётда бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида банк соҳасидаги асосий тушунчаларга таъриф берилди.

Шунингдек, банк фаолиятига рухсат беришга доир талабларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида банкни ташкил этиш учун дастлабки рухсат бериш, уни давлат рўйхатига олиш ва банк фаолиятини лицензиялаш бўйича тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар белгиланди. Шу билан бирга, норезидентларнинг банк капиталидаги иштироки тартибга солинди.

Қонунда банкларнинг таъсисчиларига аниқ талаблар, хусусан, уларнинг ишбилармонлик, обрў-эътибори ва олдинги фаолият натижаларига бўлган талаблар ўрнатилди.

Бундан ташқари, банк тизимининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва банк акцияларини сотиб олувчиларига резидентлигидан қатъий назар тенг шароитлар яратиш мақсадида тижорат банклари устав капиталининг 5 фоизигача бўлган миқдордаги акцияларини Марказий банк рухсатсиз сотиб олиш тартиби белгиланди.

Банкларда корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини жорий этиш ва бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида Қонунда банк бошқаруви органлари вазифалари, ваколатлари ва жавобгарликлари

белгиланди. Шунингдек, уларнинг тажрибаси, малакаси ва билимлари банк фаолиятининг ихтисосига ва мураккаблигига, ўз мажбуриятларини бажариши, банк таваккалчилигини бошқариши ва баҳолаши, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилиши учун етарли даражада бўлиши кераклиги бўйича талаблар белгиланди.

Қонун билан банкларни пруденциал назорат қилиш тизими жорий этилди. Бунда мазкур тизим банк назоратининг:

банкларга пруденциал нормативлар ўрнатиш;

банкларнинг молиявий ҳолати ёмонлашганда уларни тиклаш режасини ишлаб чиқиш;

банкка алоқадор шахслар билан битимлар тузишни тартибга солиш;

банк таваккалчиликларини бошқариш тизимига талаблар ўрнатиш, шу жумладан, рискларни бошқариш ва стресс-тестларни ўтказиш орқали амалга оширилишини назарда тутати.

Шу билан бирга, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида Қонунда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган банкларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилишига қаратилган нормалар белгиланди.

2019 йил давомида банклар фаолиятини тартибга солувчи мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг “Базель III: Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти ва ликвидлилик таваккалчилигини мониторинг қилиш воситалари” тавсиявий ҳужжати асосида **“Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”**ги низомга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, банк тизимидаги ликвидлилик riskини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ликвидлиликни қоплаш ҳамда соф барқарор молиялаштириш меъёрларини миллий ва хорижий валютада алоҳида ҳисоблаш амалиёти жорий қилинди.

Банклар фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг олдини олиш, уларнинг таваккалчилигини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида **“Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”**ги низомга мувофиқ, банк активлари таваккалчилик даражаси бўйича етита гуруҳга ажратилди. Жумладан, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ва автомобиль сотиб олиш учун кредитлар ажратилганда уларнинг riskлари муддати ва фоиз ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди.

“Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомга ўзгартириш киритилиб, миқдорларга тезкор хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида тижорат банкларида “банк хизматлари офислари”ни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, банк хизматлари офисларида қоида тарикасида, депозит ҳисобварақлар очиш, омонатлар қабул қилиш, тўловларни ва халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта айирбошлаш, истеъмол кредити ва микроқарз бериш каби базавий банк хизматлари кўрсатилиши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Тижорат банкларида кредитлаш амалиётининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида **“Тижорат банклари кредит сиёсатида нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”**ги низомга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини ҳар йили қайта тасдиқлаш амалиёти бекор қилиниб, кредит сиёсатини бир марта тасдиқлаш ва уни ҳар йили заруриятдан келиб чиққан ҳолда, янгилаб бориш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, аҳоли қарз юки ҳаддан ташқари ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида **“Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек, қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисида”**ги низом (рўйхат рақами 3205, 19.12.2019 й.) ишлаб чиқилди.

2020 йил 20 мартдан бошлаб кучга кирадиган мазкур низомда тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кредитлар (микроқарзлар) ажратилаётганда жисмоний шахсларнинг қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги ҳамда жисмоний шахслар билан тузилган барча кредит (микроқарз) шартномалари бўйича кунлик фоиз ставкасининг 0,3 фоиздан ошмаслиги, олинган кредит (микроқарз) бўйича фоиз тўлови, воситачилик ҳақи, пеня ва бошқа жарима тўловлари миқдори йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Кредит ташкилотларига илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги кредит (микромоллиявий) хизматлар кўрсатиш тақиқланиши ҳамда кредит бюроларидан кредит маълумотларининг олиниши мажбурийлиги бўйича талаблар ўрнатилди.

Шунингдек, 2019 йилда ликвидликни қоплаш ва соф барқарор молиялаштириш меъёрларини Базель III талабларига мувофиқлаштириш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ишлар бошланган бўлиб, мазкур ишларни 2020 йилда якунига етказиш режалаштирилмоқда.

Ҳисобот йилида Жаҳон банки билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан, банк назорати амалиётини Базель қўмитасининг асосий тамойилларига янада мувофиқлаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича ҳам бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, банк назорати самарадорлигини ошириш ва бу борада устувор йўналиш ҳамда вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадида Марказий банк тизимида қўлланилаётган банк назоратини Базель қўмитасининг асосий тамойилларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ўз-ўзини баҳолаш ишлари ўтказилди ва олинган натижалар асосида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

Ҳаракатлар режасига мувофиқ, банклар фаолиятини назорат қилишнинг амалдаги тизимидан босқичма-босқич рискка асосланган назорат тизимига ўтиш йўналишида кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Амалдаги микроназорат тизимидан воз кечиш ҳамда босқичма-босқич рискка асосланган банк назорати тизимига ўтишнинг дастлабки босқичида кредитлаш жараёнлари, бухгалтерия, касса ва инкассация амалиётлари ҳамда депозит операцияларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари фаолиятини масофавий назорат қилиш билан бир қаторда **Марказий банкнинг банк тизими барқарорлигини, омонатчилар, қарз олувчи ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган назорат вазифаларидан келиб чиқиб, банклар ва уларнинг филиалларида комплекс ва тематик характердаги текширувлар ўтказиб борилди.**

Ўтказилган текширувлар натижаларига кўра, Марказий банк томонидан 2019 йил мобайнида банк қонунчилиги талабларини бузганлиги учун 14 та банкка нисбатан айрим банк операцияларини амалга оширишни тақиқлаб қўйиш ва 26 та банкка нисбатан жами 17,6 млрд. сўм миқдорида жарима ундириш каби таъсир чоралари қўлланилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан:

белгиланган пруденциал меъёрларга риоя этилиши юзасидан аниқланган 61 та ҳолат бўйича жами 3,2 млрд. сўм миқдорида;

жойида ўтказилган инспекция текширувлари натижасида аниқланган 12 та ҳолатда 6,7 млрд. сўм миқдорида;

ички назорат талабларига риоя этилиши юзасидан аниқланган 31 та ҳолат бўйича 3,1 млрд. сўм миқдорида;

валюта операциялари бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан аниқланган 27 та ҳолат бўйича 770 млн. сўм миқдорида;

ҳамда бошқа 74 та ҳолатлар бўйича 3,8 млрд. сўм миқдорида жарима чоралари қўлланилди.

2019 йил давомида қўлланилган чораларга асосан Марказий банк томонидан тижорат банклари бошқарувларига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш бўйича кўрсатмалар юборилди ҳамда ушбу чора-тадбирлар ижроси назоратга олинди.

3.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида республика банк-молия тизимида микромолиялаштириш соҳасининг янада ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4400-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорга асосан **“Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидалари”**га қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, микрокредит ташкилотларига капитал монандлигига нисбатан ўрнатилган талабларга (капиталнинг жами активларга нисбати 10 фоиздан кам бўлмаслиги бўйича меъёрга) риоя қилган ҳолда, кредитларни ёки қарзларни жалб қилиш, банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молия ташкилотларининг агенти сифатида қатнашиш ҳамда жисмоний шахсларга онлайн-кредитлар (микроқарзлар) бериш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, **“Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”**ги низомга хорижий микрокредит ташкилотларига Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотларининг устав фондида иштирок этишига, шунингдек, микрокредит ташкилотлари бошқарувининг олий органлари қарори билан чакана хизматлар, шу жумладан, нақдсиз шаклда кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар марказларини ташкил этишга рухсат бериш юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

*“Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари”*га ўзгартиришлар киритилиб, микрокредит ташкилотлари бинолари ва касса хоналарини техник жиҳозлаш бўйича белгиланган талаблар соддалаштирилди.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 1 ноябридан бошлаб нобанк кредит ташкилотларида вужудга келиши мумкин бўлган кредит рискларини олдини олиш ва қарздорлар молиявий ҳолатини сифатли ўрганилишини таъминлаш мақсадида мижозлар тўғрисидаги ахборотларни кредит бюролари билан алмашиш тартиби жорий қилинди.

Ҳисобот йилида халқаро молия институтлари кўмагини жалб қилган ҳолда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш борасидаги умумқабул қилинган меъёрлар ва андозаларни ҳамда энг илғор халқаро амалиётларни татбиқ этишни кўзда тутувчи “Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, мазкур Қонунда финтех компаниялар, чакана савдо субъектлари, электрон пул операторлари, P2P кредитлаш, краудфандинг ва бошқа муқобил молиялаштириш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Ҳисобот йилида **нобанк кредит ташкилотларининг амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилиши** масофадан туриб (дистанцион) ва жойида текшириш ўтказиш йўли билан назорат қилиб борилди.

2019 йил давомида жами 25 та нобанк кредит ташкилоти, жумладан, 10 та микрокредит ташкилоти ва 15 та ломбард фаолияти жойида текширишдан ўтказилди.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, фаолиятида қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Марказий банкнинг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган 4 та микрокредит ташкилоти ва 1 та ломбардга нисбатан жами 90,1 млн. сўм микдордаги жарима санкциялари қўлланилди.

Шунингдек, 1 та микрокредит ташкилотига нисбатан актив операцияларини фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этилгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш юзасидан санкция чоралари қўлланилди.

Шу билан бирга, 5 та микрокредит ташкилоти ва 14 та ломбардлар ижро органларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма хатлар юборилди.

3.4.3. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати

Марказий банк томонидан ҳисобот йили давомида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюrolари томонидан ички назорат қоидаларининг бажарилиши ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиб борилиши устидан мониторинг ҳамда назоратни таъминлаш чоралари кўриб борилди.

Бу борада асосий эътибор соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро меъёрларга мувофиқлаштирилишини таъминлаш, тижорат банклари фаолиятида соҳага оид таваккалчиликларни тизимли равишда ўрганиш ва аниқлаш жараёнини ҳамда назоратни амалга оширишда таваккалчиликка асосланган ёндашувни илғор халқаро тажрибалар ва тавсиялар асосида такомиллаштириш, шунингдек, банк тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг ишлаш самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилди.

Хусусан, ҳисобот йилида Молиявий чораларни қўллаш бўйича махсус гуруҳ (FATF) тавсияларидан келиб чиқиб, махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда кредит ташкилотларида соҳага оид фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, **“Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”**даги мижозларни лозим даражада текшириш, таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш бўйича талаблар янгиланди.

Шунингдек, **“Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”**га мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда **учинчи томонга ишониш**, мижоз - жисмоний шахсларни биометрик маълумотлар асосида идентификация қилиш бўйича тегишли талаблар киритилди.

2019 йилда Марказий банк томонидан назорат вазифаларини амалга ошириш доирасида 21 та тижорат банкида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказилди. Ўтказилган текширувлар натижалари бўйича тижорат банкларига нисбатан жами 2,4 млрд. сўм миқдориди жарима чоралари қўлланилди.

Валюта амалиётларининг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан эса 22 та тижорат банкида текширувлар ўтказилиб, жами 2,9 млрд. сўм миқдориди жарима чоралари қўлланилди.

2020 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳининг халқаро экспертлари томонидан соҳа бўйича республикада олиб борилаётган ишларни “Ўзаро баҳолаш”дан ўтказилиши режалаштирилган.

Шу муносабат билан, 2019 йилда “Ўзаро баҳолаш” жараёни олдида Марказий банк томонидан махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда 2016-2018 йиллар маълумотлари таҳлили асосида банк ва нобанк кредит ташкилотлари тизимидаги соҳага оид таваккалчиликлар баҳоланди.

Баҳолаш натижалари бўйича Марказий банк томонидан банк ва нобанк кредит ташкилотлари секторларидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликлар (рисклар) тўғрисида ҳисобот тайёрланиб, умумлаштириш учун махсус ваколатли давлат органига тақдим этилди. Бунда мамлакатдаги соҳага оид таваккалчиликларни миллий баҳолаш бўйича ҳисоботни тузишда Марказий банкнинг банк ва нобанк кредит ташкилотлари секторларига оид таваккалчиликларни (рискларни) баҳолаш натижалари тўлиқлигича инобатга олинди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 январдаги 16-сонли қарорига мувофиқ, “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битим”дан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш чоралари ҳам кўрилди.

Жумладан, Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи Котибиятининг таклифига асосан Марказий банкнинг 1 нафар ходими Беларусь Республикасининг соҳага оид тизими халқаро баҳолашдан ўтказилишида эксперт-баҳоловчи сифатида иштирок этди.

Марказий банк масъул ходимлари Евросиё гуруҳининг 2019 йилнинг май ойида Россия Федерациясининг Москва шаҳрида ҳамда ноябрь ойида Туркменистон Республикасининг Ашхобод шаҳрида ўтказилган ялпи йиғилишларида, FATFнинг октябрь ойида Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган ялпи йиғилишида, Россия Федерациясининг Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-методик Маркази томонидан видео-конференц алоқа орқали ташкил этилган ўқув семинарларида ҳамда Евроосиё гуруҳи томонидан ташкил этилаётган малака оширишга доир семинар-тренингларида иштирок этди.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари талаблари ижросининг самарали назоратини таъминлаш, соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти юзасидан батафсил тушунтиришлар бериш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Тошкент Молия институти, Микромолиявий ташкилотлар ассоциацияси ҳамда махсус ваколатли давлат органи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда махсус семинарлар ташкил қилинди. 2019 йил давомида юқорида қайд этилган тадбирларда жами 95 нафар мутахассис соҳага оид билимларини оширди.

Тошкент Молия институти томонидан ташкил этилган соҳага оид семинарларда тижорат банкларининг 559 нафар мутахассиси иштирок этиб, ўз малакасини оширди.

Марказий банк томонидан тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида 2020 йилда:

тўлов ташкилотлари ва тўлов тизимининг операторлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини ишлаб чиқиш;

тижорат банклари ҳамда нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг ишлаш самарадорлигини мунтазам мониторинг қилиб бориш, шунингдек, соҳага оид таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш бўйича тегишли чораларни кўриб бориш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий

хужжатларни соҳага оид халқаро стандартлардаги ўзгаришлар, шунингдек, аниқланаётган таваккалчиликлардан келиб чиқиб такомиллаштириб бориш;

Евросиё гуруҳи томонидан ўтказиладиган “Ўзаро баҳолаш”га тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгилаб олинган.

3.5. Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот -коммуникация технологияларини ривожлантириш

2019 йил мобайнида Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган миллий тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш ва ривожлантириш йўналиши доирасида унинг институционал, инфратузилмавий ва меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш борасидаги ишлар тизимли равишда давом эттирилди.

Бунда замонавий банк хизматлари кўламини молиявий технологиялар асосида янада кенгайтириш, банк тизими инфратузилмасини илғор ахборот технологиялари асосида ривожлантириш ҳамда тўлов тизими ва банк ахборот тизимларининг кечаю кундуз режимида узлуксиз ишлашини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда республикада халқаро андозалар доирасида 3 турдаги тўлов тизимларидан – банклараро тўлов тизими, банкларнинг ички тўлов тизими ва чакана тўлов тизимидан иборат ягона электрон тўловлар тизими фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тўлов тизимлари иқтисодиётдаги тўлов ва ҳисоб-китобларнинг асосий қисмини ташкил этувчи нақд пулсиз шаклдаги транзакцияларнинг реал вақт режимида ва барқарор равишда оширилишини таъминлаб келмоқда.

Хусусан, банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги электрон (нақд пулсиз) тўловларни банкларнинг Марказий банкда очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширишга, банкларнинг ички тўлов тизими эса банк филиаллари ва мижозлари ўртасида электрон тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Чакана тўловлар тизими, ўз навбатида, банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари орқали аҳолининг нақд пулсиз тўловларини амалга оширишни таъминлайди.


3.5.1. Банклараро электрон тўлов тизими ривожланиши

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими иқтисодиётдаги ҳисоб-китобларнинг асосий қисмини ташкил этувчи банклар ва уларнинг мижозлари ҳисобланган хўжалик субъектларининг нақд пулсиз тўлов ва ҳисоб-китобларини амалга оширишга мўлжалланган бўлиб, 2019 йил давомида мазкур тўлов тизимининг самарали ва барқарор ишлаши таъминланди.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2018 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 1 126,9 трлн. сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, амалга оширилган транзакциялар сони 74,7 млн. тадан 70,2 млн. тагача камайди.


3.5.1.1-чизма

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2017-2019 йилларда амалга оширилган транзакциялар суммаси, трлн. сўмда



3.5.1.2-чизма

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2017-2019 йилларда амалга оширилган транзакциялар сони, млн. тада



Шунингдек, ҳисобот даврида банклараро тўлов тизими орқали хизмат кўрсатилган тўлов ҳужжатлари сони ҳам 5,9 фоизга камайган. Мазкур тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони бўйича кўрсаткичларнинг бундай камайиши аҳоли чакана тўловларининг Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали амалга ошириш кўламининг ортиши билан изоҳланади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2019 йилда амалга оширилган транзакцияларнинг тўлов ҳужжатлари кесимидаги таркибида тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилган транзакциялар сони **40,8 млн.** тани (жами транзакциялар сонидagi улуши **58** фоиз) ва транзакциялар суммаси эса **749,2 трлн. сўмни** (жами транзакциялар суммасининг **66,5** фоизи), мемориал ордерлар асосида амалга оширилган транзакциялар сони **20,4 млн.** тани (**29** фоиз) ва транзакциялар суммаси **371,5 трлн. сўмни** (**33** фоиз), инкассо топшириқномалари асосида амалга оширилган транзакциялар сони **8,7 млн.** тани (**12,3** фоиз) ва транзакциялар суммаси **5,4 трлн. сўмни** (**0,5** фоиз) ташкил этди.

3.5.1.3-чизма

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2019 йил давомида тўлов ҳужжатлари бўйича амалга оширилган транзакциялар суммаси



2019 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими жами 265 банк иш куни фаолият юритган бўлиб, ўртача кунлик транзакциялар сони **265,1 мингтани**, ўртача кунлик транзакциялар суммаси эса **4.3 трлн. сўмни** ташкил этди.

Ҳисобот йили давомида мазкур тўлов тизимини илғор халқаро тажриба, замонавий талаб ва андозаларга мувофиқ янада ривожлантириш мақсадида:

хўжалик субъектларининг тўловларини туну кун (24/7) режимида ўтказилишига шарт-шароит яратиш мақсадида 2019 йил давомида Марказий банк ҳузурида халқаро талабларга мос келадиган Маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш бўйича кенг қамровли тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан, тегишли капитал қурилиш ишлари амалга оширилиб, зарур ахборот тизими қурилмалари (серверлар, телекоммуникация ускуналари ва бошқа техник жиҳозлар) олиб келинди ҳамда тегишли дастурий таъминотни яратиш бўйича ишлар якунланди;

тўловларнинг 24/7 режимида ўтказилишини таъминловчи янги “Тезкор тўловлар тизими”ни жорий қилиш юзасидан пилот лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.

Мазкур “Тезкор тўловлар тизими”нинг 2020 йилнинг I ярим йиллигида тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилаётган бўлиб, бунинг натижасида корхона ва ташкилотлар ҳам худди аҳоли каби ўз тўловларини туну кун реал вақт режимида, яъни тижорат банклари филиал ва шахобчалари иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

3.5.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими фаолияти кўрсаткичлари

Аҳоли ҳамда улардан тўловларни қабул қилиб олувчилар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш мақсадида яратилган Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари ва бошқа хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратмоқда.

Клиринг тизимида мижозлар дам олиш кунларисиз кечаю кундуз (24/7) реал вақт режимида банк филиали ва шахобчаларига бормасдан банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари, тижорат банклари томонидан яратилган мобил иловалар ва банк инфокиосклари ҳамда банкоматлари орқали тўловларни амалга оширмоқда.

2019 йилда Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ғазначилиги, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари маркази, Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ахборот тизимлари, шунингдек, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Сувсоз” ДУК ва бошқа коммунал ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган


бўлиб, 30 дан ортиқ хизматлар бўйича тўловларнинг мазкур клиринг тизими орқали реал вақт режимида амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, аҳолининг банк карталари орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини янада кенгайтириш, банк карталари оммабоплигини ошириш ҳамда тўловларни амалга оширишда аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилаётган транзакциялар ҳажми ошишига хизмат қилмоқда.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми сўнгги икки йил мобайнида кетма-кет 2 баробарга, шу жумладан, 2019 йилда 2018 йилдаги 10,2 трлн. сўмдан 20 трлн. сўмгача ошди.

3.5.2.1-чизма


Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси, млрд. сўмда



Жумладан, ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали 2019 йил мобайнида амалга оширилган транзакцияларнинг **25,7** фоизи аҳолининг бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларга (мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқалар) тўловлари, **22** фоизи автомобиль харид қилиш учун тўловлар, **9,9** фоизи электр энергияси учун тўловлар, **9,2** фоизи табиий газ учун тўловлар, **6,4** фоизи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, **5,5** фоизи нотариус ва ФХДЁ тўловлари, **4,3** фоизи йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима тўловлари, **3,6** фоизи божхона тўловлари, **3,5** фоизи Давлат хизматлари марказларига тўловлар, **1,8** фоизи иссиқлик қуввати учун тўловлар ҳамда қолган **8,1** фоизи бошқа тўловлар ҳиссасига тўғри келган.

3.5.2.2-чизма

**Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали
2019 йилда амалга оширилган тўловлар таркиби, фоизда**



Шу билан бирга, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими республикада фаолият юритаётган чакана тўлов тизимларининг банк карталари орқали ўтказилган транзакциялари натижаси бўйича клиринг амалиётларини бажариш бўйича “Ҳисоб-китоб банки” вазифасини ҳам амалга ошириб келмоқда.

3.5.3. Чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар

Ҳисобот йилида чакана тўлов тизимини, шу жумладан, унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тегишли ишлар фаол давом эттирилди.

Бу борада амалга оширилган энг муҳим ишлардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3945-сонли қарорига асосан ташкил этилган Миллий банклараро процессинг маркази ва “Нимо” тўлов тизимининг 2019 йилнинг апрель ойидан бошлаб ишга туширилиши бўлди.

Мазкур чакана тўлов тизимининг ишга туширилиши банк карталарига асосланган чакана тўлов хизматларини кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитининг шаклланишига, иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламининг сезиларли даражада ошишига ҳамда банк карталарига

асосланган чакана тўлов тизимлари фаолияти билан боғлиқ хатарларнинг камайишига хизмат қилмоқда.

2019 йил давомида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудларида “Нумо” тўлов тизимида ишловчи 1 650 донадан ортиқ банкоматлар ҳамда қарийб 178 минг дона терминаллар ўрнатилиши таъминланди.

Тижорат банклари томонидан 2019 йилнинг якуни бўйича жами 2,5 млн. дан зиёд “Нумо” тўлов тизими банк карталари муомалага чиқарилган бўлиб, ушбу банк карталарига 512 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар кирим қилинди.

“Нумо” тизими банкоматлари тармоғида 2019 йилнинг август ойидан **VISA халқаро банк карталарига**, октябрь ойидан бошлаб эса **Mastercard халқаро банк карталарига** хизмат кўрсатиш амалиётлари жорий этилди. Шунингдек, “Нумо” тизими терминаллари тармоғида 2019 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Mastercard ва VISA халқаро банк карталарига хизмат кўрсатиш амалиётлари жорий қилинди.

Бу эса ўз навбатида, мамлакат аҳолиси, чет эллик меҳмонлар ва сайёҳлар учун ўзининг халқаро банк карталари (Mastercard ва Visa) орқали мамлакатимиз ҳудудида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги терминаллар орқали тўғридан-тўғри, ҳеч қандай валюта айирбошлаш операцияларисиз, тўловларни амалга ошириш имкониятини яратмоқда.

“Нумо” тўлов тизимининг ишга туширилиши аҳоли учун бугунги кунда оммабоплиги жадал ошиб бораётган “контактсиз” тўловларни амалга оширишга кенг имкониятлар яратмоқда.

Жумладан, ҳисобот йилида “Нумо” тўлов тизими имкониятларидан жамоат транспортида тўловларни амалга оширишда фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Тошкент шаҳри метрополитенида йўл ҳақини тўлашнинг “контактсиз” тизими жорий қилинди.

Натижада Тошкент шаҳри ҳудудида аҳоли учун метрополитен хизматидан фойдаланишда ўз “Нумо” тўлов тизими банк карталарини ёки ушбу банк карталарига уланган қўл тасмалари ва стикерларни метрополитенга киришдаги махсус қурилмаларга теккизиш орқали аниқ вақт режимида тўловларни амалга оширишлари учун шароит яратилди.


Бундай “контактсиз” тўлов технологияларини келгусида республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги жамоат транспорти тизимларида, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ҳам жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

2019 йил якуни бўйича муомалага чиқарилган банк карталари умумий сони (“Нуро” тизими банк карталари билан бирга) 16 фоизга кўпайиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 20,5 млн. донага етди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сони 1,6 баробарга ошиб, 392,4 мингтага, банкомат ва инфокиосклар сони эса қарийб 1,3 баробарга кўпайиб, 9,2 мингтага етди.


3.5.3.1-чизма

Ўзбекистон Республикасида тўлов терминаллари сони



3.5.3.2-чизма

Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони



Чакана тўлов тизимларининг ривожланиши натижасида, 2019 йил якуни бўйича миллий валютада банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси 2018 йилга нисбатан қарийб 1,2 баробарга ўсиб, 71 трлн. сўмни ташкил қилди.

2019 йил давомида миллий валютадаги иккита чакана (“Humo” ҳамда “Uzcard”) тўлов тизимларининг Visa, Mastercard, China Union pay ҳамда Мир халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси самарали амалга оширилди. Бу эса, ушбу йирик тўлов тизимлари карталаридан фойдаланувчилар, яъни мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар, меҳмонлар, қолаверса, инвесторлар учун кенг шарт-шароитлар яратган ҳолда “Humo” ҳамда “Uzcard” тўлов инфратузилмаси (банкоматлар ва тўлов терминаллари тармоғи) орқали миллий валютада тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

Ушбу халқаро тўлов тизимлари карталаридан фойдаланувчилар томонидан 2019 йил мобайнида бир ойда ўртача 40,1 млрд. сўмлик (*ўртача 4,2 млн. АҚШ доллари эквивалентда*) тўловлар миллий тўлов инфратузилмаси орқали амалга оширилган.

Мамлакатимиз миллий банк карталари тизимининг ривожланиши, халқаро тўлов карталари тизимлари билан интеграциялашуви нафақат республика бўйича ички тўлов транзакцияларнинг, балки ташқи тўлов транзакцияларнинг узлуксиз амалга оширилишини ҳамда миллий картага асосланган инновацион хизматларнинг кенг жорий этилишини таъминлайдиган банк карталари бўйича операцияларни қайта ишлашнинг миллий инфратузилмаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ҳисобот йилида чакана тўлов тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар билан бир қаторда, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини, халқаро меъёр ва қоидаларни чуқур ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқилди.

Ушбу Қонун тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасида ягона ахборот ва ҳуқуқий муҳитни яратиш, Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозорини, тўлов тизимларининг фаолият юритишини, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини кўрсатувчиларнинг фаолиятини самарали тартибга солиш, тўлов хизматларининг оммабоплиги ва шаффофлигини ошириш, шунингдек, электрон пуллар соҳасидаги муносабатларни ва электрон пуллар тизими иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этишда меъёрий-ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилади.

3.5.4. Масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг ривожланиши

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан миллий тўлов тизимини ривожлантириш ва молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш йўналишидаги ишлар доирасида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтиришга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш давом эттирилмоқда.

2019 йилда бу борадаги ишлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йиллар даврида рақамли банк хизматларини ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилди.

Жумладан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига таклиф қилинаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган интернет-банкнинг, смс-банкнинг ва мобил-банкнинг каби қулай масофавий банк хизматлари турларини кенгайтиришга ҳамда бундай хизматлар оммабоплигини сезиларли даражада оширишга эришилди.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банклари томонидан мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда.


Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди.

Бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида юқоридаги хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони 2020 йил 1 январь ҳолатига қарийб **10,2 млн.** тани ташкил қилган бўлиб, ҳисобот йили

давомида **1,3** баробарга кўпайган. Уларнинг **9,5 млн.** тасини ёки **93** фоизини (2018 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўпайган) жисмоний шахслар ташкил этади.

3.5.4.1-чизма

Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони



Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар умумий сони эса 2019 йилда 1,9 баробарга кўпайган ҳолда 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 691 мингтага етган.

Бу эса, банкларда ўз ҳисобварақларига эга бўлган республикамизда фаолият юритувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкка ташриф буюрмаган ҳолда масофадан туриб ўз ҳисобварақларини бошқариши ҳамда тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

3.6. Нақд пул муомаласини ташкил этиш

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги даврида республикадаги нақд пул муомаласи тизими пул ва валюта бозорлари ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиш инфратузилмасининг ривожланиб бориши билан уйғунликда такомиллаштириб борилмоқда ҳамда нақд пул оқимини бошқаришда янги ва мақбул механизмлар босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бунда нақд пулларни банк кассаларига топшириш (инкассация қилиш) усулларини эркинлаштириш ва мақбуллаштириш, мижозларга нақд пул беришда банк хизматларини қулайлаштириш, нақд пуллар қаторини

оптималлаштириш борасидаги амалга оширилган ишлар банклар орқали нақд пул айланмасининг ошиб боришига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, 2018-2019 йиллар давомида тизимдаги ўзгаришлар натижасида нақд пулларнинг банклар орқали айланиши 2019 йилда **287,1 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан **3,4** баробарга ва 2018 йилга нисбатан **1,7** баробарга ошди.

3.6.1. Нақд пул тушуми динамикаси ва унинг таркибий ўзгариши


2019 йил давомида банклар кассаларига келиб тушган нақд пуллар ҳажми 2018 йилга нисбатан **71,6** фоизга ортиб, **142,6 трлн. сўмни** ташкил қилди.

Хусусан, ҳисобот йилида банк кассаларига товарлар сотишдан тушган нақд пуллар ҳажми 63,0 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушумлар 36,8 фоизга, аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар ҳажми 33,6 фоизга, банк хизматлари (кредит, нақд валюта сотиш ва конверсия операциялари) бўйича тушумлар 3,5 баробарга, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар 82,6 фоизга кўпайди.

Банк кассаларига тушган жами нақд пул тушумларининг манбалар бўйича таркибида чакана савдо тушуми улуши 42,6 фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушум – 10,5 фоизни, аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар – 9,3 фоизни, банк хизматлари бўйича тушум – 11,8 фоизни, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар – 25,8 фоизни ташкил этди.

3.6.1.1-чизма

Жами нақд пул тушумида манбаларнинг улуши, *фоизда*



2019 йил давомида ҳам нақд пул тушумини банк кассаларига топшириш даражасининг доимий равишда ошиб бориши кузатилди. Банк кассаларига кирим қилинган нақд пулларнинг муомаладаги нақд пуллар ҳажмига нисбатан улуши 2018 йилдаги 31,7 фоиздан 46,6 фоизгача (жумладан, декабрь ойида 60,4 фоизгача) ошди.

Бунда муомалага чиқарилган пулларнинг қайтувчанлик коэффиценти 2018 йилда – 97 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 98,7 фоизгача кўтарилди ва банк кассаларидан амалга оширилган нақд пулдаги чиқимлар деярли банк кассаларига қабул қилинган нақд пуллар ҳисобидан амалга оширилди.


3.6.2. Нақд пул чиқими динамикаси ва унинг таркибий ўзгариши

Аввалги даврда кузатилган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кўплаб ноқулайликлар ва сарсонгарчиликларни келтириб чиқарган нақд пулларни ечиш ва улардан фойдаланиш борасидаги муаммоларга барҳам берилаётганлиги нақд пул муомаласини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳим натижаси ҳисобланади.

2019 йил давомида банк кассаларига нақд пул тушумини топшириш ҳажмининг ошиши билан бир қаторда, нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ҳам 2018 йилга нисбатан 68,4 фоизга ошиб, 144,5 трлн. сўмни ташкил этди. 2018 йилда нақд пулга талаб асосан пенсия, нафақа (22,7 фоиз) ва иш ҳақи (24,4 фоиз) тўловлари ҳисобига шаклланган бўлса, ҳисобот йилида нақд пул чиқими таркибида банк карталаридан нақд пул ечиш ва аҳолидан чет эл валютасини сотиб олиш операциялари салмоқли улушга эга бўлди.

3.6.2.1-чизма

Нақд пул чиқимларининг мақсадлари бўйича йўналишлари, фоизда



Хусусан, 2019 йил якуни бўйича банк карталаридан ечилган нақд пулларнинг жами нақд пул чиқимидаги улуши 11,0 фоиз бандга ошиб, 25,3 фоизни ташкил этди.

3.6.3. Банк карталарига келиб тушган маблағларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси ва унинг таркибий ўзгариши


Ҳисобот йилида банк карталарига келиб тушган маблағлар миқдори 2018 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошиб, 112,7 трлн. сўмни ташкил қилди. Мазкур маблағларнинг **36,6 трлн. сўми** ёки **32,4** фоизи нақд шаклда ечиб олинган бўлиб, нақдлаштириш даражаси 2018 йилдаги **17,4** фоизга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Банк карталаридаги маблағларни нақдлаштиришнинг бундай ошиши 2019 йилда аҳолига бевосита яшаб турган ҳудудда аҳоли гавжум жойларга ўрнатилаётган банкоматлар тармоғини кенгайтириш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар билан изоҳланади.

Хусусан, ҳисобот йилида банк карталаридан ечиб олинган нақд пулларнинг асосий қисми ёки 68,6 фоизи (2018 йилда 40,0 фоизи) банкоматлар ҳиссасига тўғри келди.

3.6.3.1-чизма

Банк карталарига келиб тушган маблағларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси, млрд. сўмда




Банк карталаридаги маблағларни нақдлаштиришнинг кўпайиши ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётдаги нақд пул муомаласини эркинлаштириш даври учун табиий ҳолат бўлиб, аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида яратилаётган янги шароитларга тўлиқ

мослашиши ҳамда банк карталарига асосланган тўлов хизматлари ривожланиши ва оммабоплиги ошиши ҳисобига келгусида нақдлаштириш даражасининг пасайиб бориши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, ҳисобот йилида нақд пул чиқимининг кескин ошиб кетишига тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шахобчалари орқали чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олиш операциялари кўламининг кенгайиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ушбу мақсадларга йўналтирилган нақд пул ҳажми 2018 йилга нисбатан 11,3 трлн. сўмга кўпайди.

3.6.3.2-чизма

Аҳолидан хорижий валюталарни сотиб олишга банк кассаларидан қилинган чиқимлар миқдори, млрд. сўмда



Тижорат банклари томонидан аҳолидан сотиб олинган хорижий валюта ҳажмининг 2018 йилга нисбатан 1,4 баробарга (2 695 млн. АҚШ долларидан 3 804 млн. АҚШ долларигача) ўсиши кузатилди.


3.6.4. Муомаладаги нақд пул ҳажмининг динамикаси ва унинг ўзгариши

Юқоридаги омиллар таъсирида ҳисобот йили давомида муомаладаги нақд пуллар ҳажми ўзгарувчан динамикага эга бўлди. Жумладан, муомаладаги нақд пуллар ҳажми 2019 йилнинг январь-март ойларида мавсумий омиллар таъсирида камайиб бориш тенденциясига эга бўлган бўлса, апрель-сентябрь ойлари мобайнида ўсиб борди ҳамда йил охирига келиб яна камайиш тенденциялари кузатилди.

Муомаладаги нақд пуллар ҳажми 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 24,2 трлн. сўмни ташкил қилган бўлиб, унинг йиллик ўсиш суръати 2018 йилдаги 14 фоиздан 9,4 фоизгача секинлашди ва умумий пул массасидаги улуши 27,6 фоиздан 26,6 фоизгача пасайди.

3.6.4.1-чизма

2019 йил давомида муомаладаги нақд пул ҳажмининг ўзгариши, трлн. сўмда



Мазкур ижобий тенденция нақд пул ва нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда янги инструментлар ва механизмларнинг жорий этилаётганлиги натижасида муомаладаги нақд пулларнинг банк тизими орқали айланиши кўламнинг сезиларли ошиши билан изоҳланади.

Ўз навбатида, банкларда нақд пуллар билан ишлаш (санаш, саралаш, ўраб-боғлаш) жараёнларига инновацион технологияларнинг қўлланаётганлиги, банклар томонидан чакана амалиётлар (универсал) кассаларининг ташкил этилаётганлиги, янги инкассация қилиш механизмлари (АДМ - автоматлаштирилган депозит машиналари орқали)ни жорий этилаётганлиги ҳам нақд пулларни бошқаришда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

3.6.5. Муомаладаги нақд пуллар қаторининг оптималлаштирилиши ва унинг натижалари

2019 йилда йилда нақд пулдаги ҳисоб-китобларни ва тўловларни амалга оширишда қулайликлар яратиш, нақд пуллар билан ишлаш жараёнларини осонлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан нақд пулларнинг номинал қаторини оптималлаштириш борасида ҳам тегишли ишлар олиб борилди.

Бунда асосий эътибор, муомалада бўлган кичик қийматдаги банкнотларнинг ҳисоб-китоблардаги ноқулайликларни ва ортиқча харажатларни камайтириш мақсадида уларни муомаладан босқичма-босқич


қайтариб олиш ва ўрнини йирик қийматдаги (10 000 сўмлик ва ундан катта номиналдаги банкнотлар) банкнотлар билан тўлдиришга қаратилди.

Хусусан, ҳисобот йили давомида жами 1,4 трлн. сўмдан зиёд 500 сўмгача ва 1 000 сўмлик, жами номинал қиймати 340 млрд. сўм миқдоридagi 5 000 сўмлик банкнотлар муомаладан чиқариб олинди.

Шунингдек, 2019 йилда 100 000 (юз минг) сўмлик банкнотни муомалага киритилиши нақд пулларнинг таркибий тузилишида кескин ўзгаришларга ва **муомаладаги банкнотлар сонининг 2017 йилга нисбатан 53** фоизга ва 2018 йилга нисбатан **38** фоизга камайишига олиб келди ҳамда нақд пулдаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулайликларни таъминлашга асос бўлди.

3.6.5.1-чизма

2019 йил давомида муомаладаги нақд пулларнинг сони бўйича таркибий ўзгариши, фоизда



Банкнотларнинг сони жиҳатидан таркибий тузилишидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, муомаладаги нақд пул миқдорининг (қийматининг) банкнотлар кесимидаги тузилмасида ҳам тегишли ўзгаришларга сабаб бўлди.

Хусусан, ҳисобот йили давомида 10 000, 50 000 ва 100 000 сўмлик банкнотларнинг кўпроқ муомалага чиқарилиши ҳисобига муомаладаги нақд пул миқдори (қиймати) таркибида 100 сўмдан 5 000 сўмгача банкнот ва тангаларнинг умумий улуши 42,7 фоиздан 27,2 фоизгача камайган бўлса, 10 000, 50 000 ва 100 000 сўмлик банкнотлар умумий улуши эса 72,8 фоизга етди.

2019 йилда 20,8 млрд. сўм миқдоридagi янги намунадаги 50, 100, 200 ва 500 сўмлик тангалар муомалага чиқарилган бўлиб, йил охирига келиб уларнинг муомаладаги нақд пул ҳажмидаги (қийматидаги) улуши 0,08 фоизни ташкил этди. Бунда тангаларнинг улуши 0,05 фоиз бандга кўпайганлиги нақд пулли ҳисоб-китобларда уларнинг ўрни ҳам ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Муомаладаги нақд пулларнинг номинал таркибини оптималлаштириб борилиши натижасида **ўртача 1 кишига тўғри келадиган муомаладаги банкнотлар сони** 2017 йилдаги **232** тадан ва 2018 йилдаги **174** тадан **105** тагача қисқарди. Бу эса ўз навбатида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун нақд пуллар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда янада қулай шарт-шароитларни яратмоқда.

Марказий банкнинг ушбу йўналишдаги вазифаларидан яна бири банкнот ва тангалар сифатини яхшилаш ҳамда замонавий ҳимоя элементларини татбиқ этишга қаратилган бўлиб, мазкур тадбирларни амалга ошириш мақсадида “Давлат белгиси” ДУКнинг ишлаб чиқариш фаолияти тубдан модернизация қилинмоқда ва замонавий инновацион технологиялар жорий этилмоқда.

Шунингдек, банк мижозларининг нақд пул тушумларини инкассация қилиш хизматларини мақбуллаштириш ва такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил сўнгида қабул қилган Фармони талабларини 2019 йилда босқичма-босқич амалга ошириб борилиши натижасида ҳисобот йилида 2017 йилга нисбатан инкассация хизмати орқали ташиб келинган пул миқдори **74 фоизга** ошгани ҳолда, банкларнинг ушбу хизмат бўйича харажатлари нисбатан пастроқ суръатларда (21 фоизга) кўпайиб, 2018 йилга нисбатан эса 6 фоизга камайди.

Хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулларини ўзлари исталган усулда, яъни мустақил равишда ёки инкассация орқали даврийлик асосида топшириш механизмининг жорий этилганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулларини инкассация қилиш харажатларини қисқаришига олиб келди.

Ушбу тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши инкассация хизматини оптимал тарзда фаолият юритишига, келгусида инкассация хизматларини эркинлаштиришга ва хизмат ҳақи тўланишини бозор механизмлари асосида амалга оширишга замин яратади.

Нақд пул муомаласини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжининг ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаб борилиши уларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, нақд пул маблағларининг

банкларда сақланишини ва ҳисоб-китобларнинг банк тизими орқали амалга оширилишини рағбатлантирмоқда.

Келгусида Марказий банк нақд пул муомаласини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни давом эттирган ҳолда:

инкассация хизмати фаолиятини эркинлаштириш ва тижорат банклари томонидан инкассация хизматини ташкил этиш;

банкнотларнинг сифатини ошириш, дизайнини такомиллаштириш ва замонавий ҳимоя элементларини татбиқ этиш;

мижозларга касса хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида чакана амалиётлар кассалари тармоғини кенгайтириш;

тижорат банкларининг нақд пуллар билан ишлаш операцияларини аутсорсинг хизматлари орқали амалга ошириш ҳамда нақд пуллар билан ишлаш (*санаш, саралаш, ташиш*) жараёнларини оптималлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

3.7. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш

Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш амалиётини такомиллаштириш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 8 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, банк хизматлари кўрсатишда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароитлар яратиш ҳамда банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш мақсадида **“Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”**ги йўриқномага (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб:

таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларини масофадан туриб очиш имконияти яратилди;

ҳисобварақ очиш бўйича стандарт ариза шакли бекор қилиниб, ариза шакли тижорат банклари томонидан белгиланадиган бўлди.

Шунингдек, банк хизматлари оммабоплигини ошириш мақсадида *“Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”*ги йўриқномага (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб:

банк филиали биносидан ташқарида жойлашган ва Марказий банкнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг алоҳида таркибий тузилмаси – “Банк хизматлари офиси” тушунчаси киритилди;

банк хизматлари офисларини, фақат филиал мавжуд бўлган ҳудудда очиш бўйича чеклов бекор қилиниб, банк хизматлари офисларини очиш тартиби енгиллаштирилди;

банк хизматлари офисларида, тўловларнинг ўтказилиши ва йиғма жилдларнинг шакллантирилиши бўйича умумий талаб доирасида нормаларнинг тижорат банклари томонидан белгиланиши жорий қилинди;

дастурий шакллантириладиган тўлов ҳужжатларини қоғозга чоп этмасдан, рўйхат кўринишида чоп этиш имконияти берилди.

Автоматлаштирилган ва янги замонавий банк хизматларининг жорий этилиши муносабати билан *“Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари”*га (рўйхат рақами 1602, 2006 йил 24 июль) автоматлаштирилган депозит машинаси орқали нақд пул маблағларини қабул қилиш ва тўловларни амалга оширишнинг бухгалтерия ёзувлари бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

3.8. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш

Ҳисобот йилида Марказий банкдаги пул-кредит ва молиявий статистикани юритиш амалиётини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш ҳамда эълон қилинадиган статистик маълумотлар турлари ва кўламини янада кенгайтириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, 2019 йилнинг июль - август ойларида Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) пул-кредит ва молиявий статистика бўйича техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда пул-кредит статистикасининг асосий шарҳларининг (“Марказий банк шарҳи”, “Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи”) халқаро стандартларга мос келувчи кенгайтирилган шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу шарҳларда акс этириладиган маълумотлар сифатини ошириш бўйича ишлар якунига етказилди.

Мазкур янги кенгайтирилган шаклдаги шарҳларнинг Марказий банкнинг расмий сайтида, шунингдек, ХВЖнинг кенгайтирилган маълумотларини тарқатишнинг умумий тизимида (к-МТУТ) эълон қилиниши йўлга қўйилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси бўйича статистик маълумотлар очиқлигини ва тарқатиш кўламини янада ошириш йўналишидаги ишлар доирасида ХВЖнинг асосий ахборот-статистик маълумотлар тармоғи – **“Халқаро Молиявий Статистика”** тизимида Ўзбекистон Республикаси саҳифасини очиш ишлари ҳам якунига етказилиб, 2020 йилнинг январь ойидан бошлаб мазкур тизимда Ўзбекистоннинг кенг кўламдаги иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва бошқа статистик маълумотлари жойлаштириб борилмоқда.

Мазкур ахборот-статистик маълумотлар тизимида ХВЖга аъзо 200 га яқин мамлакатларнинг саҳифалари очилган бўлиб, уларда жойлаштирилган маълумотлар мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни таҳлил қилишда халқаро экспертлар, молиявий институтлар ҳамда инвесторлар томонидан фойдаланиладиган муҳим манба ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сонли қарори ижросини таъминлаш борасидаги ишлар доирасида Марказий банк томонидан Жаҳон банкининг **“Жаҳон ривожланиш индикаторлари”** халқаро маълумотлар базасидаги кўрсаткичлар рўйхати асосида шакллантирилган статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикасининг **“Очиқ маълумотлар портали”**да эълон қилиб бориш йўлга қўйилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси бўйича молиявий статистика қамрови тўлиқлигини таъминлаш мақсадида республикада фаолият юритаётган банк бўлмаган молиявий ташкилотлар, яъни лизинг ва суғурта ташкилотлари, нобанк кредит ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолияти бўйича статистик маълумотларни акс эттирувчи янги шарҳ – **“Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”**ни шакллантириш ва эълон қилиб боришни йўлга қўйиш юзасидан тегишли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, мазкур шарҳни шакллантириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда зарур тушунтиришлар бериш мақсадида лизинг, суғурта ва бошқа тегишли ташкилотлар масъул ходимлари учун даврий семинар-тренинглари ташкил этилмоқда.

Янги шарҳни шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш мақсадида **“Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳини шакллантириш бўйича статистик ҳисоботларни юритиш қоидалари”** лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда келишган ҳолда 2020 йилнинг I чорагида Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур янги шарҳни шакллантириш ва эълон қилиб боришни 2020 йилнинг I ярим йиллигидан бошлаб йўлга қўйилиши Ўзбекистон молия тизими фаолияти шаффофлиги ва очиқлигини янада оширишга ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий инвесторлар ва умуман кенг жамоатчиликни республика банк-молия тизими ривожланиш ҳолати бўйича тўлиқ ва кенг қамровли статистик маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан тижорат банкларида статистик ҳисоботларни шакллантириш ва юритишга масъул бўлган ходимларнинг билим ва кўникмаларини доимий равишда оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада 2019 йилда **“Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидалари”**да кўзда тутилган талаб ва меъёрларни тижорат банкларининг масъул ходимларига батафсил тушунтириш юзасидан даврий ўқув-семинарлар ўтказилди.

3.9. Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги даврида Марказий банк томонидан нархлар, банк ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ижроси ушбу йўналишлардаги мавжуд долзарб масалаларни чуқур таҳлил қилиш, замонавий эконометрик ёндашувларни қўллаган ҳолда моделлаштириш ҳамда тегишли тадқиқотларни ўтказиш асосида амалга оширилишини тақозо қилади.

Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, 2019 йилда Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, бу борада республикадаги етакчи олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари, шу жумладан, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети, Тошкент молия институти, Банк-молия академияси ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджет-солиқ тадқиқотлар институти билан ҳамкорлик ўрнатилиб, Марказий банк фаолиятига оид катор долзарб масалалар бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Мазкур тадбир доирасида Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш омиллари таҳлили, молиявий хизматлар оммабоплик даражасини ўрганиш ва уни ошириш масалалари ҳамда мамлакатимизда “бюджет қондаси”ни жорий қилишнинг илмий-амалий асослари ва истиқболлари мавзулари бўйича ўтказилган тадқиқот ишлари якуни бўйича Марказий банк фаолиятида фойдаланиш учун зарур таҳлилий маълумотлар ва муҳим тавсиялар шакллантирилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан **“Ўзбекистон Республикасидаги яширин иқтисодиёт ҳажмини монетар методлар асосида баҳолаш”** мавзусидаги тадқиқот иши амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот иши доирасида яширин иқтисодиётни юзага келтирувчи ва уни рағбатлантирувчи асосий омиллар, шу жумладан, яширин иқтисодий фаолиятнинг юзага келиши ва амалга оширилишида пул-кредит омилларининг ўрни мавжуд халқаро тадқиқот ишларини ўрганиш асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, республикаимизнинг мустақилликка эришилгандан кейинги даврдаги нақд пул муомаласи ва нақдсиз тўловлар тизими ривожланиш ҳолати ҳамда валюта бозоридаги жараёнларнинг халқаро солиштирма таҳлили амалга оширилди.

Ушбу тадқиқот иши доирасида мамлакатимиздаги яширин иқтисодиёт ҳажми халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган монетар ёндашувлар ёрдамида баҳоланди ҳамда унинг кўламини қисқартириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда давлат ижтимоий дастурлари доирасида аҳолига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ва уй-жой шароитларини яхшилашга кредит ажратиш кўламининг сезиларли даражада оширилиши ҳамда банклар томонидан чакана банк хизматлари кўламининг кенгайтирилиши натижасида аҳоли кредит мажбуриятларининг жадал ошиб бораётганлиги республика аҳолисининг кредит юкини мониторинг қилиб боришни ва хатарли ҳолатларни бартараф этиш (таъсирини пасайтириш) юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишини тақозо қилади.

Шу мақсадда ҳисобот йилида Марказий банк томонидан **“Республика аҳолисининг банк кредитлари бўйича қарз юки даражаси таҳлили”** мавзуси бўйича тадқиқот иши амалга оширилди ҳамда унинг доирасида аҳоли кредит юки даражаси халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган ёндашувлар асосида баҳоланди.

Тадқиқот доирасида аҳоли кредит юки ўсишини тартибга солиш ва тегишли кредит хатарларини камайтириш борасидаги жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда, бугунги кунда халқаро миқёсда марказий банклар

томонидан кенг қўлланилаётган, бироқ мамлакатимизда жорий қилинмаган, юқори самарали макропруденциал инструментларни жорий этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш борасидаги салоҳиятини ошириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида фойдаланиш учун сифатли макроиқтисодий прогнозларни ишлаб чиқиш мақсадида 2019 йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг техник кўмаги доирасида Чехиянинг “OGRsearch” консалтинг компанияси билан ҳамкорликда Марказий банкнинг Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш тизими, шу жумладан, унинг муҳим ташкил этувчиси – **Чораклик прогнозлаштириш модели** ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Шунингдек, 2019 йилда Марказий банк томонидан Халқаро валюта жамғармаси методологияси асосида халқаро амалиётда макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштиришда кенг қўлланиладиган **“Макроиқтисодий дастурлаш модели”**нинг дастлабки шакли ишлаб чиқилди. Мазкур модел 4 та ўзаро боғланган иқтисодий секторлардаги, яъни пул-кредит, солиқ-бюджет, ишлаб чиқариш ва ташқи секторлардаги жараён ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш имкониятини беради.

Ушбу прогнозлаштириш моделини кенг жорий қилиш мақсадида 2019 йил 28 октябрь - 5 ноябрь кунлари Марказий банк томонидан Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликда жамғарманинг Бирлашган Вена институти мутахассисларини жалб қилган ҳолда, Тошкент шаҳрида Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа қатор вазирлик ва идоралар ходимлари учун “Макроиқтисодий дастурлаш модели” мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.

Ўқув семинари давомида вазирлик ва идоралар ходимларининг макроиқтисодий дастурлаш моделини ишлаб чиқиш ва ундан амалиётда фойдаланиш бўйича билим ва малакалари оширилди.

3.10. Банк қонунчилигини такомиллаштириш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, шу жумладан, Марказий банкнинг пул-кредит ва валюта сиёсатлари, кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, миллий тўлов тизимини

янада ривожлантириш ҳамда бошқа йўналишлардаги фаолиятини илғор хорижий тажриба, умумэътироф этилган меъёрлар ва андозалар асосида ташкил этиш борасидаги вазифалар банк қонунчилигини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ҳисобот йилида Марказий банк фаолиятини ва банк тизимини ислоҳ қилишнинг қонуний асосларини яратиш ва такомиллаштириш мақсадида соҳага оид 4 та асосий қонунлар – янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни қабул¹¹ қилинди.

Эътиборлиси, мазкур қонун ҳужжатлари банк қонунчилиги бўйича илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ихтисослашган халқаро молия институтларининг тегишли экспертлик хулосаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Хусусан, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунда инфляцияни жиловлашга қаратилган пул-кредит сиёсатидаги янгилик ва ўзгаришлар, валюта сиёсатини эркинлаштириш ва банкларни пруденциал назорат қилиш тизимига ўтиш доирасида жорий қилинган ва қилинаётган янги тартиб ва меъёрлар, кредит ташкилотлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молиявий оммабоплик ва саводхонлик даражасини ошириш бўйича вазифалар акс эттирилган.

Мазкур Қонунда, унинг аввалги таҳриридан фарқли равишда (аввалги даврда Марказий банк фаолиятининг бош мақсади сифатида бирмунча мавҳум бўлган миллий валюта барқарорлигини таъминлаш белгиланган), нархлар, банк ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадлари сифатида аниқ қилиб белгилаб қўйилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан юқорида келтирилган қонунларда белгиланган янги тартиб ва нормаларни амалиётга жорий қилиш, шу жумладан, банк тизими фаолиятига оид мавжуд меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни янги қабул қилинган қонунларга мувофиқлаштириш юзасидан фаол иш олиб борилди.

¹¹ “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунлар бўйича маълумотлар ҳисоботнинг мос равишда 3.2, 3.3 ва 3.4-бўлимларида келтирилган.

Жумладан, янги тахрирда қабул қилинган қонунлардан келиб чиқиб, Марказий банк Бошқарувининг тегишли қарори билан кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш масаласига оид Марказий банкнинг 12 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб, ўз долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини йўқотган Марказий банкнинг 40 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ва уларга мувофиқлаштириш мақсадида жами 61 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, шундан 55 та Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва 6 та Давлат ижро органлари билан биргаликда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб:

27 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги имтиёзли кредитлар беришни назарда тутувчи нормалар бекор қилинди;

32 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга банклар томонидан 2021 йил 1 январдан бошлаб бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда фоизларни компенсация қилиш механизми орқали кредитлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4071-сонли қарори талабларига мувофиқ, имтиёзли кредитлар беришни назарда тутувчи нормалар кўзда тутилган 18 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинди ҳамда 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

3.11. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

Марказий банк республика аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан жисмоний

ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг муайян тизими яратилган бўлиб, 2019 йилда ҳам бу борадаги ишларнинг изчиллик билан амалга оширилиши таъминланди.


Бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда асосий эътибор, мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, мурожаатлар асосида кредит ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд тизимли камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда Марказий банк раҳбариятининг шахсий ва сайёр қабуллари ташкил этиш орқали фуқаролар билан мулоқот каналини кенгайтиришга қаратилди.

Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банк раҳбарияти томонидан банк хизматларини кўрсатиш масалалари билан боғлиқ мурожаатлар юзасидан жами 382 та (2018 йилда 266 та) шахсий қабул ташкил этилиб, шундан 116 та мурожаатчига амалий ёрдам кўрсатилди ҳамда 266 та мурожаатчига тегишли тушунтиришлар берилди.

Сайёр қабуллар давомида 1 319 нафар фуқародан имтиёзли кредит ва банкка оид бошқа масалаларда мурожаатлар қабул қилиниб, унинг 552 таси ижобий ҳал этилди (55,9 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилган), 763 таси бўйича тушунтиришлар берилди ва 12 таси бошқа вазирлик ва идораларга тегишлилиги бўйича юборилди.

3.11.1-чизма

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони



2019 йил мобайнида Марказий банкка жами 5 047 та мурожаат келиб тушган бўлиб, унинг 249 тасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 376 тасини Марказий банк электрон почтаси, 2 314 тасини Марказий банкка тўғридан-тўғри ҳамда бошқа вазирлик

ва идоралар орқали келиб тушган ёзма мурожаатлар, 2 108 тасини Марказий банк раҳбарияти ва масъул ходимларининг шахсий ва сайёр қабуллари ҳамда “Ишонч телефони” орқали билдирилган оғзаки мурожаатлар ташкил этди.

Ҳисобот йилида Марказий банкка келиб тушган мурожаатлар сонининг 2018 йилга нисбатан 1,4 баробарга кўпайиши:

“Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz” ва бошқа давлат ижтимоий дастурлари доирасида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги мурожаатлар сонининг ошганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони талаблари асосида олиб борилаётган фаол коммуникация сиёсати ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг кучайтирилиши билан изоҳланади.

3.11.1-жадвал

2018-2019 йиллар давомида Марказий банкка жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларда кўтарилган масалалар таркиби

№	Мурожаат масаласи	2018 йил		2019 йил	
		сони	улуши, %да	сони	улуши, %да
1	Банк кредитлари ва кредит операциялари	1 987	56,5	3 483	69,0
2	Банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари масаласида	146	4,2	427	8,5
3	Банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар	364	10,4	207	4,1
4	Валютани тартибга солиш ва назорат қилиш масаласида	186	5,3	181	3,6
5	Тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб - китоблар масаласида	161	4,6	140	2,8
6	Банк омонати ва бошқа депозит операциялари	99	2,8	104	2,1
7	Банк карталари ва терминаллар масаласида	118	3,4	101	2,0
8	Нафақа пулларини олиш масаласида	26	0,7	29	0,6
9	Банк ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш тартиби	44	1,3	29	0,6
10	Нақд пул масаласида	34	1,0	27	0,5
11	Бошқа масалалар	349	9,9	319	6,3
	Жами	3 514	100,0	5 047	100,0

Келиб тушган мурожаатларнинг 3 483 таси (69 фоизи) кредит, 427 таси (8,5 фоизи) банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари, 207 таси (4,1 фоизи) банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар, 181 таси (3,6 фоизи)

валюта, 140 таси (2,8 фоизи) тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, 117 таси (2,3 фоизи) ишга жойлашиш масаласи, 104 таси (2,1 фоизи) омонатлар ҳамда 101 таси (2 фоизи) банк карталари ва терминалларга оид масалалар ҳиссасига тўғри келди.

2019 йилда банк кредитлари ва кредит операциялари бўйича мурожаатлар сони 2018 йилдаги 1 987 тадан 3 483 тагача, банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари бўйича 146 тадан 427 тагача, банк омонати ва бошқа депозит операциялари бўйича 99 тадан 104 тагача кўпайган бўлса, бошқа масалалар бўйича мурожаатлар сони камайган.

Мурожаатлар сони ортган йўналишларнинг чуқурроқ таҳлили, тижорат кредитлари ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги шароитида имтиёзли кредитларга (асосан оилавий тадбиркорлик дастури доирасидаги кредитларга) талабнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги ва айти пайтда мазкур дастур доирасида ажратилган давлат молиявий маблағларининг чекланганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича мурожаатларнинг аксарият қисмини ҳақиқатда мавжуд ёки тез нақд пулга айлантириб олиш мумкин бўлган (чорвачилик, иссиқхона қуриш, асаларичилик, тикувчилик) йўналишларга кредит сўраб қилинган мурожаатлар ташкил этмоқда. Жорий йилдан бошлаб оилавий тадбиркорлик дастури доирасида кредитларни такомиллашган усулда, яъни мақсадли гуруҳлар учун самарали йўналтириш ва Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ҳисобот йилида аксарият масалалар бўйича мурожаатлар сонининг камайганлиги, банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда ноқулайликлар ва қийинчиликлар туғдириб келган кўплаб муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал қилиб борилаётганлигини англатади. Бунда 2021 йилдан бошлаб кредитлашда бозор механизмларига тўлиқ ўтилиши, мазкур йўналишда мурожаатлар сонининг камайишига ва кредитлар самарадорлигининг янада ортишига хизмат қилади.

3.12. Банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Халқаро тажриба ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, Марказий банк фаолиятини такомиллаштириш доирасида янги йўналишда бошланган ишлардан бири – банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам 2019 йилда тегишли ишлар босқичма-босқич амалга ошириб борилди.

Хусусан, мазкур йўналишдаги ишларни ташкил этишдаги муҳим меъёрий-ҳуқуқий база ҳисобланган Марказий банкнинг **“Банк хизматлари истеъмоличлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда кредит ташкилотларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”**ги низомига (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

истеъмоличининг банк хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини (кредит, депозит, банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш, лизинг, банк карталари ва бошқалар бўйича) атрофлича ўрганиб чиқиши ва тегишли мутахассис ёки ҳуқуқшунос маслаҳатини олиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида **шартномани имзолагунга қадар ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқи берилди;**

аҳолига уларнинг яшаш жойидан (пропискасидан) қатъи назар, **исталган банк филиалига** кредит олиш учун ариза билан **мурожаат этиш ҳуқуқи берилди;**

фуқароларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида уларга банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш шаклини мустақил танлаш ҳуқуқи берилди ҳамда банклар томонидан миқдорларга тўлов шаклидан (нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда) келиб чиқиб, банк хизматлари учун турлича нархлар (тарифлар) белгилаш **тақиқлаб қўйилди;**

қарз олувчиларга кредит (қарз) бўйича гаровда турган ўзининг депозити (омонати)даги маблағларини кредит (қарз)га хизмат кўрсатишнинг хоҳлаган даври мобайнида депозит (омонат)нинг амал қилиш муддатидан қатъи назар мазкур кредит (қарз)нинг қайтариш учун йўналтириш ҳуқуқи берилди;

қарздордан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушган ҳолатда тижорат банки томонидан келиб тушган маблағнинг ортиқча қисми қарз олувчи кредитининг асосий қарз қисмини сўндиришга йўналтирилиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг **“Тижорат банклари кредит сиёсати**га нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомига (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2019 йилнинг август ойидан бошлаб, тижорат банклари томонидан аҳолига истеъмол кредитлари (микроқарзлар) ажратиш жараёнида миқдор учун кредит (микроқарз)нинг тўлиқ қийматини, яъни кредитни олиш ва қайтариш билан боғлиқ барча қўшимча харажатларни (банк комиссияси, кредит таъминоти билан боғлиқ баҳолаш ва суғурталаш харажатлари) ҳисобга олган ҳолдаги қийматини ҳисоблаб бериш тартиби жорий қилинди.

Бунинг натижасида аҳоли тижорат банклари таклиф қилаётган кредитларни (микроқарз) қайтариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни солиштириб, ўзи учун энг мақбул кредит таклифини танлаб олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўз навбатида, юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тижорат банклари ва уларнинг филиаллари ходимларига тушунтириш мақсадида ҳудудларда мунтазам равишда ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

2019 йилда тижорат банкларида истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, жумладан, ҳар бир банкда истеъмолчилар билан телефон алоқаси орқали боғланишни таъминловчи Call-марказлар ташкил этилиши лозимлиги белгиланди. Мазкур талабга мувофиқ, барча тижорат банкларида Call-марказлар ташкил қилиниб, аҳолига банк хизматлари бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериб бориш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, барча тижорат банкларида ўзининг расмий веб-сайти орқали истеъмолчиларнинг электрон мурожаатларини қабул қилиш амалиёти жорий қилинди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари кўрсатаётган хизматлар сифатини миқдорлар томонидан баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича ишлар доирасида Марказий банкнинг тегишли қарорига мувофиқ, барча тижорат банкларида миқдорларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш мақсадида мустақил компаниялар жалб қилинган ҳолда, банкларда “**сирли миқдор**” тадбирлари даврий равишда ўтказиб борилмоқда. Ўтказилган ушбу тадбир натижалари тижорат банклари бошқаруви йиғилишларида кўриб чиқилиб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини Марказий банк томонидан назорат қилиш тизими йўлга қўйилди.

Ҳисобот йилида банк истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган тижорат банкларига нисбатан чора ва санкцияларни қўллаш амалиёти давом эттирилди. Жумладан, 2019 йил давомида Марказий банкнинг **Банк назорати қўмитасида** банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига доир жами 21 та масала муҳокама этилган бўлиб, шундан 7 та ҳолатда банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этмаган тижорат банкларидан жами 380 млн. сўм миқдорида жарима ундирилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан Ўзсаноатқурилишбанк, Капиталбанк, Давр-банк ва Агробанкда банк истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш бўйича қўйилган минимал талабларга риоя этилиши аҳволи ҳамда асосий (таянч) банк хизматлари кўрсатилиши ҳолати жойига чиқиб ўрганилди.

Ўрганиш натижалари Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси йиғилишларида муҳокама этилиб, йиғилиш қарори билан тижорат банкларига мижозларга банк хизматлари кўрсатилишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслик чораларини кўриш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

2019 йил давомида банк хизматларидан фойдаланиш тартиб-тамоийллари бўйича аҳолига ахборот бериш борасидаги ишлар ҳам кучайтирилиб, Марказий банкнинг телеграм канали орқали банк хизматлари истеъмолчилари учун тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларга оид маълумотлар, шу жумладан, банк карталари орқали тўловларни амалга ошириш, банклар билан шартномалар тузиш, банк хизматлари учун ҳақ ундирилиши тартиби ва бошқа масалалар бўйича хабарлар доимий равишда бериб борилмоқда.

3.13. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

Молиявий хизматлар бозорининг ривожланиб бориши, хусусан, янги банк ва молиявий хизматларнинг жорий этилиши ҳамда аҳолининг бундай хизматлардан фойдаланиш кўламининг кенгайиб бориши шароитида аҳолининг молиявий хизматлар ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги билим ва кўникмаларини ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Халқаро тажриба аҳолида зарур даражадаги молиявий билимларнинг шакллантирилиши уларнинг шахсий (оила) бюджетини тўғри режалаштириш, мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш, банклар ва бошқа молиявий муассасалар томонидан таклиф этилаётган маблағларни жамғариш бўйича молиявий хизматлар юзасидан тўғри қарорлар қабул қилиш борасидаги салоҳиятини оширишга ҳамда аҳолининг қарз (кредит) мажбуриятларининг ошиб кетишининг олдини олишга хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига Марказий банк томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2019 йилда бу борада аҳолининг турли қатламларининг молиявий билимларини ошириш, турли ёш гуруҳлари ва аудиториялар учун молиявий саводхонликка оид замонавий ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда

уларнинг молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Тошкент молия институти билан ҳамкорликда иқтисодиёт ва молия йўналишларига ихтисослашмаган олий таълим муассасаларининг ўқув дастурига киритиш учун “Молиявий саводхонлик асослари” ўқув қўлланмаси лойиҳаси кирилл ва лотин ёзувида ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2019 йил 31 октябрь куни тижорат банклари, вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ва олий таълим муассасаларини жалб этган ҳолда, **“Бутунжаҳон жамғариш куни”** доирасида:

ёшлар ўртасида шахсий жамғармаларни шакллантиришнинг афзалликларини тарғибот қилиш юзасидан видеороликлар яратиш бўйича танлов ўтказилиб, унда 18 мингдан ортиқ иштирокчи жалб этилди ҳамда голибларга Марказий банк томонидан совғалар тақдим этилди;

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан ҳамкорликда иқтисодиёт ва молия йўналишларига ихтисослашмаган таълим йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари учун семинар-тренинг ўтказилиб, унда 130 га яқин талаба иштирок этди;

132 та умумий ўрта таълим муассасаларида, жумладан, Тошкент шаҳридаги 55 та мактабда, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 77 та мактабларда молиявий саводхонлик мавзусида очик дарслар, бадий танловлар ҳамда тижорат банклари томонидан “Очик эшиклар куни” ташкиллаштирилди.

Интернет тармоғида Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича ахборот-таълим ресурсини ишга тушириш мақсадида тегишли веб-сайт яратувчи ташкилот билан ҳамкорликда тегишли ахборот-таълим ресурсини яратиш ва ишга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилаётган **“Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегияси”**да илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистонда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу Миллий стратегия доирасида аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш юзасидан Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан биргаликда “Аҳолининг молиявий саводхонлик ва молиявий оммабоплик даражасини баҳолаш” бўйича сўровнома (Financial Capability and Inclusion Survey of Households) шакли ишлаб чиқилди. Мазкур сўровнома 7 та йўналиш бўйича 204 та саволни ўз ичига олган бўлиб, сўровни 2020 йилнинг февраль-март ойларида ўтказиш кўзда тутилган.

2019 йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган конференция давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти / Молиявий таълим бўйича халқаро тармоқнинг (OECD/INFE) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида молиявий таълим бўйича лойиҳасининг 2-фазасига қўшилди ҳамда OECD/INFE халқаро тармоғи аъзосига айланди. Мазкур халқаро тармоқ ўзи ичига 123 та мамлакатларни қамраб олган бўлиб, жумладан, МДҲ давлатларидан Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари унга аъзо ҳисобланади.

Мазкур OECD/INFE халқаро тармоғи молиявий таълим соҳасида стандартларни белгилаш, амалга ошириш ва баҳолаш, аҳолининг турли хил қатламлари учун молиявий саводхонликни ошириш, ўсмирларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича PISA (Халқаро талабаларни баҳолаш дастури)ни амалиётга татбиқ этиш йўналишларида ўз фаолиятини олиб боради.

3.14. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш

Ҳозирги даврда халқаро миқёсда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш масаласига инклюзив иқтисодий ўсишни, яъни аҳолининг кенг қатламлари турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилувчи иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан, молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш кўплаб чет эл мамлакатлари марказий банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Марказий банк томонидан ҳам иқтисодий ислохотларнинг янги даврида молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, шу жумладан, банк хизматларининг аҳолининг кенг қатламларига етиб боришини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда асосий эътибор аҳоли ва кичик тадбиркорлик субъектлари учун банк ва нобанк кредит ташкилотлари хизматларидан фойдаланишда қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, молиявий хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар кўрсатиш тартибини соддалаштириш ҳамда аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган чакана банк хизматлари модул турларини кўпайтиришга қаратилмоқда.

Хусусан, ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилиб, йил якуни бўйича тижорат банклари томонидан “намунавий филиал”га айлантирилган

филиаллар сони 565 тага, худуди фронт-офис ва бек-офисга ажратилган банк филиаллари сони эса 736 тага етди.

Шунингдек, 2019 йилда банк хизматларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, Сирдарё ва Андижон вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида мижозларга тезкор хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида синов тариқасида ихчам **“банк хизматлари офислари”** ташкил этилди ҳамда йил якунига қадар уларнинг тармоғи кенгайтирилиб, **457** тага етказилди. Мазкур амалиёт 2020 йилда ҳам давом эттирилади ва республика бўйлаб қўшимча **200** та **“банк хизматлари офислари”** ташкил этилади.

Молиявий хизматлар бозорига янги нобанк кредит ташкилотларининг кириб келишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарори билан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 иш кунигача қисқартирилди. Микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 млн. сўмгача, микрокредит миқдори 300 млн. сўмгача ва микролизинг миқдори 600 млн. сўмгача оширилди.

Ҳисобот даврида кредит бозоридаги ахборот ассиметриясини камайтириш орқали молиявий оммабоплик даражасини ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси томонидан **“Скоринг КИАЦ”** номли скоринг модели ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Мазкур скоринг модели 150 дан ортиқ ташкилотлар, хусусан, тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, лизинг компаниялари, электр ва газ таъминоти корхоналари, товарлар қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилувчи чакана савдо ташкилотлари (ритейл) ва бошқа ташкилотлардан олинадиган кредит ахборотлари асосида шакллантирилган бўлиб, кредит ташкилотларига қарз олувчининг кредит тарихини ва қарз маблағларини қайтариш салоҳиятини қисқа муддатларда сифатли баҳолаш имкониятини беради.

Ўз навбатида, бундай скоринг моделининг мавжудлиги тижорат банкларида юридик ва жисмоний шахсларга кредитларни тезкорлик билан ажратиш имконини берувчи **модулли кредитлаш тизимини** жорий этиш имконини яратмоқда. Ҳисобот йилида банк тизимида бундай модулли кредитлаш тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди ҳамда мазкур тизимларнинг 2020 йилда республика тижорат банкларида кенг жорий қилиниши кўзда тутилган.

Банк хизматлари кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш орқали молиявий оммабоплик даражасини ошириш мақсадида 2019 йилда тижорат банклари томонидан аҳолига кредит, омонат ва касса хизматларини кўрсатиш тартиблари соддалаштирилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида соҳага оид халқаро тажрибага асосан **“Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегияси”**ни (кейинги ўринларда – *Миллий стратегия*) ишлаб чиқиш мақсадида Марказий банк томонидан Жаҳон банкининг техник кўмаги жалб қилинди.

Ҳозирда мазкур стратегия бўйича тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар мутахассислари иштирокида тузилган ишчи гуруҳ томонидан 2020-2025 йиллар учун:

базавий молиявий хизматлар таклифини ошириш;
рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш;
кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ва микромолиялаштириш;

молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш;

аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Жаҳон банки экспертларининг тавсияларига кўра, Миллий стратегия доирасида Марказий банк томонидан **“Молиявий оммабоплик альянси”** ҳамда **“Катта йигирматаликнинг молиявий оммабопликни ошириш бўйича Глобал шерикчилиги”**нинг молиявий оммабоплик индикаторларини ҳисоблаш методологияси асосида банк хизматлари оммабоплиги индикаторлари ишлаб чиқилиб, ҳисоблаш йўлга қўйилди.

Ушбу банк хизматлари оммабоплиги индикаторларидан Миллий стратегиянинг амалиётдаги натижадорлигининг мақсадли кўрсаткичларини (*таргетларини*) белгилашда фойдаланилади ва ушбу индикаторлар 2020 йилнинг апрель ойидан бошлаб Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

3.15. Марказий банк коммуникация сиёсатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда нафақат кенг жамоатчиликни пул-кредит сиёсати соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида хабардор қилиш, балки ушбу сиёсатдан Марказий банкнинг асосий мақсад ва вазифаларига эришишда **муҳим инструмент** сифатида фойдаланиш бўйича ёндашувлар такомиллаштириб борилди.

Кенг жамоатчиликнинг пул-кредит сиёсатига қизиқишини ошириш, инфляцион кутилмаларга тўғри таъсир кўрсатиш, банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган зарур ахборот ва маълумотлар қўлами ҳамда мулоқот каналлари кенгайтириб борилди.

Хусусан, молиявий жараёнларнинг иштирокчилари, яъни аҳолининг кенг қатлами ва молия бозори субъектлари билан бевосита ва билвосита коммуникацион алоқанинг ҳамда ахборот тарқатиш каналларидан фойдаланишнинг зарур инструментлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, бир-бирини тўлдирувчи кенг қамровли ва батафсил тушунтиришларга асосланган статистик маълумотлар, шарҳлар, пресс-релизлар, алоҳида мавзулардаги интервью ва изоҳлар бериб борилмоқда ҳамда турли мавзулардаги матбуот анжуманлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва банк тизимидаги мавжуд муаммоларни жамоатчилик фикри асосида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

2019 йилда Марказий банк фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва коммуникация каналини янада ривожлантириш доирасида Марказий банкнинг расмий веб-сайтига **95 та** хабар, **29 та** пресс-релиз, **15 та** шарҳ, **6 та** маъруза ва нутқ, Марказий банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига доир **120 дан ортиқ** статистик ва бошқа маълумотлар жойлаштирилди.

Мазкур маълумотлар ўз ичига пул-кредит статистикаси, банк тизими, нобанк кредит ташкилотлари, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, тўлов тизими, Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари ва тўлов баланси, ташқи қарзи ҳамда халқаро инвестицион позицияси каби кўрсаткичларни қамраб олган.

Шунингдек, Марказий банк расмий веб-сайтида банк тизими фаолиятига оид **46 та** Қонун, Президентнинг **15 та** фармони ва **13 та** қарори, Вазирлар Маҳкамасининг **8 та** қарори ва **360 та** бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилиб, хорижий инвесторлар, халқаро молиявий ташкилотлар ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўйича маълумотлар базаси кенгайтирилди.

2019 йилда Марказий банкнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги янада кенгайтирилди. Марказий банк фаолияти очиқлиги ва олиб бораётган сиёсатини кенг жамоатчилик томонидан тўғри англаниши учун **10 га** яқин брифинг, матбуот анжуманлари ва семинар-тренинглари

ташқил этилиб, ахборотларни онлайн режимида тарқатилишига эътибор берилди. Хусусан, матбуот анжуманлари:

ички валюта бозоридаги жорий ҳолат ва алмашув курси динамикасини тушунтиришга;

пул-кредит сиёсатининг 2020-2022 йиллар учун мўлжалланган асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш масалаларига;

банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига;

тўлов тизими ва макропруденциал назорат масалаларига бағишланди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг раҳбар ва масъул ходимлари **20 дан ортиқ** махсус кўрсатув, семинар, конференция ва давра суҳбатларида иштирок этиб, улар томонидан пул-кредит ва валюта соҳаси ҳамда банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳақида кенг жамоатчиликка долзарб маълумотлар тақдим этилди.

Оммавий ахборот воситаларининг банк-молия мавзусини ёритадиган вакиллари учун ҳар чоракда семинар-тренинглار ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди ва 2019 йил давомида **60** га яқин журналистларнинг малакаси оширилди. Машғулотлар давомида Марказий банк вазифалари, пул-кредит ва валюта сиёсати асослари, банк қонунчилиги, банк хизматларини кўрсатишнинг замонавий тенденциялари, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда банк тизими фаолиятига доир бошқа масалалар кенг миқёсда тушунтириб берилди.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг раҳбар ходимлари бошчилигида шаҳар, туман ва вилоятларда **30 дан ортиқ** сайёр қабуллар ва семинар-тренинглар ўтказилди. Уларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини янада ошириш, пул-кредит, валюта ва банк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан зарур тушунтиришлар берилди. Юзма-юз мулоқотларда банк хизматларини кўрсатишдаги мавжуд камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Банк тизими ва миллий валюта курсининг барқарорлиги ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказишда аҳоли ўртасида оммабоп бўлган ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш чоралари доирасида Марказий банк фаолиятига оид муҳим янгиликлар, статистик маълумотлар ва видеолавҳалар банкнинг расмий веб-сайтига ҳамда ижтимоий

тармоқлардаги саҳифаларида мунтазам равишда жойлаштирилмоқда. Шунингдек, эълон қилинаётган материалларнинг мавзу жиҳатдан қамрови кенгайтириб борилмоқда.

Кенг жамоатчилик билан алоқалар каналини такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг пул-кредит сиёсатидан хабардорлигини ошириш ҳамда банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш орқали инфляцион кутилмаларини пасайтириш борасидаги ишларнинг сифатини ошириш мақсадида “Instagram”, “Twitter”, “LinkedIn”, “ВКонтакте” каби ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этилди.

Марказий банкнинг биргина Фейсбук ижтимоий тармоғидаги саҳифасига **253** та эълон ва хабар жойлаштирилди, натижада йил якунига келиб, фойдаланувчилар сони 2018 йилга нисбатан **1,3** баробар ортиб, **4 мингдан** ошиб кетди. Телеграм мессенжеридаги каналига жойлаштирилган эълонлар, мақолалар, шарҳлар, видеолар, таҳлилий ва статистик материаллар сони жами **350 атрофида** бўлиб, каналдан фойдаланувчилар сони **10,3** минг кишидан ортди ёки 2018 йилга нисбатан **1,5** баробарга кўпайди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан коммуникация сиёсати доирасида жамоатчиликка тақдим этилаётган материалларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янада қулай ва тушунарли шаклда етказилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда инфографика ва анимацион видеоматериаллардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди ҳамда ёритилаётган материалларнинг тили соддалаштириб борилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг пул-кредит сиёсатига қизиқишини ошириш ҳамда уларда инфляцион кутилмаларнинг ижобий шаклланишига таъсир кўрсатиш мақсадида зарур ахборот ва маълумотлар кўламини ҳамда мулоқот каналларини янада кенгайтириш заруриятдан келиб чиқиб, Халқаро ҳамкорлик ва коммуникация департаменти негизида алоҳида таркибий бўлинма – Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти ташкил этилди.

IV. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

2019 йилда Марказий банк фаолиятининг бошқа муҳим йўналишларидаги каби халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятида ҳам янгича ёндашув ва ўзгаришлар босқичма-босқич киритиб борилди. Марказий банк фаолиятидаги мазкур ислохотларнинг зарурияти кўйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, Марказий банк фаолиятини ислоҳ қилиш ва унинг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бевосита халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича ишларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда халқаро ҳамкорлик кўламларининг кенгайиб бориши Марказий банк фаолиятининг ҳар бир йўналиши, хусусан, пул-кредит сиёсати, банк назорати ва макропруденциал сиёсатни такомиллаштириш, замонавий тўлов тизими ва молиявий технологияларни жорий этиш, молиявий саводхонлик ва оммабопликни ошириш бўйича ислохотларни, биринчи навбатда, халқаро тажрибани (ютуқ ва камчиликларни) инобатга олган ҳолда амалга оширишда кенгрок самара бермоқда.

Иккинчидан, республика банклари, молиявий ҳамда бошқа ташкилотлар жаҳон молия бозорлари ва умуман глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бораётган шароитда мамлакатда олиб борилаётган макроиқтисодий, шу жумладан, пул-кредит сиёсатида ва банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни, хусусан, хорижий инвесторлар, халқаро рейтинг компаниялари ҳамда молиявий ташкилотларни хабардор қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

4.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик

Ҳисобот йилида Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон банки, бошқа халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорликни ривожлантиришда асосий эътибор, Марказий банкнинг пул-кредит ва валюта сиёсатини, пул-кредит ва молиявий статистикани юритиш амалиётини, банк қонунчилигини, кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, банк тизимини ислоҳ қилиш ҳамда молиявий оммабоплик ва саводхонликни ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ходимлар билим ва малакасини ошириш масалаларига қаратилди.

Хусусан, Марказий банк ва банклар фаолиятига доир янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки

билан яқиндан ҳамкорлик қилиниши ушбу қонун ҳужжатларини илғор халқаро тажриба ва ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш имконини берди.

2019 йилда **Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)** билан ҳамкорликдаги ишлар асосан пул-кредит сиёсатини, шу жумладан, унинг инструментларини такомиллаштириш, ички пул ва валюта бозорларини ривожлантириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш йўналишлари бўйича амалга оширилди.

Хусусан, ХВЖ низомининг IV моддаси бўйича маслаҳатлар доирасидаги ХВЖ миссиясининг 2019 йилнинг февраль-март ойларида бўлиб ўтган ташрифи давомида мамлакат иқтисодиётининг жорий ҳолатини ва унда юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш, пул-кредит ва валюта сиёсати ҳамда пруденциал назорат соҳасида амалга оширилаётган ва келгуси даврлар учун режалаштирилаётган ислоҳотларни муҳокама қилиш юзасидан учрашувлар ўтказилди.

ХВЖ миссияси ташрифи якуни бўйича тайёрланган ҳисоботда мамлакатимиздаги иқтисодий ҳолат ижобий баҳоланиб, иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи муваффақиятли якунлангани ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий интеграцияни фаоллаштиришдаги ўрни алоҳида қайд этилди.

2019 йил давомида Марказий банк ХВЖда аъзо мамлакатларга техник кўмак кўрсатиш борасида яратилган имкониятлардан фаол фойдаланди. ХВЖнинг қатор миссияларининг, шу жумладан, пул ва валюта операциялари, пул-кредит ва молиявий статистика, тўлов баланси ва халқаро инвестициявий позиция статистикаси масалалари бўйича техник кўмак миссияларининг Марказий банкка ташрифи ташкиллаштирилди.

Хусусан, 2019 йил февраль ойида Марказий банкка ташриф буюрган пул-кредит сиёсати инструментлари ва валюта операциялари бўйича техник кўмак миссияси билан биргаликда Марказий банкнинг ички валюта ва пул бозорларидаги операцияларини такомиллаштириш, банк тизими ликвидлигини бошқариш, банк тизимидаги ликвидлик даражасини прогнозлаш усулларини ишлаб чиқиш ва оптимал фоиз коридорини аниқлаш бўйича ишлар амалга оширилди.

2019 йил июль-август ойларидаги ХВЖнинг пул-кредит ва молиявий статистика бўйича техник кўмак миссияси ташрифи давомида Марказий банкнинг пул-кредит ва молиявий статистикани юритиш амалиёти ХВЖнинг энг сўнгги қўлланмаси талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Мазкур техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда амалга оширилган

ишларнинг натижаси сифатида 2019 йил декабрь ойида ХВЖнинг асосий статистик маълумотлар платформаси – **"Халқаро молиявий статистика"** тизимида **Ўзбекистон Республикасининг саҳифаси** очилди.

Ўз навбатида, 2019 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Марказий банкда бўлган ХВЖнинг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий позиция статистикаси бўйича миссияси ташрифи давомида ташқи сектор статистикасини, шу жумладан, тўлов баланси ва халқаро инвестициявий позиция статистикасини тузиш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилиниб, зарур тавсиялар олинди.

2019 йилда ХВЖ бошқарувчи директори К. Лагарднинг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди. Мазкур ташриф доирасида ХВЖ бошқарувчи директорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Молия вазири ва Марказий банк раиси билан икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди.

Ҳисобот йилида ХВЖнинг **Бирлашган Вена институти (БВИ)** ва **Салоҳиятни ривожлантириш институти** билан ҳамкорликда Марказий банкда мамлакатимизда биринчи бор **"Макроиктисодий дастурлаш модели"** мавзусида ўқув курси ташкил этилди ҳамда қатор вазирлик ва идораларнинг 40 дан ортиқ ходимларининг макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштиришни амалга ошириш борасидаги билим ва малакалари оширилди.

Шунингдек ХВЖ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш доирасида мазкур ташкилот томонидан 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси учун доимий вакилнинг тайинланиши борасида муҳокамалар олиб борилиб, дастлабки келишувларга эришилди.

Ҳисобот йилида **Жаҳон банки** билан банк назорати механизмларини, халқаро резервларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, банк тизимини ислоҳ қилиш ҳамда молиявий оммабопликни ошириш масалалари бўйича фаол ҳамкорлик олиб борилди.

Хусусан, Жаҳон банки билан ҳамкорликда банк назорати бўйича қатор семинарлар ташкиллаштирилиб, улар доирасида банкларни назорат қилиш ва тартибга солиш масалалари бўйича Марказий банк мутахассисларининг билим ва малакалари оширилди.

Шунингдек, Жаҳон банки экспертлари томонидан халқаро резервларни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун активларни диверсификация қилиб бориш, халқаро захираларни бошқариш амалиётида замонавий ахборот дастурлари ва рискларни бошқаришнинг такомиллаштирилган механизмларини қўллаш, ушбу соҳадаги ходимлар малакасини доимий равишда ошириб бориш юзасидан тавсиялар берилди ҳамда ушбу тавсияларни амалга ошириш борасида ҳамкорлик қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Ҳисобот даврида Жаҳон банки билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири **“Банк тизимини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси”** ҳамда **“Молиявий оммабопликни ошириш бўйича миллий стратегия”**ни ишлаб чиқиш бўлди. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнига банк тизимини ислоҳ қилиш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш борасидаги энг илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда Жаҳон банки экспертлари жалб қилинди.

Ҳисобот йилида **Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)** томонидан Марказий банк мутахассислари учун жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасидаги хатарлар, **“Ўз мижозингни бил”** ва комплаенс мавзулари бўйича семинар-тренинглар ташкил этилди.

2019 йилда ЕТТБ билан Марказий банкнинг прогнозлаштириш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш йўналишидаги ҳамкорлик давом эттирилган бўлиб, ҳисобот даврида Марказий банкнинг Чораклик прогнозлаштириш моделининг такомиллаштирилган шакли ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Республикада молиявий оммабопликни ошириш Марказий банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, бу борада **Молиявий оммабоплик аянси (МОА)** билан ҳам кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Ҳисобот йилида Марказий банк мутахассислари МОАнинг йиғилишларида фаол иштирок этиб, молиявий оммабопликни ошириш ва ушбу йўналишдаги кейинги қадамлар, хусусан, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича илғор ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш масалалари бўйича музокаралар олиб бордилар.

Шунингдек, 2019 йилда Марказий банкка МОА директори Алфред Ханниг бошчилигида Алянс миссияси ташриф буюрди. Марказий банкда бўлиб ўтган учрашув давомида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама қилиниб, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, рақамли молиявий хизматлар кўрсатишни тартибга солишга доир меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, шунингдек, аҳоли молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича Молиявий оммабоплик аянсининг техник кўмагини жалб қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки турли соҳаларда **хорижий давлатлар Марказий (миллий) банклари** билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Хусусан, ўтган йилда **Швейцария миллий банки** билан ҳамкорликда Марказий банк ходимларининг инфляцияни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш борасидаги салоҳиятини ошириш бўйича ишлар давом эттирилди. Шу мақсадда Швейцария миллий банки томонидан Марказий банк ходимлари учун иқтисодий эркинлаштириш даврида пул-кредит ва макропруденциал сиёсатни олиб бориш, ташқи сектор ва капитал ҳаракати бўйича қатор амалий ўқув курслари ташкил этилди.

Шунингдек, Швейцария миллий банки томонидан прогнозлаштириш моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот йилида **Россия Федерацияси Марказий банки** (Россия банки) билан ҳамкорлик муносабатлари янада кенгайтирилди. Россия Марказий банки билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ходимларни ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиб, йил давомида 25 нафар Марказий банк ходимлари марказий банклар фаолиятининг турли йўналишлари бўйича ўз малакаларини ошириб келишди.

Бундан ташқари, 2019 йилда **Арманистон Республикаси Марказий банки** билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусан, Марказий банк мутахассислари тажриба алмашиш ва малака ошириш учун Арманистон Республикаси Марказий банкига 2 мартаба ташриф буюришди. Ташрифлар давомида кредит ахбороти алмашинуви ва кредит муассасаларини лицензиялаш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини химоя қилиш ва молиявий саводхонлик даражасини ошириш йўналишларидаги тажрибаси атрофлича ўрганилди.

4.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик

Мазкур йўналишдаги ишлар доирасида 2019 йилда Марказий банк томонидан халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари, вазирлик ва идоралари билан 100 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди.

Ушбу учрашувларда хорижий ҳамкорларга Марказий банк томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсати, валюта сиёсати ҳамда пруденциал назорат юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Ҳисобот йили давомида халқаро рейтинг агентликлари (Fitch Ratings, Moody's Investors Service, S&P Global Ratings) билан ҳамкорлик доирасида уларга республика иқтисодий ва банк тизими жорий ривожланиш ҳолати ва истиқболлари бўйича кенг қамровли маълумотларнинг тақдим этиб борилиши, ўз навбатида, ушбу нуфузли агентликлар томонидан Ўзбекистон

Республикасининг суверен рейтингини аниқлаш ва баҳолаш жараёнларида ижобий омил сифатида инобатга олинди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий банкнинг халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлигининг кенгайтирилиши республика банк тизимининг халқаро мавқеи ошишига туртки бўлиб, маҳаллий банклар томонидан жаҳон молия бозорида ўз қимматли қоғозларини жойлаштиришни йўлга қўйишида муҳим роль ўйнади.

V. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ

5.1. Ташкилий тузилма

Ҳисобот йилида республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг янги даврида Марказий банкнинг мақсад, вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб ҳамда халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида Марказий банк фаолиятининг институционал асосини такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2019 йил давомида Марказий банк ташкилий тузилмасида қатор янги таркибий бўлинмалар, шу жумладан, **Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботи, Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси, Молиявий саводхонликни ошириш ва банк мутахассисларини қайта тайёрлаш, Халқаро ҳамкорлик, Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат, Ахборот технологиялари ҳамда Тўлов тизимлари департаментлари** ташкил этилди.

Бугунги кун ҳолатига Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси марказий аппарати 32 департамент, хизмат ва бўлимлардан ташкил топган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий бош бошқармалар фаолият юритмоқда.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банк тизимида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар билан бутланиш даражаси 100 фоизни, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар 95 фоизни ташкил этади.

5.2. Ходимлар билан ишлаш тизими

Ҳисобот йилида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, кадрлар салоҳиятини ошириш ва ходимлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларини бошқариш сиёсати” ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатда Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадларига мувофиқ ходимлар билим ва малакасини ошириш борасида амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари ва механизмлари белгиланган.

Шунингдек, Марказий банкда ходимлар меҳнатини самарали баҳолаш тизимини жорий қилиш мақсадида **“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимлари фаолиятини баҳолаш тўғрисида”**ги низом ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Мазкур баҳолаш тизимининг жорий этилиши ходимлар иш самарадорлигини ҳолисона баҳолаш орқали уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, билим ва малакаси оширилиши зарур бўлган ходимларни танлаб олиш ҳамда юқори салоҳиятга эга бўлган ходимларни корпоратив компетенциялар ва кадриятлар орқали баҳолаб, ишга қабул қилиш каби ишларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

2019 йилда Марказий банкдаги мавжуд бўш иш ўринларига ички ва ташқи номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартибини белгилаш мақсадида **“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мавжуд бўш иш ўринларига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби тўғрисида”**ги низом қабул қилинди ва ушбу низом асосида кадрларни танлаш амалиёти жорий қилинди.

Ҳисобот йилида мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги эълонлар Марказий банк расмий веб-сайтида мунтазам равишда жойлаштириб борилди. Бунда танлов жараёнида номзодларнинг нафақат касбий билимлари балки мантиқий фикрлаши, хорижий тилларни билиш даражаси, Марказий банкнинг кадриятлари ва компетенцияларига муносиблигини баҳолаш орқали энг истиқболли номзодлар саралаб олинди. Хусусан, 2019 йилда танловларда иштирок этган 500 нафардан ортиқ номзодлардан 30 таси ишга қабул қилинди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банкда ходимлар билан ишлаш тизимининг муҳим йўналиши ҳисобланган раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Бу борада **“Марказий банк тизимида раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлаш тўғрисида”**ги низом тасдиқланиб, Марказий банк тизимида раҳбар кадрлар учун юқори салоҳиятли ва малакали ўриндошлар тайёрлаб боришнинг такомиллаштирилган тизими жорий қилинди.

Ҳисобот йилида **“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида кадрлар захирасига олинган ходимларнинг ротацияси тўғрисида”**ги тартиб ҳам тасдиқланган бўлиб, мазкур ҳужжат кадрлар захирасига олинган раҳбар ходимларни ротация қилиш, кадрлар захирасига олинган ходимларда бошқарув кўникмаларини ривожлантириш, уларга раҳбарлик лавозимларига кўтарилишга мотивация бериш ҳамда Марказий банкда ходимлар ўриндошлигини таъминлаб бориш тартибини белгилаб беради.

Ҳисобот йилида Марказий банк тизимида меҳнат қилаётган ходимлар билим ва малакасини ошириш, жумладан, уларнинг узлуксиз таълим олишларига кенг шароитлар яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ходимларнинг турли олий таълим муассасалари ва ўқув базаларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси, Марказий банк Ўқув маркази ҳамда чет элдаги нуфузли олий ўқув юртлари ва халқаро молия институтлари ўқув марказларида таълим олишлари ташкил этилди.

Хусусан, 2019-2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг “Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш” факультетининг магистратура йўналиши бўйича 4 нафар ходим, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг “Иқтисодий монетар тартибга солиш” йўналиши бўйича 26 нафар ходим таҳсил олмоқда.

Шунингдек, Япония ва Кореянинг етакчи университетларида грант асосида магистратура йўналишида Марказий банкнинг 8 нафар ходими таълим олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этилган малака ошириш ва амалиёт ўташ дастурларида ғолиб бўлган Марказий банкнинг 4 нафар ходими хорижда таълим олишлари ва амалиёт ўташлари таъминланди.

Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларининг жами **185 нафар ходими** Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Австрия, Польша, Япония, Сингапур, Филиппин, Корея, Хитой Халқ Республикаси, Бирлашган Араб Амирлиги, Миср, Малайзия, Россия Федерацияси, Украина, Арманистон, Грузия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон банк-молия соҳасида малака ошириб, тажриба орттирди.

Шунингдек, Марказий банк ходимлари Халқаро валюта фонди ҳамда Базель кўмитаси томонидан ташкил этилган банк назорати бўйича “Базель-III ислохотлари”, “Банкларни назорат қилиш асослари”, “Банк фаолияти бизнеси”, “Тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар”, “Инқироздан кейинги Базель-III га алоқадор бўлмаган ислохотлар”, “Ликвидлилик таваккалчилиги сиёсати ва назорат”, “Кредит таваккалчилиги сиёсати ва назорати асослари”, “Бозор таваккалчилиги сиёсати ва назорати асослари” ва “Банк тизими ликвидлигини таҳлил қилиш” мавзулари бўйича онлайн (масофадан туриб) курсларда иштирок этган ҳолда **140 та** малака сертификатларига эга бўлдилар.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида “Ходимларни бошқариш HR-менежер”, “HR-мутахассиси самарали жамоани шакллантириш” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари Марказий давлат архивида “Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати”, шунингдек, Masters Class study ва Prime Coach малака ошириш ўқув марказларида ташкил этилган ўқув курсларида жами **137** нафар ходим иштирок этди.

Марказий банк мутахассисларининг назарий билимлари, маънавий-маърифий савияси, сиёсий саводхонлиги, касбий тайёргарлигини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган касбий-иқтисодий ўқув машғулотларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мазмун-моҳияти доимий тарзда ва тизимли равишда ўрганиб бориш амалиёти йўлга қўйилган.

Шунингдек, Марказий банк тизимида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирлар доирасида “Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним”, “Диний экстремизм, терроризм - мамлакат тараққиётига ва хавфсизликка таҳдид”, “Коррупция - миллий хавфсизликка таҳдид”, “Сайловчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва сайлов маданиятини ошириш”, “Конституция, ва қонун устуворлигини таъминлаш” каби мавзулар бўйича ҳам ўқув-семинарлари ўтказилди.

Марказий банкнинг кадрлар салоҳиятини янада ошириш, шу жумладан, кадрлар захирасини шакллантириш ва кенгайтириш борасидаги ишлар доирасида республика олий ўқув юртларининг иқтисодиёт, банк-молия ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича бакалаврият босқичининг охириги икки курсида ҳамда магистратура босқичида таълим олаётган **80 нафар иқтидорли талабалар** танлаб олинди ва “Марказий банк стипендияси”га лойиқ деб топилди.

Ушбу талабаларга яқка тартибда ёндашган ҳолда билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда Марказий банк фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида уларнинг ўқишдан ташқари вақтларида Марказий банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларида амалий малака ўташлари ташкил этилиб, ҳар бир стипендиатга малакали мураббий бириктирилган.

Шунингдек, амалиёт ўтаётган стипендиатлар учун Марказий банк фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари бўйича ойлик семинар ва учрашувлар ўтказиб борилмоқда.

5.3. Ички аудит фаолияти

Ҳисобот йилида Марказий банк тизимида, хусусан, тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий Бош бошқармаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ички аудитдан ўтказиш бўйича ишлар Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган йиллик режа асосида ташкил этилди.

Хусусан, ички аудит хизмати томонидан Марказий банк аппарати, ҳудудий Бош бошқармалари, Ҳисоб - китоб касса марказлари ва Марказий банк тасарруфидаги ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботларнинг тўғри юритилиши, активлар ҳолати, қимматликларнинг бут сақланиши, банк операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ҳамда ижро интизоми аҳолини ўрганиш юзасидан аудит текширувдан ўтказилди.

Аудит текширувлари натижасида аниқланган хато ва камчиликларнинг бартараф этилиши таъминланди ҳамда келгусида такрорланишининг олдини олиш мақсадида тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди. Шу билан бирга, бу борада камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунда ички аудит тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, **Марказий банк Аудиторлик қўмитаси** ташкил этилди ҳамда “*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Аудиторлик қўмитаси тўғрисида*”ги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низом билан қўмитанинг ваколат ва функциялари белгилаб берилди ҳамда уч нафар аъзодан, жумладан, бир нафар мустақил аъзодан иборат қўмита таркиби тасдиқланди.

Аудиторлик қўмитаси фаолиятининг йўлга қўйилиши Марказий банкда ички назорат тизими, рискларни бошқариш, ички аудитни ҳамда молиявий ҳисоботлар юритилишини халқаро талаблар даражасига мослаштириш ва ташқи аудиторлик ташкилотлари билан муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ишларнинг самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, ички аудит хизматининг Аудиторлик қўмитаси билан аудит йўналишларини белгилаш, аудит иш режаларини ишлаб чиқиш, аудит натижаларини муҳокама қилиш ва фикр-мулоҳазаларни шакллантириш юзасидан яқиндан ҳамкорлик қилиши Марказий банкда ички назорат тизими, рискларни бошқариш ва ички аудит хизмати самарадорлигини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳисобот йилида, Аудиторлик қўмитаси томонидан Марказий банкнинг йиллик молиявий ҳисоботини ташқи аудитдан ўтказиш бўйича талаблар ҳамда ички аудитни ташкил этиш масалалари белгилаб берилди.

Шунингдек, 2019 йилда *“Ички аудит департаменти тўғрисида”*ги низомнинг янги таҳрири тасдиқланиб, аввалги таҳриридан фарқли ўлароқ, департаментнинг асосий мақсади сифатида аудит объектларида ички назорат тизимини, унинг ҳолатини ва талабга жавоб беришини таҳлил қилиб бориш ва баҳолаш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазаларни шакллантириш, тавсияларни Марказий банкнинг Аудиторлик қўмитасига ҳамда Марказий банк Бошқарувига тақдим этиб боришдан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Марказий банк тизимида ички аудит фаолиятини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш, бунда ички аудитни рискка асосланган йўналишда ташкил қилиш, текширувлар ва таҳлиллار йўналишларини, услубларини тубдан қайта кўриб чиқиш, ходимларнинг билим ва кўникмаларини доимий ошириб бориш ҳамда ички аудитни илғор хорижий тажрибалар асосида янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

2020 йилда ички аудитни янги йўналишда тизимли ҳамда самарали йўлга қўйиш мақсадида ходимлар билиминини мунтазам ошириб бориш, уларнинг хорижий давлатларда соҳага оид малака ошириш ўқув-курслари ва семинарларда иштирок этишини таъминлаш, шунингдек, халқаро ташкилотлардан техник кўмак олиниши юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

VII. ИЛОВАЛАР

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги
макроиқтисодий кўрсаткичлари***
(жорий нархларда)

млрд. сўм

Кўрсаткичлар номи	2019 йилда	2018 йилга нисбатан, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	511 838,1	105,6
Саноат маҳсулоти ҳажми	331 006,6	106,6
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	111 464,3	112,1
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	224 288,8	102,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	189 924,3	133,9
Қурилиш ишлари ҳажми	68 854,4	119,0
Чакана савдо айланмаси	164 184,2	107,9
Хизматлар, жами	190 356,0	112,5
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари	42 177,9	126,2
Экспорт	17 901,7	128,0
Импорт	24 276,2	124,9
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн. АҚШ доллари	-6 374,5	х

* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

2-жадвал

МДХ давлатлари бўйича 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари*
(ўтган йилга нисбатан)

Кўрсаткичлар номи	Ўзбекистон	Россия	Украина	Белорусия	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Арманистон
Ялли ички маҳсулот, фойзда	105,6	101,3	103,3	101,2	104,5	104,5	107,5	107,6
Саноат маҳсулоти хажми, фойзда	106,6	101,1	98,2	102,8	103,8	106,9	113,6	109,0
Қишлоқ ўжалик маҳсулотлари хажми, фойзда	102,5	102,9	101,1	102,9	100,9	102,5	107,1	95,8
Инфляция, фойзда	115,2	102,4	104,1	105,6	105,4	103,1	108,0	101,4
Ташқи савдо айланмаси, млрд. АҚШ доллари	42,2	672,8	110,9	84,2	104,8	6,9	4,5	8,2
Экспорт, млрд. АҚШ доллари	17,9	418,8	50,1	42,0	52,4	2,0	1,2	2,6
Импорт, млрд. АҚШ доллари	24,3	254,1	60,8	42,2	34,3	4,9	3,3	5,6

* Миллий статистика хизматлари кўрсаткичлари асосида

3-жадвал

**2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий ташқи иқтисодий ҳамкорлари билан
амалга оширган экспорт-импорт операциялари**

Давлатлар номи	Экспорт		Импорт		Ташқи савдо айланмаси	
	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда
Жами	17 901,7	100,0	24 276,2	100,0	42 177,9	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
Хитой	2 519,0	14,1	5 101,9	21,0	7 620,9	18,1
Россия	2 492,5	13,9	4 134,4	17,0	6 626,9	15,7
Қозоғистон	1 429,7	8,0	1 938,0	8,0	3 367,7	8,0
Корея	93,5	0,5	2 661,8	11,0	2 755,3	6,5
Туркия	1 203,6	6,7	1 321,6	5,4	2 525,2	6,0
Германия	53,9	0,3	926,2	3,8	980,1	2,3
Қирғизистон	679,0	3,8	150,0	0,6	829,0	2,0
Афғонистон	615,1	3,4	2,9	0,01	618,0	1,5
АҚШ	29,1	0,2	567,1	2,3	596,2	1,4
Тожикистон	344,2	1,9	152,8	0,6	497,0	1,2
Япония	27,8	0,2	385,8	1,6	413,6	1,0
Украина	113,6	0,6	264,3	1,1	377,9	0,9
Латвия	48,9	0,3	325,3	1,3	374,2	0,9
Белорусия	47,6	0,3	283,2	1,2	330,8	0,8

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси кредит ташкилотлари
таркибий бўлинмалари сони**

	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.
1. Марказий банк томонидан рўйхатга олинган кредит ташкилотлари, жами	121	147
<i>шу жумладан:</i>		
1.1. Тижорат банклари, шундан:	29	30
Давлат улуши мавжуд банклар	13	13
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	16	17
1.2. Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:*	92	117
Микрокредит ташкилотлари	37	56
Ломбардлар	55	61
2. Тижорат банклари филиаллари, жами**	876	850
3. Банк хизматлар офиси (шу жумладан мини-банклар)	1 151	1 050
4. 24/7 режимида фаолият юритадиган ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш шохобчалари		907

* Нобанк кредит ташкилотлари филиаллари мавжуд эмас

** Тижорат банкларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(2020 йил 1 январь ҳолатига)

	Актив		Кредит		Капитал		Депозит		млрд. сўм
	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	
Банклар номи									
Жами	272 727	100,0	211 581	100,0	51 031	100,0	91 009	100,0	
Давлат улуши мавжуд банклар	230 126	84,4	186 631	88,2	44 267	86,7	65 740	72,2	
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	42 601	15,6	24 950	11,8	6 764	13,3	25 269	27,8	

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари ўзгариши**

Кўрсаткичлар номи	01.01.2019 й.			01.01.2020 й.			Номинал ўсиш, фоизда	Ҳақиқий ўсиш (девальвацияни ҳисобга олмаган ҳолда), фоизда
	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда		
Банк активлари	214 420	118 829	55,4	272 727	129 077	47,3	27,2	19,8
Кредит қўйилмалари	133 751*	59 888	44,8	211 581	100 947	47,7	58,2	48,9
Жалб қилинган депозитлар	70 001	26 678	38,1	91 009	39 969	43,9	30,0	23,0
Капитал	26 679	266,9	1,0	51 031	305	0,6	91,3	91,1

* Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобга олинмаган

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг 2019 йилдаги таққослама кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	01.01.2019 й.			01.01.2020 й.			млрд. сўм
	Жами	шундан:		Жами	шундан:		
		давлат улуши мавжуд банклар	капиталида давлат улуши бўлмаган банклар		давлат улуши мавжуд банклар	капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	
Активларнинг мажбуриятларга нисбати, фоизда	114,2	113,7	116,8	123,0	123,8	118,9	
Активлар	214 420	180 155	34 265	272 727	230 126	42 601	
Мажбуриятлар	187 741	158 412	29 329	221 696	185 859	35 837	
Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати, фоизда	239,1	312,2	83,2	232,5	283,9	98,7	
Кредитлар	167 391	148 796	18 595	211 581	186 631	24 950	
Депозитлар	70 001	47 659	22 342	91 009	65 740	25 269	

8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами ва устав капитал миқдори бўйича гуруҳланиши

Кўрсаткичлар номи	Жами		шулардан:											
			100 млрд. сўмгача		100 дан 300 млрд. сўмгача		300 дан 500 млрд. сўмгача		500 млрд. сўмдан 1 трлн. сўмгача		1 трлн. сўмдан 2 трлн. сўмгача		2 трлн. сўм ва ундан юқори	
	банклар сони	сумма, млрд. сўм	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда
01.01.2019 йил ҳолатига														
Жами капитал	29	26 679	2	0,6	10	5,5	3	4,5	6	15,0	4	21,9	4	52,5
шундан, устав капитал	29	19 673	2	0,7	14	5,9	3	4,5	4	14,9	3	21,8	3	52,2
01.01.2020 йил ҳолатига														
Жами капитал	30	51 031	1	0,2	11	3,5	1	0,6	6	7,6	5	13,1	6	74,9
шундан, устав капитал	30	41 877	5	1,1	10	3,6	4	3,4	3	5,7	2	6,5	6	79,6

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижораг банкларининг активлар миқдори бўйича гуруҳланиши

(2020 йил 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткичлар номи	Жами		Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган тижораг банклари тақсимооти						30 трлн. сўмдан юқори **	
	банклар сони	сумма	3 трлн. сўмгача		3 дан 10 трлн. сўмгача		10 дан 30 трлн. сўмгача*			
			банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма		
Активлар										
Активлар	30	272 727	13	9 535	10	54 877	4	72 119	3	136 195
Кредитлар, жами	30	211 581	13	6 106	10	35 211	4	59 511	3	110 753
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	30	39 934	13	1 353	10	6 780	4	20 768	3	11 032
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	30	171 647	13	4 752	10	28 431	4	38 743	3	99 721
Қисқа муддатли кредитлар	30	17 955	13	791	10	5 079	4	5 528	3	6 558
Узоқ муддатли кредитлар	30	193 626	13	5 314	10	30 133	4	53 984	3	104 195
Миллий валютадаги кредитлар	30	110 633	13	4 250	10	21 000	4	46 445	3	38 939
Чет эл валютасидаги кредитлар	30	100 947	13	1 856	10	14 211	4	13 067	3	71 814
Капитал ва молиявий натижалар										
Жами капитал	30	51 030,7	13	2 213,1	10	9 138,0	4	14 164,0	3	25 515,6
Капитал етарлиги кўрсаткичи, фоизда	30	23,5	13	23,9	10	18,5	4	22,9	3	26,3
Соф фойда	30	4 149,5	13	227,7	10	1 231,3	4	881,4	3	1 809,2
Активлар даромадлиги, фоизда	30	2,2	13	4,6	10	4,0	4	1,8	3	1,7
Капитал даромадлиги, фоизда	30	16,7	13	18,5	10	25,1	4	12,8	3	14,7
Мажбуриятлар										
Аҳоли омонатлари	30	21 052	13	1 415	10	7 968	4	5 237	3	6 432
Юридик шахслар депозитлари	30	69 957	13	4 112	10	21 391	4	18 500	3	25 954

* Ипотека банк, Агро банк, Халқ банки, Қишлоқ Қурилиш банк

** Ўзмиллийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Асакабанк

10-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг 2019 йилдаги
молиявий барқарорлик кўрсаткичлари**

млрд. сўм

Асосий кўрсаткичлар	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	15,6	23,5
Жами регулятив капитал	24 231,1	52 466,8
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	154 965,5	223 041,1
I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	14,3	19,6
I даражали капитал	22 146,3	43 659,2
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	154 965,5	223 041,1
Захиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитларнинг жами капиталга нисбати, фоизда	4,3	2,7
Захиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитлар миқдори	1 140,4	1 373,8
Жами капитал	26 679,0	51 030,7
Ҳаракатсиз кредитларнинг жами кредитлар миқдорига нисбати, фоизда	1,3	1,5
Ҳаракатсиз кредитлар	2 140,5	3 169,1
Жами кредитлар миқдори	167 390,6	211 580,5
Активлар рентабеллиги, фоизда	2,0	2,2
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	3 858,4	5 693,2
Жами активлар (мазкур давр учун ўртача)	188 566,0	254 942,6
Капитал рентабеллиги, фоизда	16,2	16,7
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	3 858,4	5 693,2
Жами капитал ҳажми (мазкур давр учун ўртача)	23 836,1	34 039,3
Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	48,4	50,7
Фоизли маржа	6 161,9	9 898,4
Ялпи даромад	12 726,0	19 517,9
Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	54,4	49,5
Фоизсиз харажатлар	6 925,6	9 670,1
Ялпи даромад	12 726,0	19 517,9
Ликвид активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	13,6	13,9
Ликвид активлар	29 252,6	37 887,2
Жами активлар	214 419,6	272 726,7
Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати, фоизда	41,2	40,3
Ликвид активлар	29 252,6	37 887,2
Қисқа муддатли мажбуриятлар	71 050,6	93 962,0
Жами капиталнинг жами активларга нисбати, фоизда	12,4	18,7
Жами капитал	26 679,0	51 030,7
Жами активлар	214 419,6	272 726,7

11-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг
2018-2019 йиллардаги даромадлилик кўрсаткичлари**

млрд. сўм

Банк тизими даромад ва харажатлари	2018 йил	2019 йил
Фоизли даромадлар	14 516,8	25 500,2
Фоизли харажатлар	8 354,9	15 601,8
Фоизли маржа	6 161,9	9 898,4
Фоизсиз даромадлар	6 564,1	9 619,5
Фоизсиз харажатлар	1 342,6	2 855,8
Операцион харажатлар	5 583,0	6 814,3
Фоизсиз даромад (зарар)	-361,5	-50,7
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	1 746,3	3 855,7
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	195,6	298,9
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	3 858,4	5 693,2
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	658,9	1 012,5
Фойда бўйича тузатишлар	0,0	0,0
Соф фойда (зарар)	3 199,5	4 680,7

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари	2018 йил	2019 йил
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,05	2,23
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	16,20	16,73
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	2,88	3,63
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	3,68	4,68
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	3,28	4,46
Соф фоизли маржа	3,27	3,88

12-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капитал етарлилиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	01.01.2019 й.		01.01.2020 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
I даражали капитал	22 146,3	91,4	43 659,2	83,2
Асосий капитал	22 060,6	91,0	43 621,6	83,1
Кўшимча капитал	85,6	0,4	37,6	0,1
II даражали капитал	2 084,9	8,6	8 807,5	16,8
Жами регулятив капитал	24 231,1	100,0	52 466,8	100,0
Капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	15,6		23,5	
I даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	14,3		19,6	

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ликвидлилик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.
Юқори ликвидли активлар, млрд. сўм	20 202,4	30 873,8
Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	9,4	11,3
Жорий ликвидлилик коэффициенти, фоизда (<i>минимал талаб - 30 фоиз</i>)	81,5	89,1
Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти, фоизда (<i>минимал талаб - 100 фоиз*</i>)	170,7	208,5
Соф барқарор молиялаштириш меъёри, фоизда (<i>минимал талаб - 100 фоиз</i>)	107,9	112,8
Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти, фоизда (<i>минимал талаб - 10 фоиз**</i>)	30,9	47,8

* Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти бўйича минимал талаб 2016 йил 1 январдан - 80%, 2017 йил 1 январдан - 90% ва 2018 йил 1 январдан - 100% даражасида ўрнатилган

** Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти бўйича минимал талаб 2018 йил 1 январдан - 20% ва 2018 йил 25 апрелдан - 10% даражасида ўрнатилган

14-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича таснифи

Кўрсаткичлар номи	01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		Ўтган йилга нисбаган, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Жами кредитлар	167 391	100,0	211 581	100,0	126,4
Саноат	66 690	39,8	75 636	35,7	113,4
Қишлоқ хўжалиги	9 422	5,6	17 205	8,1	182,6
Қурилиш соҳаси	5 880	3,5	5 930	2,8	100,9
Савдо ва умумий хизмат	10 786	6,4	14 480	6,8	134,2
Транспорт ва коммуникация	20 913	12,5	23 516	11,1	112,4
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	2 746	1,6	3 302	1,6	120,3
Уй-жой коммунал хизмати	1 821	1,1	2 512	1,2	137,9
Жисмоний шахслар	24 427	14,6	39 934	18,9	163,5
Бошқа соҳалар	24 705	14,8	29 065	13,7	117,6

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида 2019 йил давомида ажратилган имтиёзли кредитлар

Т/р	Ижтимоий дастурлар	Суммаси
I.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида	7 560,9
	<i>шундан:</i>	
1.1.	“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида	5 856,3
1.2.	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан	154,3
1.3.	Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш дастури доирасида	192,5
1.4.	Маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар ҳисобидан	72,9
1.5.	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан	172,8
1.6.	Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан	119,2
1.7.	“Yoshlar - kelajagimiz” Давлат дастури доирасида	992,8

млрд. сўм

16-жадвал

**Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига
ажратилган кредитлар
(худудлар кесимида)**

млрд. сўм

Худудлар номи	2018 йилда	2019 йилда	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	30 648,8	55 430,0	180,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1 063,2	1 718,6	161,6
Андижон вилояти	1 747,9	2 457,7	140,6
Бухоро вилояти	1 966,0	3 286,9	167,2
Жиззах вилояти	976,5	2 644,3	270,8
Қашқадарё вилояти	1 185,0	2 775,4	234,2
Навоий вилояти	1 011,3	2 330,5	230,4
Наманган вилояти	1 111,4	2 936,1	264,2
Самарқанд вилояти	2 507,7	4 392,3	175,1
Сурхондарё вилояти	1 152,0	2 570,4	223,1
Сирдарё вилояти	640,3	2 483,9	387,9
Тошкент вилояти	1 954,0	3 425,0	175,3
Фарғона вилояти	1 977,5	3 227,5	163,2
Хоразм вилояти	1 520,0	2 275,2	149,7
Тошкент шаҳри	11 836,0	18 906,4	159,7

17-жадвал

**Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган
ижтимоий дастурлар доирасида 2018-2019 йилларда
ажратилган имтиёзли кредитлар**

млрд. сўм

Худудлар номи	2018 йилда	2019 йилда	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	2 739,0	7 560,9	276,1
Қорақалпоғистон Республикаси	177,8	397,0	223,3
Андижон вилояти	344,7	584,1	169,5
Бухоро вилояти	201,6	422,5	209,6
Жиззах вилояти	165,8	405,5	244,5
Қашқадарё вилояти	192,3	652,9	339,4
Навоий вилояти	195,6	511,5	261,5
Наманган вилояти	281,4	991,2	352,2
Самарқанд вилояти	233,7	587,8	251,5
Сурхондарё вилояти	183,6	551,2	300,2
Сирдарё вилояти	95,8	468,2	488,8
Тошкент вилояти	112,0	556,4	497,0
Фарғона вилояти	266,5	707,7	265,5
Хоразм вилояти	239,0	421,9	176,5
Тошкент шаҳри	49,1	303,1	617,0

18-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 2019 йилда депозитлари
ва депозит сертификатлари таснифи**

Сана	Жами	муддат бўйича:				1 йилдан юқори
		Талаб қилиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	31 кундан 180 кунгача	181 кундан 365 кунгача	
01.01.2019 й.	70 001	29 912	3 711	8 785	8 422	19 171
<i>улуши, фонзда</i>	100,0	42,7	5,3	12,5	12,0	27,4
01.01.2020 й.	91 009	35 189	3 133	11 654	11 523	29 511
<i>улуши, фонзда</i>	100,0	38,7	3,4	12,8	12,7	32,4

млрд. сўм

20-жадвал

2019-йилда резерв пуллар ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар номи	01.01.2019 йил		01.01.2020 йил		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Резерв пуллар, жами	34 483,3		40 607,1		117,8
<i>шу жумладан:</i>					
Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар	23 122,3	67,1	26 310,3	64,8	113,8
Банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари	8 197,9	23,8	9 817,9	24,2	119,8
Банкларнинг мажбурий захиралардаги маблағлари	2 909,6	8,4	4 187,1	10,3	143,9
Марказий банк мижозларининг депозитлари	253,4	0,7	291,7	0,7	115,1

21-жадвал

**Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган
банк пластик карталари**

Худудлар номи	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	17 686 598	20 547 366	116,2
Қорақалпоғистон Республикаси	958 426	1 141 175	119,1
Андижон вилояти	1 259 943	1 311 134	104,1
Бухоро вилояти	984 213	1 168 663	118,7
Жиззах вилояти	495 669	562 793	113,5
Қашқадарё вилояти	1 483 869	1 732 128	116,7
Навоий вилояти	646 559	757 761	117,2
Наманган вилояти	1 068 640	1 200 929	112,4
Самарқанд вилояти	1 491 651	1 647 803	110,5
Сурхондарё вилояти	1 045 094	1 164 126	111,4
Сирдарё вилояти	400 376	499 064	124,6
Тошкент вилояти	1 081 472	1 245 267	115,1
Фарғона вилояти	1 509 033	1 705 804	113,0
Хоразм вилояти	761 268	806 507	105,9
Тошкент шаҳри	4 500 385	5 604 212	124,5

22-жадвал

**Савдо, сервис ва хизмат кўрсатиш субъектларига
ўрнатилган тўлов терминаллари**

Худудлар номи	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	244 913	392 361	160,2
Қорақалпоғистон Республикаси	13 780	23 411	169,9
Андижон вилояти	16 853	22 006	130,6
Бухоро вилояти	16 745	30 886	184,4
Жиззах вилояти	8 401	11 964	142,4
Қашқадарё вилояти	16 942	21 963	129,6
Навоий вилояти	10 795	14 453	133,9
Наманган вилояти	13 942	20 533	147,3
Самарқанд вилояти	19 071	34 704	182,0
Сурхондарё вилояти	12 728	16 941	133,1
Сирдарё вилояти	6 903	11 346	164,4
Тошкент вилояти	22 302	38 651	173,3
Фарғона вилояти	21 331	29 748	139,5
Хоразм вилояти	12 590	19 094	151,7
Тошкент шаҳри	52 530	96 661	184,0

**Республика ҳудудларида ўрнатилган банкомат
ва инфокиосклар**

Худудлар номи	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	6 859	9 203	134,2
Қорақалпоғистон Республикаси	200	316	158,0
Андижон вилояти	257	388	151,0
Бухоро вилояти	368	507	137,8
Жиззах вилояти	128	195	152,3
Қашқадарё вилояти	195	361	185,1
Навоий вилояти	169	242	143,2
Наманган вилояти	316	435	137,7
Самарқанд вилояти	448	671	149,8
Сурхондарё вилояти	356	450	126,4
Сирдарё вилояти	113	209	185,0
Тошкент вилояти	246	458	186,2
Фарғона вилояти	576	825	143,2
Хоразм вилояти	196	337	171,9
Тошкент шаҳри	3 291	3 809	115,7

24-жадвал

**2018-2019 йилларда тўлов терминаллари орқали
амалга оширилган тўловлар суммаси**

млрд. сўм

Худудлар номи	2018 йил давомида	2019 йил давомида	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	63 712,5	71 020,2	111,5
Қорақалпоғистон Республикаси	3 073,1	3 379,3	110,0
Андижон вилояти	3 928,0	4 028,3	102,6
Бухоро вилояти	3 826,1	3 812,6	99,6
Жиззах вилояти	1 501,5	1 642,4	109,4
Қашқадарё вилояти	3 515,8	4 570,1	130,0
Навобй вилояти	2 291,2	2 536,9	110,7
Наманган вилояти	3 103,0	3 227,8	104,0
Самарқанд вилояти	3 975,9	4 560,1	114,7
Сурхондарё вилояти	2 706,3	2 651,8	98,0
Сирдарё вилояти	1 078,4	1 357,9	125,9
Тошкент вилояти	4 670,6	4 626,7	99,1
Фарғона вилояти	4 774,8	4 858,8	101,8
Хоразм вилояти	3 068,0	3 173,5	103,4
Тошкент шаҳри	22 199,9	26 594,0	119,8

